

**О.М.Миртазаев, Г.С.Матназарова
Л.П.Зуева**

**ХАРБИЙ
ЭПИДЕМИОЛОГИЯ**

Тошкент

Муаллифлар:

О.М.Миртазаев -тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент тиббиёт академияси эпидемиология кафедраси профессори

Г.С.Матназарова - тиббиёт фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академияси эпидемиология кафедраси мудири

Л.П.Зуева - тиббиёт фанлари доктори, профессор, Россия тиббиёт фанлари академиясининг академиги, И.И.Мечников номидаги Санкт-Петербург эпидемиология кафедраси мудири

Такризчилар:

1. Р.Х.Тўхтамов - Ўзбекистон республикаси Мудофаа вазирлиги Бош санитария врачи, санитария эпидемиология назорати бошлиғи, тиббий хизмат полковниги

2. Н.С.Атабеков - тиббиёт фанлари доктори, профессор Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти директори.

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим ҳамда Соғлиқни Сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган ҳарбий эпидемиология фани дастурига ва республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида ўқитилаётган умумий амалиёт врачларини тайёрлаш дастурига биноан ёзилган.

Дарсликни таёrlашда Олий таълим тизимиға илғор ҳалқаро тажрибаларни жорий этиш, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда янги авлод ўқув адабиётларини яратиш каби ҳозирги замоннинг долзарб муаммолари ҳам инобатга олинган.

Ушбу дарсликда ҳарбий эпидемиологиянинг шаклланиши ва ривожланиши, тарихи ҳамда сўнгги ютуқлари баён қилинган.

Ҳозирги даврда уруш ва табиий оғатлар, фавқулотда вазиятлар вақтида инфекцион касалликлар этиологик таркибининг ўзгариши, бактериологик куроларнинг кўлланилиши, қўшинга инфекциянинг олиб кирилиш йўллари, эпидемик жараённинг ривожланиши ва намоён бўлишига таъсир қилувчи омилларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб уларга қарши кураш чора – тадбирлари ҳам ўзгарди.

Дарсликда юқорида кўрсатилган, ҳарбийлар орасида ўтказиладиган замонавий чора-тадбирлар батафсил ёритилган. Дарслик тиббий олий ўқув юртлари даволаш, педиатрия, касбий таълим, тиббий- профилактика, ҳарбий йўналишидаги талабалар учун мўлжалланган.

Қисқартирилган сўзлар рўйхати

1. Ўта хавфли инфекция (ЎХИ)
2. Индивидуал дори қутиси (ИДҚ)
3. Шошилинч профилактика (ШП)
4. Биологик қурол (БҚ)
5. Биологик заарланиш ўчоги (БЗЎ)
6. Биологик заарловчи агент (БЗА)
7. Иммунопрофилактика (ИП)
8. Ўткир юқумли касаллик (ЎЮК)
9. Алоҳида тиббий батальон (АТиББ)
10. Санитар эпидемиологик разведка (СЭР)
11. Тиббий эвакуация босқичи (ТЭБ)
12. Эпедемик режимга қарши қатъий режим (ЭҚҚР)
13. Тиббий пункт тахта токчаси (ТПТ)
14. Ультрафиолет нурланиш (УФН)
15. Дезинфекцион душли аппарат (ДДА)
16. Тиббий лабаратория майдони (ТЛМ)
17. Ўлатга қарши кийим (ЎҚҚ)
18. Касалланиш учраши даражаси кўрсаткичи (КУДК)
19. Иш қобилиятини йўқотиш холатларининг ўртacha давомийлиги кўрсаткичи (кунлар) (ИҚЙХ ЎДК)

20. Ҳарбий дала юқумли касалликлар госпитали (ХДЮКГ)

21. Ўта хавфли юқумли касалликлар учун мўлжалланган ҳарбий дала юқумли касалликлар госпитали (ЎҲДЮКҲДЮКГ)

КИРИШ

Ҳарбий кўшинларда эпидемияга қарши ҳимоя тадбирлари билан шуғуланиш Ўзбекистон Ҳарбий хизматидаги барча тиббий звеноларнинг вазифасидир. Тиббиёт олийгоҳлари битирувчилари захирадаги офицер ҳисобланадилар. Армиядаги ҳар бир шифокор инфекцион касалликлар ўчгини эпидемиологик текшириш, дезинфекцион тадбирларни ташкиллаштириш ва якуний дезинфекцияни ўтказиш, шунингдек, ҳарбийларнинг эпидемияга қарши ҳимояланиш муаммоларини ҳал қилиш каби вазифаларни бажаришига тўғри келади.

Дунёning бир қатор мамлакатларида кузатилаётган ўта хавфли инфекцион касалликлар билан боғлиқ мураккаб эпидемиологик вазият ҳолат, жаҳондаги сиёсий ностабиллик, шунингдек, биологик моддалардан террористик мақсадларда қурол сифатида фойдаланилиши Ўзбекистон ҳудудига ўта хавфли инфекциялар кириб келиши хавфини янада оширмоқда.

Мамлакатимизнинг табиий ўчоқли инфекциялар, эпидемиологик жиҳатдан нохуш ва чегара ҳудудларида жойлашган шахсий таркиб орасида ушбу касалликларнинг тарқалиш хавфини инкор қилиб бўлмайди.

Дунёning турли давлатларида юзага келаётган, турли қарама-қаршиликлар, кейинчалик ҳар хил масштабдаги ҳарбий ҳаракатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг натижасида ҳарбийлар орасида инфекцион касалликларнинг тарқалиши учун қулай шароит яратилади.

Ҳарбийларнинг ҳаёт тарзи ўзгариши ва қониқарсиз санитария - гигиеник шароит ҳарбий хизматчиларнинг инфекцион касалликлар билан заарланишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, юқумли касаллик кўзғатувчиларининг янги-янги ва ўзгарган турлари пайдо бўлиши, инфекцияга қарши кураш ва унинг

профилактикаси билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Урушлар доимо инфекцион касалликлар қўпайиши билан кечган ва инфекцион касалликлар оқибатида ҳалок бўлганлар сони, уруш оқибатида ҳалок бўлганлардан бир неча ўн маротаба юқори бўлган.

Афсуски, бугунги кунга келиб ҳам, тиббиётнинг фанларнинг юқори даражада ривожланганлиги ва эпидемияга қарши катта куч ва манбаларга эга бўлсақда, инфекцион касалликлар жиддий муаммолар ичига қолмоқда. 1972-йил 10- апрел куни Москвада ва Вашингтонда биологик ва токсик қуролларнинг қайта ишланиши, ишлаб чиқарилиши ва захирада сақланишига қарши Конвенция имзоланди. Ушбу конвенцияга 40 та давлатлар қўшилди.

1975- йил 11- февралда собиқ СССР Юқори Кенгаши Президиуми ушбу Конвенцияни ратификация қилди. Бугунги кунда, биологик қуроллардан фойдаланиш Англия, АҚШ, Канада ва НАТО блоки таркибига кирувчи давлатлар томонидан қабул қилинган. Ҳозирда АҚШ ҳудудида бир қатор биологик марказлар- Форт Дейтрик, Пасха-гул, Форт Грилли фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг вазифаси биологик моддаларни ишлаб чиқиш ва тўплаш ҳисобланади.

Бундай марказлар Канада, Англия, Покистон каби давлатларда ҳам мавжуд бўлиб, биологик қуролдан фойдаланиш хавфи ҳали ҳам йўқолмаган.

Замонавий урушда катта талофат берувчи, оммавий қирғин қуролларидан, жумладан, биологик қурол (БК) дан ҳам фойдаланилди. Бунинг натижасида кўп сонли ўта хавфли инфекцион касалликлар ўчоқлари пайдо бўлади. Биологик қуролдан фойдаланилганда, тиббий эвакуация вақтида тезкор ва тўғри ташкиллаштирилган эпидемияга қарши чора- тадбирлар, инфекцион касалларга хизмат кўрсатишнинг тўғри ташкиллаштирилиши катта аҳамиятга эга.

Биологик терроризм муаммоси, аҳоли ва ҳарбийлар орасида ўта хавфли инфекцияларнинг тарқалишига қарши бўлган уринишлар бугунги кунда ҳам

аҳамиятга эга. Деярли барча мамлакатларда бундай турдаги қуролдан фойдаланиш имконияти мавжуд. Чунки, биологик қуролнинг ишлаб чиқариш нархи унча қиммат эмас ва уларни кичик лабораторияларда тайёрлаш мумкин.

Бу муаммоларнинг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан ҳарбий қисмларда ва даволаш муасассаларида фаолият кўрсатаётган шифокорларга боғлик бўлиб, улар инфекциянинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора- тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқишилари, эпидемияга қарши тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга тайёр бўлишлари, шунингдек биологик қуролнинг шикастловчи хусусиятини ва қўллаш усулларини билишлари зарур. Тиббиёт олийгоҳлари талабалари ҳарбий мажбуриятга эга эканликлари туфайли, тиббий хизматнинг барча звеноларида ҳарбийларнинг эпидемияга қарши ҳимояланиши мавжудлигини инобатга олган ҳолда, ҳарбий эпидемиологиянинг барча саволларига назарий жиҳатдан тайёр туришлари керак. Керакли билимларга эга бўлган ҳолда, улар барча турдаги тадбирларни ўз вақтида ва тўғри ишлаб чиқа оладилар, бор куч ва манбалардан оқилона фойдаланоладилар.

Санитария - эпидемиологик ва бактериологик разведканинг ташкил қилиниши ҳарбийларнинг эпидемияга қарши ҳимояланишини режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва ўтказишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳеч бир ҳарбий тадбир ушбу разведкаларсиз бошланмайди. Уларнинг самараси эса разведканинг тўғри ташкиллаштирилишига боғлик бўлади. Шу туфайли ҳам бу мавзу шифокорларни, захира лейтенантлари сифатида тайёрлаш жараёнида катта амалий аҳамиятга эга. Чунки, айнан шифокорлар бундай разведканинг режалаштирилиши ва ўтказилишига жавобгардирлар. Разведка - бу ҳарбий алоқанинг “кўз” ва “қулоғи” бўлиб, ўз вақтида келтирилган ахборот минглаб одамлар ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

Ушбу дарслик эпидемиология фани дарсликларида келтирилмаган маълумотларни ўз ичига олади.

Китобнинг баъзи бир бўлимларини ёзишга Тошкент тиббиёт академияси, эпидемиология кафедраси ходимлари ҳам жалю қилинди: Н.С.Сайдқосимова (қўшинларда эпидемияга карши чора-тадбирлар), Б.Ю.Тошбоев (биологик курол).

Дарслик баъзи бир хато ва камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Китобхонларнинг танқидий мулоҳазалари ва маслаҳатлари учун олдиндан бўлсада муаллифлар ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

Асосий тушунчалар

Ҳарбий эпидемиология-ҳарбийлар орасида эпидемик жараённинг ривожланиш сабаблари ва шароитларини, жанг мобайнида инфекция тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора- тадбирлар ва инфекция пайдо бўлган ёки тарқалган ҳолатларда- эпидемик ўчоқнинг бартараф қилинишида ва инфекциянинг ушбу ўчоқ чегарасидан ташқарига тарқалмаслигига қаратилган чора- тадбирларни ўрганувчи соҳадир.

Ҳарбий эпидемиология қўшинда эпидемияга қарши тайёргарликни шакллантириш назарияси ва амалиёти асосида эпидемиология ва ҳарбий тиббиёт соҳаларининг ўзаро уйғуналашиши натижасида шаклланди. Ўзбекистон куролли кучлари таркибида қўшинни эпидемиялардан ҳимоя қилиш қуидагиларга асосланган:

- қўшин таркибига инфекцион касалликларнинг кириб келиши ва пайдо бўлишининг олдини олиш;
- ижтимоий ва табиий омиллар таъсири натижасида касалликнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- юзага келган эпидемик ўчоқларнинг чегаларини аниqlаш ва уларни бартараф қилиш;
- инфекциянинг маълум бир қисм (гарнizon)дан чиқиб кетмаслиги ва бошқа бир қисм (гарнizon)га олиб ўтилмаслигини таъминлашга қаратилган чоралар.

Бундай мажмуавий ёндашиш ушбу йўналишларни алоҳида қўллашнинг самарадорлиги кам эканлиги билан боғлиқ бўлиб, бу самарасизлик эпидемик (эпизоотик)жараённинг узвийлиги, инфекциянинг қўшинга кириб келишининг осонлиги ва ўзгартириб бўлмайдиган ижтимоий ва табиий шароитлар билан

боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида уруш вақтида тиббий хизмат олдида муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Ҳарбий эпидемиология эпидемик жараённинг ҳарбий-тиббий хусусиятларини; қўшинда эпидемиологик ташхислаш билан биргаликда ўтказиладиган назарий, услубий ва ташкилий принципларга асосланган санитария - эпидемияга қарши чора-тадбирлар йифиндиси; хусусий санитария - эпидемияга қарши чора-табирлар, йўналиш, усуллар ва уларни қўллаш; уруш вақтида қўшин ва аҳоли ўртасида долзарб бўлган ва биологик қурол ёки қўшиннинг биологик ҳимоясида қўлланилиши мумкин бўлган инфекцияларнинг эпидемиологияси ва хусусиятларини ўз ичига олади. Ушбу билимлар, кўникма ва малакалар асосида қўшинда эпидемияга қарши ва биологик ҳимояни таъминлаш билан биргаликда тиббий хизмат соҳасида қўйидаги муаммолар ҳал қилинади:

- замонавий эпидемиологик вазиятни ўрганувчи усуларни қўллаш орқали қўшин ва қўшин кўчиб юрувчи жойларда эпидемиологик (биологик) ҳолатни динамик баҳолаш;
- мақбул эпидемиологик (биологик) шароитни ва тиббий хизматнинг кучи, имкониятлари ва самаралигига мос бўлган санитария - эпидемияга қарши тадбирларни танлаб олиш.
- тадбирларни ҳарбий эпидемиологиянинг ташкилий принципларига мос равишда, мавжуд куч ва манбалардан фойдаланган ҳолатда ўтказиш ва шу принципларга амал қилган ҳолда амалдор шахсларни ўз вазифаларига тақсимлаш;
- эпидемияга қарши тизимга кирувчи ташкилий қисмлар ва амалдор шахсларнинг ишлари самарадорлигини ва сифатини динамик баҳолаш ва қўшиннинг келгусидаги эпидемияга қарши (биологик) ҳимояси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Ҳарбий эпидемиология қўшинда тинчлик ва уруш вақтларида эпидемияга қарши чора- тадбирларнинг назарий ва амалий кисмларини ишлаб чиқади.

Эпидемияга қарши чора- тадбирлар мақсади- қўшин ва аҳоли ўртасида эпидемиологик жиҳатдан қониқарли ҳолатни ташкил қилиш ва сақлаб туриш.

Вазифалар:

- 1) қўшинга инфекция кириб келишининг олдини олиш (уюшган жамо-ларга);
- 2) қўшинлар ичидаги инфекция манбалари ҳисобига инфекцион касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш;
- 3) пайдо бўлган эпидемик ўчоқларни бартараф қилиш ва инфекциянинг тарқалиб кетмаслигини таъминлаш;

Профилактик тадбирлар мақсадли равишда, узок муддатга режалаштирилади; ўказиладиган чора- тадбирлар режаси ва уларни рўёбга чиқарувчи шахслар узок муддатга тайинланади. Профилактик тадбирлар мақсади- мавжуд касалланишни камайтириш ва касалланиш кўпаймаслигининг олдини олиш.

Қўшинда эпидемияга қарши чора- тадбирлар икки гурухга бўлинади:

- тиббий (15-20%)- тиббий таълим олган ишчилар.
- тиббий бўлмаган (80-85% тоза ҳаво, сув, яшаш шароити, сифатли озуқа маҳсулотлари, яшаш жойи). Тиббий бўмаган тадбирлар тиббий ходимлар томонидан назорат қилиниши керак.

Қўшиннинг эпидемияга қарши таъминланиши- бу шахсий таркибда инфекцион касалликлар тарқалишининг олдини олишга ва инфекцион жараён юзага келган вақтда уни бартараф қилишни таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими (1-жизма).

Касалликларнинг олдини олиш, инфекция қўшинларга киришининг олдини олиш ва ҳарбий қисмдаги юқумли касалликларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик билан эришилади. Ҳарбий эпидемиология тинчлик ва уруш

даврида аскарлар ўртасида эпидемик жараённинг пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусиятларини ўрганади.

| Тадбирлар йўналиши | Тадбирлар гуруҳи |
|---------------------------|--|
| Инфекция манбаига | -изоляцион-чегаралаш, -даволаш- диагностик, режимли- чегаралаш; -ветеринария-санитария, дератизациян |
| Юқиш механизмига | -санитария-гигиеник (эпидемияга қарши йўналиш) |
| Организм мойиллигига | -иммунопрофилактика; -шошилинч профилактика; -иммуномодуляция, иммунокоррекция |
| Умумий тадбирлар | -лаборатория текширувлари; -шахсий таркибнинг гигиеник тарбияси |

1-чизма. Кўшиннинг эпидемияга қарши таъминот тадбирлари схемаси

Ҳарбий эпидемиологиянинг шаклланиши ва ривожланиши

Ҳарбий эпидемиологиянинг шаклланиш манбаи ҳарбий тиббиёт ва инфекцион касалликларнинг эпидемиологияси ҳисобланади. Тарихий манбаларда келтирилишича, Иван IV ҳукмонлиги даврида рус аскарлари орасида инфекция тарқалмаслигига қаратилган элементар чора- тадбирлар ўtkазиб келинган (карантиналар, тутатиш орқали дезинфекция, санитария -

эпидемиологик кузатувнинг оддий турлари). Кейинчалик XVIII асрга келиб, Россия олиб борган жуда кўплаб урушлар вақтида ушбу тадбирлар ривожлана бошлади. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида алоҳида профилактик ва эпидемиологик тадбирлар нафақат қўшин ўртасида, балки аҳоли ўртасида ҳам ўтказила бошланди. Шу вақтга келиб, ҳарбий амалдорлар ва тиббиёт ходимлари аскарлар орасида учровчи инфекцион касалликларнинг аҳамиятини англаб етишганди. Сабаби, айнан инфекцион касалликлар туфайли аскарларнинг кўп қисми қирилиб кета бошлади. Бунда асосан, алоҳида хавфли инфекциялар, ичак инфекциялари, табиий ўчоқли инфекциялар ва тошмали тиф аҳамиятли эди. Ушбу даврда қўшинда эпидемияга қарши рационал чора- тадбирлар асосчиси Д. Самойлович хисобланади.

XIX асрга келиб ҳарбий шифокорлар юқумли касалликлар билан оғриган ҳарбийларга алоҳида хизмат кўрсатишга ҳаракат қила бошладилар ва бунда карантин ҳолатидан кенг фойдаландилар.

Ҳарбий тиббиёт соҳасида профилактик тадбирларни ишлаб чиқиша терапевт М.Я. Мудров ва жарроҳ Н.И. Пирогов хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмасликнинг иложи йўх. Айнан Н.И. Пирогов урушга “травматик эпидемия” дея таъриф берган ва уни юқумли касалликлар эпидемияси ва очлик билан боғлаган.

1877-1878 йилларда юз берган рус- турк урушида биринчи штатсиз санитария - эпидемиологик муасассалар пайдо бўла бошлади. Бактериология соҳасидаги ихтиrolар қўшиннинг эпидемияга қарши таъминотининг кучайиши ва инфекцион касалларга даволаш- эвакуацион ёрдам кўрсатилишига сабаб бўлди.

Рус- япон уруши вақтидақўшинларнинг ҳаракат йўналишлари бўйлаб эпидемик тўсиқ тизимини жорий қилиш бошланди (санитария- кузатув постлари, темир йўл дезинфекцион отрядлари, учувчи отрядлар- ҳаракатчан

эпидемиологик гурухлар). Айнан шу даврга келиб биринчи санитария- эпидемиологик муасасалари пайдо бўлди.

Биринчи Жаҳон уруши вақтида изоляцион ва обсервацион (кузатув) пунктлари, корпусларда санитария- эпидемиология отрядлари, дивизияларда дезинфекцион отрядлар ташкил қилинди. Вакцинация ва дезинфекция кенг кўлланила бошланди.

Урушдаги икки йиллик тажрибаси асосида Ҳарбий- тиббиёт академияси доценти К.В. Караффа-Корбут ҳарбий эпидемиология ва ҳарбий ҳаракатларнинг турли босқичларида қўшиннинг эпидемияга қарши таъминоти бўйича ташкилий принципларни шакллантиришга муваффақ бўлди.

Бу ўз ўрнида қуйидагиларга сабаб бўлди:

-санитария - эпидемиологик тадбирларни ўтказиша махсус куч ва таъминотнинг талаб қилиниши (санитария - эпидемиологик муасассалар);

-тадбирларнинг ўтказилиши факатгина қўшинда эмас, балки қўшин жанговар ҳаракатлар олиб бораётган аҳоли яшаш ҳудудида ўтказилиши кераклиги;

-инфекция кириб келишининг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг мақсадли амалга оширилиши: бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга жароҳатланган беморларни эвакуация қилиш давридаги тадбирларнинг кучайтирилиши;

-инфекцион касалларни уруш жойида (фронт), эвакуация қилмаган ҳолатда даволаш принципларининг амалга оширилиши;

-тиббий хизматда, қўшинда ва соғлиқни сақлаш соҳасида эпидемияга қарши фаолиятни бошқаришга тайёр бўлган эпидемиологларни тайёrlаш муҳимлигига эътибор қаратиш;

Юқоридагиларнинг асосий қисми бугунги кунга келиб ҳам ўз аҳамиятини йўкотмаган.

Фуқаролар уруши даврида оғир эпидемик шароит туфайли давлатнинг ҳарбий- санитария хизмат кўрсатиши қайтадан шакллантирилди. Бу вақтга

келиб, соғлиқни сақлаш соҳаси ва ҳарбий тибиёт соҳасида профилактик йўналиш ривожлана бошлади.

Ўша вақтда Қизил Армиянинг ҳарбий- санитария бўлими бошлиғи бўлган З.П. Соловьев ҳарбийлар орасида эпидемияга қарши чора- тадбирларни ташкиллаштириш бўйича янги йўналишларни тарғиб қилди.

Ўша йилларда ташкил қилинган полк, дивизия ва армиядаги ташкилий- штат бирликлари бугунги кунгача бўлган муддатда мукаммалаштирилиб, материал- техник ва услубий жиҳатдан ривожлантирилиб келинмоқда.

1932 йилда биринчи юувучи- дезинфекцияловчи техника ва автолабораториялар намуналари пайдо бўлди. Дивизияларда тиббий- санитария батальонлар ташкил қилинди ва ҳарбий фронтда санитария - эпидемиологик отрядларнинг штатлари сони кўпайтирилди.

Кўшинларда эпидемияга қарши ташкилий вазифа ва усулларнинг ривожланиш боскичи Улуг Ватан Уруши даврида юз берди. Уруш вақтида кўшиннинг ҳаракатланиш йўналиши бўйлаб эпидемияга қарши чегаралар ташкил қилина бошланди. Бундан ташқари бемор ва жароҳатланган ҳарбийларни эвакуация қилиш режалари ишлаб чиқилди. Бу ўзгаришлар уруш фонида, оғир эпидемик шароитда, урушнинг биринчи ва иккинчи йилларида юз берди.

Уруш бораётган бир вақтда санитария - эпидемиологик разведка усуллари мукаммалаштирилди, уруш бораётган ҳудудларда эпидемияга қарши чора- тадбирлар ва эпидемия тарқалган вақтда ҳарбийларнинг эвакуацион ҳаракатлари усуллари ишлаб чиқилди.

Аҳоли ўртасида эпидемик мувозанатга эришишга собиқ иттифоқ Қуролли кучларининг санитария- эпидемиологик бўлим бошлиқлари- Е.И. Смирнов, И.И. Рогозин, Т.Е. Болдырев ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. Жаҳон уруши вақтида ортирилган тажрибалар бугунги кунда ҳам ҳарбийларнинг

эпидемияга қарши курашиш жараёнида кенг қўлланилади ва мукаммаллашиб, ривожланиб келмоқда.

Умумий ҳолатда улар жанговар тадбирлар вақтида санитария-эпидемиологик муассасалардан фойдаланишнинг ўзига хос хусуссиятларини қамраб олади:

-ҳарбий жанговар машқларда ва жанг вақтида санитария-эпидемиология муассасаларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш;

- қўшиндаги санитария - эпидемиологик ахволни ва талаб қилинадиган тадбирларни амалга ошириш заруратини ҳисобга олган ҳолда, ҳарбийлар учун эпидемияга қарши кучлар ва воситаларни тақдим этиш;

- тиббий хизматнинг қўйи қисмларига зарур бўлганда юқоридаги қисмларнинг куч ва маблағи ҳисобига ёрдам бериш;

- эпидемияга қарши кучлар ва воситаларни кўчириш жараёнида санитария ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг узлуксизлиги;

- санитария ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг аниқ ҳажмини, амалдаги куч ва воситаларнинг мавжудлигига кўра самарали ҳажмини аниқлаш;

- санитария-эпидемиология хизмати муассасалари бўлинмаларини ўз вақтида ва оқилона ташкиллаштириш, уларнинг эпидемик ўчоқларга бориш ҳаракатини ташкил этиш, уларнинг доимо эпидемик тайёргарликда бўлишини таъминлаш;

- кўшинлар, шу жумладан, маҳаллий аҳоли яшаётган жойларда, табиий (антропургик) инфекциялар ўчоқларида ҳам чора-тадбиларни ўтказиш;

- санитария-эпидемиология муассасаларининг таркибий қисмларидан вазиятдан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш учун ишчи гурухлар ажратиш.

Тинчлик вақтларида ҳам Ўзбекистон Ҳарбий кучларининг эпидемияга қарши тизими ривожланиб, мукаммаллашиб боришда давом этмоқда. Бунга параллел равища ҳарбий эпидемиология фани ҳам тиббиётнинг ва

Эпидемиологиянинг тармоғи сифатида ривожланиб боради. Бу эса ўз навбатида санитария - эпидемиологик муассасаларнинг ташкилий- штат бирликларининг кенгайишига, амалиётга эпидемиологик диагностиканинг янги ва илғор усулларининг киритилишига ва эпидемияга қарши фаолиятга функционал бошқарув йўналишларининг кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Уруш ва табиий оғатлар вақтида инфекцион касалликлар этиологик таркибининг ўзига хос хусусиятлари

Инфекцион касалликларнинг уруш вақтидаги асосий аҳамияти инфекцион касаллик билан оғриган bemorlarinng хизматдан четлатилиши ва касаллик оқибатида вафот этиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларнинг касаллик туфайли сафдан чиқарилиши билан боғлиқ бўлган санитар йўқотишлар шахсий таркибнинг жанговар ҳолатига ва зарур бўлган вазифаларнинг бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. Барчага маълумки, уруш юқори даражада ўта юқумли касалликларнинг эпидемияси билан биргаликда кечади. Хусусан, Биринчи Жаҳон уруши вақтида касалликлар натижасида кузатиладиган ўлим даражаси, жанглар оқибатида йўқотилганидан кўпроқ эканлиги аниқланган. Айниқса, колониал урушлар вақтида аниқланган натижалар бунинг яққол мисоли бўла олади.

XVIII - XIX асрларда ўтказилган қуролли тўқнашувлар, Кадимги дунё ва Ўрта аср урушлари вақтида, хавфли юқумли касалликлар (вабо, ўлат) ҳамда бошқа ўта юқумли оғир инфекциялар (паразитар тиф, Шига дизентерияси, қорин тифи, безгак, табиий- ўчоқли зооноз инфекциялар) жангчилар ва аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичи бўйича биринчи ўринга қўтарилиган. Кейинчалик бу вазият яхши томонга ўзгарди ва бунинг натижасида XX асрда инфекцион касалликлар туфайли бўлган йўқотишлар сезиларли даражада камайди. Шунга қарамай, санитар йўқотишлар юқори даражадалигича қолмокда эди.

Хусусан, Биринчи Жаҳон урушида иштирок этган давлатларда бундай санитар йўқотишлар сони 2-3 марта ўсганлиги кузатилган бўлса, Иккинчи Жаҳон уруши вақтида баъзи бир қўшинларда ва маълум бир жанговар ҳаракатлар юз бераётган ҳудудларда инфекцион касалликлардан bemорларнинг ўлими даражаси жудаям юқори бўлган.

Африка, Болқон ва айникса Шарқий Осиёда кечган урушлар вақтидаги олинган статистик маълумотлар бунинг яққол мисолидир. Шунингдек, АҚШ флотининг Японияга қарши юриши вақтида инфекцион касалликлар натижасида йўқотилган меҳнат кучининг сони, урушда йўқотилган ва госпитализация қилинган ҳарбийларнинг сонидан 4 марта юқори эканлиги аниқланган.

Тинчлик вақтида Ҳарбий кучлар таркибида касалланишлар бўйича биринчи ўринда ўткир респиратор вирусли инфекциялар ва грипп йиллик касаланиш кўрсаткичи (120-130), иккинчи ўринда стрептококк инфекцияси ангина, стрептодермия (30) ва учинчи ўринда ўткир ичак инфекциялари: дизентерия, эшерихиоз, сальмонеллёз, вирусли гастроэнтеритлар (5-10), ундан кейинги ўринларда бошқа аэрозол антропоноз касалликлар (менингококк инфекцияси, дифтерия), вирусли гепатит, табиий ўчоқли ва госпитал инфекциялар эканлиги аниқланган.

Уруш вақтида эса биринчи ўринда ўта хавфли инфекциялар (вабо, ўлат), иккинчи ўринда- паразитар тиф, учинчи ўринда- ўткир ичак инфекциялари, тўртинчи ўринда табиий- ўчоқли инфекциялар туради.

Жаҳон урушлари вақтида турли нозологик бирликларда ўтказилган ретроспектив таҳлил эпидемиологик натижалари ҳарбийлар ўртасида учровчи касалликларнинг қўзғатувчиси асосан фекал- орал антропоноз (тифо-паратифоз касалликлар, вирусли гепатит, дизентерия) юқумли касалликлар эканлигини кўрсатди.

Улардан кейинги ўринларда тошмали ва кайталама тиф, зооноз касалликлар, табиий- ўчоқли инфекциялар, иқлим- географик ўзгаришлар натижасида келиб чиқувчи касалликлар, ниҳоят, охирги ўринда аэрозол антропоноз ва бошка касалликлар турибди. Урушнинг алоҳида даврларида баъзи қўшинларда ўта хавфли инфекциялар ва грипп (Биринчи жаҳон уруши вақтида “испан” пандемияси), Россиядаги Фуқаролар уруши даврида паразитар тифлар, баъзи табиий ўчоқли инфекция ва паразитозлар эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган. 1943- йилда Ғарбий фронтда кечган совет ва немис жангчилари ўртасидаги уруш вақтида туляремия кузатилган. 1944- йилда Белорусияда эса, немис жангчилари орасида пайдо бўлган тошмали тиф инфекциясининг ҳарбий асиrlар томонидан рус қўшинларига кириб келиши ва бунинг натижасида рус қўшинларида ҳам тошмали тиф касаллиги тарқалганлиги аниқланган.

Жаҳон урушлари доимо жанговар ҳудуд аҳолиси ва ҳарбийлар орасида кузатилувчи йирик дифтерия, менингит ва ўткир респиратор касалликлар эпидемиялари билан биргаликда кечган.

Охирги ўн йилликдаги статистик тадқиқотлар, 1941-1943 йилларда бўлиб ўтган урушнинг илк йилларида тошмали тиф, вабо, геморрагик иситма, лептоспироз ва бошка турдаги ўта хавфли инфекцияларнинг эпидемияси кузатилганлиги билан боғлиқ бўлган маълумотларни инкор қилишга имкон бермади. Шунингдек, уруш вақтида анаэроб инфекциялар (қоқшол, газли гангрена) ва жароҳатланганда кузатилувчи йирингли- септик асоратларни ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Иккинчи Жаҳон уруши вақтида қоқшолга қарши эмлаш чоралари қўрилганлиги самара берганлиги бу инфекция тиббиётда асосий муаммолигини йўқатганлигига қарамай, бошка турдаги инфекциялар ҳатто бугунги кунда ҳам жарроҳлик шифохоналари учун жиддий муаммо бўлиб қолди.

Стафилококк ва анаэроб инфекциялар юзага келтириши мумкин бўлган асоратлар билан эса ҳарбий- дала шароитида курашиш қийинлашиб бормоқда.

Эпидемиялар доимо маҳаллий урушлар ва йирик ҳарбий қарама-қаршиликлар келиб чикишига сабаб бўлган, уларнинг асосий қисмини Иккинчи Жаҳон Уруши ва ундан кейинги давр мисолида кузатиш мумкин. Эпидемияларнинг кириб келиш вақтида инфекцион касалликлардан вафот этган ҳарбийларнинг сони сезиларли даражада ошиб борган. Шимолий Вьетнамда АҚШ, Афғонистонда собиқ СССР ҳарбийларининг эпидемияга қарши таъминланганилиги бунинг яққол мисоли бўла олади.

Америкалик ҳарбийларда учраган инфекцион касалликлар турлари худуднинг табиий шароити билан, шунингдек Америка аҳолиси ва шимолий Вьетнамлик аскарлар орасида учровчи касалликлар билан узвий алоқадорликни намоён қилган.

Аҳамиятли бўлган инфекциялар қаторига табиий ўчоқли инфекциялар (геморрагик иситма, Япон энцефалити, цу-цугамуши ва бошқа риккесиозлар, тошмали тиф, мелиоидоз, туляремия, ва бошқа иситма турлари), фекал-орал антропонозлар (амёба дизентерияси, бактериал ва тифсимон инфекциялар, вирусли гепатитлар, гельминтозлар, птотозоозлар ва вабо) ҳисобланади. Безгак билан шахсий таркибнинг 50% зарарланиши кузатилган. Тери инфекциялари ва венерик касалликлар энг кўп тарқалган эди. Умумий қилиб айтганда, АҚШ қўшинининг уруш оқибатида йўқотганидан 5 маротаба кўп одамлар инфекцион касалликлар оқибатида йўқотилди.

Урушда иштирок этаётган тарафларнинг қайси юқумли касалликлар билан касалланиши кўп томондан жанговар худуднинг иқлим географик шароити, шунингдек, тиббий хизмат кўрсатишнинг профилактик фаолиятни қанчалик мукаммал олиб боришига боғлиқ бўлади.

Урушда факат бир томоннинг биологик қуролдан фойдаланиши эпидемиологик вазиятни бир зумда ўзгартириб юбориши мумкин. Бунда

аскарлар орасида тарқаладиган касаллик, душман томонга тегишли ва шу томонда кузатилиши мумкин бўлган касалликлар чегарасида бўлади. Булар қаторига ўта хавфли инфекциялар (вабо, ўлат, Лассо иситмаси, Эбола вируси), шунингдек оғир кечадиган вирусли инфекциялар (сариқ иситма, энцефаломиелит, геморрагик иситма), сибир яраси, Ку иситмаси, туляремия, бруцеллёз ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу биринчи навбатда тиббий хизмат ходимлари томонидан эпидемияга қарши чора- тадбирларни талаб қилса, иккинчи тарафдан фавқулотда вазиятлар соҳаси ишчиларига маъсулият юклайди.

Бизнинг фикримизча, замонавий сиёсий ҳолатда глобал ижтимоий-экологик халокатларнинг юз бериш эҳтимоли унчалик юқори эмас. Ҳозирги даврда маҳаллий келишмовчиликлар вақтида, оммавий қирғин қуролларидан фойдаланиш эҳтимоли кўпроқ. Шу сабабдан, тарихда юз берган ҳодисалардан олинган тажрибаларни чукур таҳлил қилиш ва қўшиннинг қониқарли эпидемиологик ҳолатини турли худудларда ва турли вазифаларни бажариш вақтида таъминлаш зарур.

Тинчлик вақтларида, худди уруш давридаги каби у ёки бу фавқулотда вазиятлар кузатилиш эҳтимоли мавжуд, уларнинг тиббий-санитария оқибатларини (шу жумладан, эпидемиологик) бартараф қилишни талаб киладиган у ёки бу шошилинч тадбирларни ўтказиш лозим бўлади. Шунинг учун, ҳарбий эпидемиология фанида нафақат жанговар ҳолат учун хос бўлган вазиятлар, балки табиий оғатларнинг асосий хусусиятларини ҳам ўрганилади.

Авариялар, баҳтсиз ҳодиса ва табиий оғатлар одатда у ёки бу санитар йўқотишлар ёки эпидемиологик асоратлар билан кечиб, аҳоли ўртасида инфекцион касалликларнинг пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Авария, баҳтсиз ҳодиса ва табиий оғатларнинг оқибати шикастловчи омилнинг таъсири ва шикастланиш характерига, хусусан, ўз вақтида кўрсатиладиган қутқарув,

қайта тикловчи ва профилактик чора- тадбирларнинг сифатига ва ташки мухитнинг заарли таъсирларига боғлиқ бўлади (нурланиш, совуқ қотиш).

Табиий ва техноген характердаги оғатлар юз берган вақтда вафот этганлар билан биргаликда, кўп сонли шикастланган ва касалланган bemорларни ҳам учратиш мумкин.

Касалланган bemорлар орасида сезиларли даражада инфекцион касалликлар билан оғриган bemорлар ҳам учраб туради.

Инфекцион касалликнинг тарқалишида сув омили катта рол ўйнайди (ўткир ичак инфекциялари, вирусли гепатит А ва Е, тиф ва паратиф, вабо, лептоспироз ва бошқа касалликлар).

Ижтимоий ва табиий омиллар таъсири натижасида ҳаттоки зооноз ва сапроноз типдаги касалликлар (ўлат, тулaremия, қутуриш, жароҳат инфекциялари, сибир яраси ва бошқалар), шунингдек, антропоноз касалликлар (дифтерия, менингококк инфекцияси, пневмония) ҳам учраши кузатилади.

Барча санаб ўтилган асоратлар фақатгина маҳаллий аҳолига хавф солибгина қолмасдан, заарланган ҳудудда бўлган барча ишчилар, жумладан, Фавқулотда Вазиятлар Вазирлиги, Мудофа Вазирлиги, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳамда ветеринария ва бошқа соҳада ишловчи хизматчиларга ҳам хавф солади. Хавфли зоналарда инфекцион касалланишнинг этиологик таркиби ушбу ҳудудга ва аҳолига хос бўлган инфекциянинг тарқалиши, ҳудуднинг ижтимоий ва табиий хусусиятларига ҳамда одамлар ва ҳайвонлар орасида айланиб юрган касаллик қўзғатувчиларининг характеристига ҳам боғлиқ.

Бундай ҳолатда, инфекция қўзғатувчисининг тарқалиш йўлларини, юқтириш омиларини, ушбу касалликнинг шахсий таркиб орасида, ахоли ўртасида пайдо бўлиши ва тарқалишига мойиллик туғдирувчи сабаблар ва касалликнинг турларини эпидемиологик таҳлил орқали аниқлаш ва унга қарши самарали санитария - эпидемиологик чора- тадбирларни қўллаш зарур.

Кўшинга инфекциянинг олиб кирилиш йўллари, фавқулотда вазиятлар ва уруш вақтида эпидемик жараённинг ривожланиши ҳамда намоён бўлишига таъсир қилувчи омиллар

Инфекциянинг кўшинга кириб келиший йўллари:

Тинчлик вақтида- янги ҳарбийларнинг келиб кўшилиши, қўшинлар жойлашган худудлардан қўзғатувчининг кириб келиши. Дам олиш ва хизмат сафарига борган аскарларнинг ўзи билан бирга қўзғатувчини олиб келиши

Уруш вақтида- янги ҳарбийларнинг келиб кўшилиши, ҳарбий асиirlар, бактериологик қуролдан фойдаланиш, госпитал инфекциялар туфайли ва х.к.

Уруш вақтида кўшинга инфекция кириб келишининг асосий йўллари, тинчлик вақтида ҳам сақланиб қолади, лекин улар уруш вақтида аҳамиятлироқ ҳисобланади. Мисол учун, агар қўшинга янги кириб қўшилаётган аскарлар томонидан даврий равишда инфекциялар олиб кирилиши давом этса, ушбу инфекциянинг аҳоли орасида тарқалиш даражаси ҳам ортади (яшаш жойи, сув, озуқа маҳсулотлари, майший ашёлар, кириб келган ва яшаётган аҳоли ҳамда бошқа алоқалар ҳисобига). Бунда асосий хавф туғдирувчи омиллар бу педикулёз, паразитар тифлар, тиф-паратиф касалликлари, вирусли гепатитлар ва б.к.

Шахсий таркиб табиий ўчоқли худудларда харакатланиш даврида инфекция қўзғатувчиси билан заарланиш хавфи ортади. Бунда уларнинг ишлаш муҳити, окопларда яшаш, озуқа маҳсулотларининг етишмовчилиги, бўғимоёқлиларнинг чақиши ва кемирувчилар билан мулоқатда бўлиш асосий омиллар ҳисобланади.

Инфекция кириб келишининг бошқа йўллари ҳам аҳамиятга эга бўлиб, бу йўллар асосан қўзғатувчининг ҳарбий асиirlар, қочоқлар, келтирилган одамлар ва бошқа ноҳарбий одамлар томонидан олиб кирилиши билан намоён бўлади.

Жаҳон ва маҳаллий урушлардан орттирилган тажрибалар шуни кўрсатадики, немис-фашист қўшини ва рус қўшинлари тўқнашуви даврида юкорида келтирилган йўллар билан инфекциянинг кириб келиши кам ҳолларда учраган.

Турли урушларда инфекциянинг кириб келиш йўллари ноаниқ бўлиб, бунинг сабаби асосан табиий ва ижтимоий шароитлар билан боғлаб келинган. Шунингдек, олдинги сафларда хизмат қилган аскарларда инфекцион касалликлар билан касалланиш нисбатдан кўпроқ учраши аниқланган.

Уруш вақтида ернинг юза қатламларида (тупроқ) учровчи инфекциялар ва анаэроб кўзғатувчилар кўзғатадиган касалликлар (коқшол, газли гангрена ва бошқ.) аҳамиятга эга бўлади.

Уруш - “травматик эпидемия” ҳисобланар экан, демак, ушбу даврда жароҳатланган соҳага инфекция тушишининг махсус профилактикасига алоҳида аҳамият бериш зарур. Бундан ташқари, тинчлик вақтида ҳам ҳарбийларда қоқшол, ботулизм, газли гангрена ва бошқа турдаги инфекцион касалликларга (стафилококк, кўк йиринг таёқчаси ва бошқ.) нисбатан иммунитет ҳосил қилиб бориш керак.

Ҳарбийга чақириш вақтида ҳарбийларни мажбурий қайта эмлаш, шошилинч профилактика тадбирларини эса эпидемик кўрсатмага мувофиқ (жароҳатланганда) ўтказилади.

Ушбу талабларга риоя қилиш орқали охирги йилларда юз берган маҳаллий низолар вақтида инфекцион касалликларни бирмунча камайтиришга эришилди (Вьетнам, Афғонистон, ва бошқ.).Шунга қарамай, бошқа турга кирувчи инфекциялар, жумладан, йирингли- септик инфекциялар даволаш

муасассаларига кириб келмоқда ва госпитал инфекциялар орасида катта аҳамиятга эга.

Уруш вақтида жароҳатланган ҳарбийларга қон қуишилишига бўлган талаб ортади ва заараланган донор қони қуишилиши катта хавф туғдиради (гемоконтакт вирусли гепатитлар, ОИВ- инфекция, безгак ва бошқ.)

Қон қуишидан кейин пайдо бўладиган инфекциялар ва уларнинг асоратлари жиддий бўлади. Бу ҳатто тинчлик вақтида ҳам муҳим муаммо ҳисобланиб, бунда донорларни танлаш, қон ва унинг препаратларини тўғри танлаш, қонни лабораторияда текшириш, тиббий муасассаларда эпидемияга қарши режимга қатъий риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Душман томонидан қўлланилиши мумкин бўлган қўзғатувчиларни олиб киришнинг алоҳида йўли- биологик қуроллардан фойдаланиш эканлигини ҳам инобатга олиш зарур.

Юқумли касалликлар қўзғатувчиларининг шаҳар бўйлаб қўлланилиши эҳтимоли ҳам инкор қилинмаган. Бу агентлар душман томонидан диверсион йўллар билан қўлланилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда катта масштабдаги ҳудудларда инфекциянинг тарқалиши кузатилади.

Қўзғатувчи билан заараланиш айниқса аэрозоллар ёрдамида амалга ошса, биологик ҳимоя тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш аҳамиятли бўлади.

Кўшинга инфекциянинг кириб келишига қўшимча равища, илгари мавжуд бўлган қўзғатувчиларнинг ички манбалардан(жумладан, тинчлик вақтида) чиқиб кетиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

Ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳудудларга инфекциянинг кириб келиш ҳолатлари тиббий эвакуациянинг сўнгги босқичларида ва госпитал базаларда намоён бўлади. Бунга жароҳатланган ва касалланган bemorлар сониниг кўплиги шу жумладан уруш вақтида кенг кўламли шикастланишга олиб келувчи биологик қуроллардан фойдаланилиши сабаб бўлади.

XX асрдаги урушларда орттирилган тажрибалар асосида олимлар, инфекцион касалларни худуднинг ўзида (фронт ҳудудида) даволаш принциплари ва тиббий эвакуациянинг турли босқичларида эпидемияга қарши мустаҳкам ва самарали ҳимоя чегараларини яратиш тадбирларини таклиф қилдилар. Бунда тиббий хизматни шакллантиришнинг штатли ва ноштатли кучларини ишга солган ҳолда ҳимоя функциялари бажарилади. Бундай тадбирлар айниқса душман томонидан биологик қуролларни қўллаш шароитида ва тез юқадиган касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳимоя тўсиқлари бир вақтнинг ўзида қўшинга қўзғатувчи кириб келишининг олдини олса, иккинчи томондан инфекциянинг фронт орқасидаги худудлардан келган аскарлар ва озиқ-овқат орқали кириб келишини назорат қилишни таъминлайди.

Тинчлик даврида фавқулотда ҳолатлар юз берганда асосий эътибор худудга зооноз ва сапроноз характердаги қўзғатувчиларнинг яқин худудлардан кириб келишининг олдини олишга қаратилган бўлади, бундай ҳолатлар ёввойи ва синантроп ҳайвонларнинг миграцияси, уй ва хўжалик ҳайвонларининг инфекция билан заарланиши оқибатида келиб чиқади. Ҳудуднинг ахлатлар ва чиқиндилар билан заарланишида, сув манбаларининг бузилиши натижасида антропоноз инфекцияларнинг кириб келиши кузатилади. Шунунгдек, антропоноз инфекцион касалликларнинг кириб келиши бирмунча оддий усул-ёрдамга муҳтож худудларга гуманитар ёрдам сифатида олиб келинадиган буюмлар, сув ва бошқа воситалар орқали ҳам бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, инфекциянинг аҳоли орасига кириб келиши қашшоқ ва табиий оғатлар юз берган ҳудудларда инфекция манбаи мавжуд бўлган, кейнчалик бузилган даволаш- профилактика муасассалари, биологикдори воситалар ишлаб чиқариш жойлари, маҳсус тадқиқот ўтказиш лабораториялари бўлиши ҳам мумкин. Бунда асосий хавф туғдирувчи омил биологик аэрозолларнинг

атмосферага чиқариб юборилиши натижасида юзага келадиган кенг кўламдаги зарарланишлардир.

Уруш вақтида эпидемик жараённинг характеристини белгиловчи муҳим омил - бу жанговар вазифаларнинг характеристи, шахсий таркибининг ҳаётий таъминоти, уруш кечётган худуддаги санитария - эпидемиологик ҳолатлардир. Кўшинга инфекция кириб келишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган омиллардан яна бири, аскарларнинг маҳаллий аҳоли билан мулоқоти (озука моддалар олиниши, яшаш жойларидан фойдаланиш, текширилмаган сув манбаларидан сув истеъмол қилиш) ҳисобланади.

Кўшин ҳимоясида асосан овқатланиш, сув билан таъминланиш, далаларда сув таъминотини яхшилаш ва водопроводлар ўрнатиш, атроф- муҳитни тоза сақлаш, канализация тизимини ва яшаш жойларини таъмирлаш (ўткир ичак инфекциялари, сапронозлар) аҳамиятга эга бўлса, табиий ўчоқларда эса буларга яна кўзғатувчиларнинг ташувчиси ҳисобланган кемиравчи ва бўғимоёқлилардан ҳимояланиш ҳам қўшилади. Ушбу шароитлардан баъзилари билан таъминлаш усуллари фавқулотда вазиятлар ва зилзилалар вақтида (Ашхобод, Тошкент, Спитак ва бошқ.) эпидемиологик тажриба сифатида моделлаштирилган.

Кўшин таркиби доимий бўлмаган, ўзгарувчан, бошқариб бўлмайдиган ҳолатларда қўшин таркибига инфекция қўзғатувчисининг кириб келиши осон бўлиб, тинчлик вақтига қарагана уруш вақтида бундай ҳолатлар кўпроқ қузатилади. Ярадорлар ва ўликларнинг йўқотилиши туфайли эпидемик жараённинг ўз-ўзини бошқариши фронт орқасидаги худудларда ва шифохоналарда кузатилиши эҳтимолдан холи эмас, шунинг учун ҳам ҳавотомчи ва бошқа инфекциялар фронт орқасидаги зонада унинг олдинги зonasига қараганда анча кўпроқ бўлади.

Зооноз ва сапронозлар билан касалланиш динамикаси ҳарбий фаолиятнинг табиий ва антропургик инфекция ўчоқларида кечувчи алоҳида

шароитлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, ҳайвонлар ва бўғимоёқлиларнинг (қўзгатувчини ташувчилари) фаоллашиши билан намоён бўлади.

Душман томонидан ядро қуроли қўлланилган ҳолатда, жароҳатланганларнинг ва bemорларнинг иммунитети сусайган даврда шифохоналарда менингококк ва дифтерия инфекциялари, ичак гурухига кирувчи бактерия ва вируслар ташувчилиги фаоллашади.

Бундай ҳолатлар нафақат тажрибалар натижасида аниқланган, балки Японияда ядро қуроли ишлатилиши, сув ости атом кемаларидаги ва электростанциялардаги ҳалокатлар, шунингдек, Чернобил фожеаларида асосратларнинг кузатилиши билан ҳам намоён бўлган.

Душман томонидан биологик қурол қўлланилган ҳолатда эпидемик жараённинг намоён бўлиши, бактериологик қурол қўлланганлиги ҳақида ўз вақтида хабардор бўлиш, ҳарбийлар томонидан ҳимоя воситаларининг қўлланилиши, режим ва чеклов тадбирларнинг ташкиллаштирилиши, жумладан, ўз вақтида қилинган маҳсус профилактика (вакцинация) тадбирларига ҳам боғлиқ бўлади.

Баъзи ҳолатларда иккиласми табиий ўчоқлар пайдо бўлиши ҳам мумкин, бунда турли соҳа мутахассислари биргаликда ушбу ўчоқларни бартараф қилишга қаратилган, узоқ давом этувчи ва мураккаб вазифаларни бажаришига тўғри келади.

Жанговар ҳаракатлар ва фавқулотда вазиятлар, инфекция қўзгатувчиларининг тарқалишига, қўзгатувчиларнинг деярли барча юқиш йўлларининг ва юқиш механизмларининг фоаллишувига, одамларда иммунитетнинг камайишига олиб келади ва бундай ҳолат тинчлик вақтидагига нисбатан ҳам хавфлироқ эпидемиологик асоратларга олиб келиши мумкин.

Инфекцион касалликнинг кириб келиши ва пайдо бўлишига қарши чора- тадбирлар

Уруш вақтида қўшинга инфекциянинг кириб келиши янги аскарларни қабул қилиш, аскарларнинг маҳаллий аҳоли билан мулоқати, инфекцион касалликлар ўчоғида ҳарбийларнинг ишлаши натижасида содир бўлишини инобатга олиш, шунга қарши комплекс чора- тадбирлар амалга оширади.

Шахсий таркибда қўшиннинг ўз инфекцияси ҳисобига, инфекцион касалликлар тарқалган ҳолатларда инфекцияни ўз вақтида аниқлаш, изоляция қилиш, тиббий эвакуация ва инфекцион касалларни даволаш орқали, инфекция тарқалишининг олди олинади; тиббий хизмат ходимлари томонидан ҳарбийлар орасида профилактик чора- тадбирлар олиб борилади, жумладан, профилактик эмлашлар, дезинфекцион, дезинсекцион ва дератизацион тадбирлар.

Қўшинга инфекцион касалликлар кириб келишининг олдини олишга қаратилган чора- тадбирлар:

➤ *Янги қўшилган аскарлар томонидан инфекцион касалликнинг кириб келишининг олдини олиш*

Янги қўшилган аскарлар томонидан инфекцион касаллик кириб келишининг олдини олиш шахсий таркибга аскарларни йиғиш, қабул қилиш пунктларида ва захира қисмларда комплекс чора-тадбирларнинг ўтказилиши билан таъминланади.

Жамловчи пунктларда комиссариат ва соғлиқни сақлаш ходимларининг ёрдамида ҳарбийга чақирилганларнинг тураг жойи, овқатланиши, сув билан таъминланишини назорат қилиш амалга оширилади.

Шахсий таркибнинг қабул пунктларида, захира кучлар ва тиббий хизмат ходимлари томонидан қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

- юқумли касалларни эрта ва фаол аниқлаш, уларнинг изоляцияси ва касалхонага ётқизилиши, сўнгра эпидемияга қарши профилактик чоралар;
- юқумли касалликлар (бактерия ташувчилар) нинг сурункали шакллари ва уларнинг санитария ҳолатини аниқлаш ва қайд қилиш;

- юқтириш хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш, уларнинг тиббий назоратини ташкил этиш;
- санитария – тозалаш ишлари;
- қабул қилиш пунктларида дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ўтказиш;
- профилактик эмлашлар, зудлик билан эмлаш (эпидемиологик кўрсатмаларга кўра);
- бўлимлар ва қисмларда тартибли-чекловчи чоралар;
- юқумли касалликлар профилактикаси бўйича санитария-тарғибот ишлари.

➤ *Aҳоли яшайдиган жойлардан, қўшинга инфекцион касалликларнинг кириб келишининг олдини олиши:*

Маҳалий аҳоли томонидан қўшинга инфекция кириб келишининг олдини олиш куйидаги усувлар орқали оширилади:

- шахсий таркибнинг маҳалий аҳоли билан мулоқатини чегаралаш (таъқиқлаш);
- қисмларни юқумли касалликлар аниқланмаган турар-жойларга жойлаштириш;
- аҳоли яшайдиган жойлардаги эпидемик ўчоқларни бартараф қилиш.

Аҳоли ўртасида санитария - эпидемияга қарши (профилактик) тадбирлар махсус қисмлар, давлат санитария- эпидемиология муассасалари, оператив бирлашмалар, фуқора мудофаси, фавқулотда вазиятлар ходимлари томонидан ташкиллаштирилади.

➤ *Табиий ўчоқлардан инфекция кириб келишининг олдини олиши*

Табиий ўчоқлардан инфекциянинг қўшинга кириб келишининг олдини олишга қаратилган чора- табирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- табиий ўчоқда санитария – эпидемиологик разведка ўтказиш, табиий ўчоқнинг фаоллигини кузатиш;

-шахсий таркибни жойлаштириш учун инфекция юқиши хавфи бўлмаган ёки инфекция юқиши хавфи кам жойларни танлаш;

- аскарларни жойлаштириш учун мўлжалланган жойларни дараҳтлар ва майший чиқиндилардан тозалаш;

-аксарларни кон сўрувчи ҳашоратлардан ҳимоя қилиш воситалари (ҳашоратларга қарши дори шимдирилган кийим- кечак, чойшаб ва ҳашоратларга қарши воситалар) билан таъминлаш;

-дезинсекция ва дератизация ўтказиш;

-шахсий таркибга эпидемик кўрсатмага кўра профилактик эмлаш ва шошилинч профилактика чора- тадбирларини ўтказиш;

-табиий- ўчоқли касалликлар профилактикаси бўйича санитария – тарғибот ишларини олиб бориш;

➤ *Ҳарбий асиrlар орқали инфекция кириб келишининг олдини олии*
Таркибга инфекцион касалликларнинг асиrlар томонидан олиб кирилмаслигининг олдини олиш мақсадида асиrlар фронт лагерига жўнатилгунгача бўлган муддатда шахсий таркибнинг ҳарбий асиr билан мулоқати чекланади (таъқиқланади). Асиr жойлашган жойда дезинфекцион ва бошқа чора- тадбирлар вақтинчалик ҳарбий асиrlарнинг ўзи томонидан амалга оширилади.

Тиббий эвакуация босқичларида (ТЭБ) эпидемияга қарши (профилактик) тадбирлар

ТЭБда санитария ва эпидемияга қарши (профилактик) тадбирлар инфекциянинг бошқа қўшинларга, кейинги босқичларга кириб келиши, пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Улар қуйидагилардан иборат бўлади:

- санитария ва эпидемияга қарши кураш тизимининг талабларига доимий риоя қилиш, тиббий ходимларнинг қатъий эпидемияга қарши режимда ишлашга тайёрлиги, ярадорлар ва касаллар учун турар жой, овқатланиш ва сув таъминоти муаммоларини ўз вақтида ҳал қилишга тайёр бўлиш;
- ҳарбийларни, ярадорларни ва касалликлардан ўлганларни дафн этишда санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш.

Инфекцион касалликларнинг ТЭБ чегарасидан ташқаридан кириб келиши ва тарқалиб кетишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар

Инфекцион касалликларнинг ТЭБ чегарасидан ташқаридан кириб келиши ва тарқалиб кетишининг олдини олиш қўйидаги йўллар орқали амалга оширилади:

- юқумли касалликларни тезда аниқлаш учун ярадорлар ва беморлар орасида сўров ўтказиш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, зарур бўлган санитария ва эпидемияга қарши (профилактик) тадбирларни ташкил этиш;
- ташхис қўйилган инфекцион bemor билан мулоқатда бўлган яродарлар ва bemорларни касаллик мобайнида кучайтирилган тиббий қузатувга олиш;
- анқланган юқумли касаллиги бор bemорларни алоҳидалаб маҳсус транспорт воситалари орқали юқумли касалликлар госпиталига ёки ўта хавфли инфекциялар касалхонасига ётқизиш;
- юқумли касаллар билан алоқада бўлган барча шахсларни, шунингдек, биологик қуроллар қўлланилган ўчоқлардан келганларни карантин ёки обсервация муддатида алоҳидалаб (изоляция қилиб) қўйиш;
- ярадорлар ва bemорларнинг тиббий ҳужжатларини текшириш, ҳужжатларга ўтказилган санитария ва эпидемияга қарши (профилактик) чораларни қайд қилиш.

Дезинфекция

Дезинфекция - инфекцион касаллик қўзгутувчиларини(вируслар, бактериялар, риккетсиялар, замбуруғлар ва бошқ.) ташқи муҳит обьектлари, яъни касалликни юқтирувчи омиллардан олиб ташлаш яъни йўқ қилиш. Уни ўтказишда обьектлардаги микробларни бутунлай йўқотадиган ёки унинг сонини камайтирадиган турли восита ва усуллардан фойдаланилади.

Кўрсатмага кўра профилактик ва ўчоқли дезинфекция ўтказилади. Ўчоқли дезинфекция ўз навбатида жорий ва якуний дезинфекция турларига бўлинади.

Профилактик дезинфекция эпидемиологик ҳолатдан қатъий назартизим-литарзда, доимо амалга оширилади. Профилактик дезинфекция ҳарбийлар учун инфекция тарқалиш ҳавфини туғдириши мумкин бўлган ва инфекция тўпланиши манбаи ҳисобланган обьектлар, хоналар, поллар, ахлат контейнерлари, ахлат учун урналар, ошхона жойлари ёки асбоблари, идиштовоқлар, давлат стандартига жавоб бермайдиган сув, сувни сақлаш жойлари (сув цистерналари), сувни олиб келувчи шланглар, ҳаммоллар, сартарошхоналар, буюмларни сақлаш омборлари, тиббий ёрдам кўрсатиш хоналари, ишхоналарда ўтказилади.

У режа асосида йилнинг ёз ёки қиши вақтларида ўтказилади.

Режада дезинфекция (дезинсекция) қилинадиган обьектлар рўйхати, ўтказилиш майдони, талаб қилинадиган дезинфекцион модданинг миқдори, профилактика усули, ўтказилиш санаси ва профилактика ўтказувчи шахс ҳақида маълумотлар берилади.

Жорий дезинфекция қисмларнинг махсуст иббий изолятор пунктларида, инфекцион бўлимларда, бошқа тиббиёт муасссаларида, баъзида инфекцион bemor ётган уйларда ўтказилади.

Бунда bemornинг ажратмалари (балғам, қусуқ массаси, bemor ювинган сув, ахлат, сийдик, йиринг, қон ва бошқ.), идишлар, овқат қолдиқлари, яшаш хонаси, ички кийимлари ва хонада жойлашган бошқа буюмлар дезинфекция қилинади.

Якуний дезинфекция беморнинг соғайиши ёки ўлимидан кейин 3 соатдан кўп бўлмаган муддатда бемор яшаган жойда касаллик қўзғатувчисини йўқотиш мақсадида ўтказилади.

Бунда бемор яшаган худуд, ётоқ хона, мебеллар, беморнинг шахсий буюмлари, шунингдек, беморни госпитализация қилишда фойдаланилган транспорт воситаси дезинфекция қилинади.

Ўчоқли дезинфекция ўтказиладиган инфекцион касалликлар рўйхати ҳарбий тиббиёт Бош бошқармаси томонидан тузилади.

Тиббий ва даволаш- профилактика муасассаларида дезинфекцион пункт ташкил қилинади ва у қуидагилар билан таъминланади:

- керакли миқдордаги дезинфекцияловчи моддалар захираси (1-2 ҳафтага етадиган), инсектицид ва репеллентлар; кичик дезинфекцион аппаратуралар; тарози, ўлчов идиши; эритмаларни тайёрлаш учун идиш; маҳсус кийим (халат, қалпокча, кўзойнақ, респиратор, фартуклар, кўлқоп ва резина этиклар); керакли мебель ва ҳужжатлар (профилактик дезинфекция режаси, дезинфектантларни тайёрлаш ва уни қўллаш бўйича қўлланма, дезинфектантларни ва ўтказилган дезинфекция тадбирларини рўйхатга олиш журнали, хавфсизлик чоралари ҳақида қўлланма). Дезинфекцион моддаларнинг асосий захираси алоҳида жойда, қуруқ ва салқин муҳитда сақланиши керак.

Дезинфекция механик, физик ва кимёвийусуллар билан ўтказилади.

Механик усулларга қуидагилар киради: сиқиб чиқариб ташлаш, уйдан олиб чиқариб ташлаш, заарланган буюмларни ювиш ва тозалаш, санитария ишлови ўтказиш. Механик усул микроорганизмларни батамом йўқ қилишни кафолатламайди, лекин уларнинг қўпайишига ва тарқалишига тўсқинлик қиласи.

Дезинфекциянинг физик усуллари, ёкиш, қуруқ иссиқ ҳаво, буг, иссиқ сув (қайнок), ультрабинафша нурлар, шунингдек микроорганизмларни ўлдирадиган табиий омиллар (куритиш ва қуёш нурлари) билан дезинфекция қилиш.

Ёндириш йўли билан дезинфекция қилиш арzon турдиган, аҳамияти камроқ предметларга нисбатан ўтказилади: масалан ишлатилган бинтлар ва боғлов материаллари, эски ёки муддати ўтган кимёвий ҳимоя воситалари, эски оёқ кийимлар, ҳайвон мурдалари ва ҳ.к.

Қайноқ сув микроорганизмларнинг вегетатив шакли ва спорасини ўлдиради. Қайнаган сувга 1-2% сода ёки юувучи восита қўшилса, заарсизлантириш самараси ошади.

Ультрабинафша нурлари ҳам қўлланилади, бунда операцион хоналар, боғлов материаллари ва реанимацион хоналарда кичик босимдаги симобли лампалар қўлланилади.

Дезинфекция мақсадига кўра билвосита, бевосита ва иккалови биргаликда нурланишлар қўлланилади. Бевосита нурланиш одамлар жойлашган худуддаги ҳавони заарсизлантиришда қўлланилади. Билвосита нурланиш тиббиёт муасассаларида юзаларни заарсизлантириш мақсадида қўлланилади.

Дезинфекциянинг кимёвий усулида микрорганизмларни ўлдириш хусусиятига эга бўлган воситалар (дезинфектантлар) қўлланилади.

Дезинфекцияловчи воситалар, қуидаги кимёвий моддалар гуруҳига киради:

- галоген сақловчи моддалар:
 - a) хлор сақловчи препаратлар (ноорганик ва органик);
 - б) бром сақловчи препаратлар;
 - в) йод сақловчи препаратлар;
- кислород сақловчи препаратлар (водород пероксид, перекисли бирикмалар);
 - юзаки фаол моддалар (тўртламчи аммоний бирикмалари);
- гуанидин ҳосилалари;
- альдегидлар (формальдегид, глутар альдегид);

- фенол ҳосилалари;
- спиртлар;
- лактон ҳосилалари;
- ишқорлар;
- кислоталар.

Кўшинда дезинфекция мақсадида таркибида хлор сақловчи моддалардан кенг кўламда фойдаланилади: хлорли оҳак, гипохлорит кальцийнинг 2 асосли тузи, нейтралланган гипохлорит кальций, хлорамин, дихлоризоциан кислота-нинг натрийли тузи, шунингдек, водород перекис ва формалин.

- Дезинфекциянинг намли усули кимёвий дезинфекцияловчи моддалар эритмасига (эмulsionия ва суспензия) асосланган бўлиб, объектлар юзасини ювиш ёки артишда улардан фойдаланилади.

Стерилизация

Стерилизация – предмет юзаси ёки суюқ мухитда мавжуд бўлган барча турдаги микроорганизмларни батамом йўқотишга қаратилган тадбир. У қон орқали юқувчи йирингли- септик инфекциялар ва қон орқала юқувчи касалликларнинг профилактикаси учун мўлжалланган (вирусли гепатит В, С, Д, ОИВ- инфекция, безгак ва бошқ.). Тиббий кўрсатмага мувофиқ шикастланган юзага текизилган барча буюмлар, қон ёки инъекцион препарат билан мулоқатда бўлган, шунингдек, шиллиқ қаватга тегиб ўтган ҳар қандай объект стерилизациядан олдинги тайёргарликдан ўтади (дезинфекция, стерилизациядан олдинги тозалаш) ва стерилизация.

Дезинфекция учун барча буюмлар тўлиқлигича маълум вақт давомида заарсизлантирувчи эритмага солинади, эритма буюмнинг ҳар бир қисмига тегиб туриши керак. Стерилизациядан олдинги тозалашнинг объектдаги қон қолдиклари, оксил, ёғ, механик кирланишлар ва қолдик дори моддаларини кеткизувчи, юувучи воситалар ёрдамида амалга оширилади. Стерилизациядан

олдинги тозалашнинг сифати объектда юувучи восита ва қон қолган ёки қолмаганлигига қараб аниқланади, мусбат натижа кўрсатилган ҳолатларда манфий натижа олингунга қадар тозалаш жараёни такрорланади.

Стерилизация буғли, қайнок- ҳаволи ёки кимёвий усуллар ёрдамида ўтказилади. Стерилизация усулини танлашда стерилизацияланувчи объектнинг хусусиятларига эътибор берилади.

Стерилизациядан олдинги ишлов ва стерилизация қўйидаги муассасалар томонидан ташкиллаштирилади ва назорат қилинади:

-даволаш- профилактика муасассалар- тиббий қисм бошлиғи ва бўлим бошлиғи;

-тиббий батальонларда- тиббий қисм командири;

-тиббий муасассада- тиббий пункт бошлиғи;

Унинг ўтказилишига маъсуллар: бўлимда- ҳамшира, тиббиёт пунктида- дорихона бошлиғи.

Объектларнинг стерлизацияси тўлиқ ўтказилиши доимий равища муасасса бошлиғи томонидан назорат қилинади ва даврий равища санитария - эпидемиологик ташкилотлар томонидан санитария - эпидемиологик режимни таъминлаш доирасида текшириб турилади.

Дезинсекция

Дезинсекция – қон сўрувчи бўғимоёқлилар сонини камайтириш (хавфсиз даражагача) ёки йўқ қилишга қаратилган, шунингдек, одамларни уларнинг чақишидан ҳимояловчи, эпидемиологик ва санитария - гигиеник аҳамиятга эга чора- тадбирлар жамланмаси.

Ҳарбийлар учун катта хавф туғдирувчи омилларга: ўлатнинг маҳсус ташувчиси ҳисобланган бургалар, тошмали тиф ташувчиси ҳисобланган битлар; канали энцефалит ва геморрагик иситма ташувчилари иксод каналар;

канали риккетциоз ва канали боррелиоз учун аргас каналари, канали қайталама тиф; цуцугамуши иситмаси ташувчилари- қизил танали каналар; чивинлар- безгак ташувчилари ва қайталама тиф ва окоп иситмаси қўзғатувчисини ташувчилари киради.

Ҳарбий хизматчиларнинг бўғимоёқлилар орқали заарланиши қўзғатувчи ва ташувчиларнинг қўйидаги биологик хусусиятларига боғлик бўлади:

-инфекцион касалликнинг бўғимоёқлилар организмида узок муддатда фаол ҳолатда сақланиши (кўп ҳолатларда бўғимоёқлиларнинг бутун ҳаёти давомида)- бир неча ҳафтадан (суварак, чивин ва битлар) ёки ойлар (бурга) дан бир неча йилгача (каналар);

- Баъзи бўғимоёқлиларнинг (каналар) трансовариал (бир нечта авлоди) қўзғатувчи ташиб юриш хусусияти натижасида давомли заарланиш ўчоқларнинг пайдо бўлиши;

- Бўғимоёқлиларнинг одам ва ҳайвонларга фаол ҳужум қилиши ва қўзғатувчининг қон сўриш вақтида (инокуляция) қон билан тери қатламларининг, кийимнинг механик кирланиши натижасида тери орқали (микротравма ва тилинишлар бўлганда) юқтириши;

- Бўғимоёқлиларнинг сезиларли масофагача (сувараклар, чивинлар ва бошқа икки қанотли ҳашоратлар- бир неча ўн километргача), шунингдек, ҳайвонлар ёрдамида пассив (кемирувчи ва қушлар), одам ва бошқа транспорт воситалари ёрдамида фаол ҳаракатланиш хусусияти;

- Бўғимоёқлиларнинг тез бўлиниш хусусияти;

- Бўғимоёқлиларда инсектицидларга нисбатан чидамлиликнинг ривожланиши;

Ташувчиларга қарши чора- тадбирлар профилактика мақсадида ва талабга кўра ўтказилади.

Профилактик чора- тадбирлар ўз навбатида санитария- гигиеник ва ҳимо-

яловчи турларга бўлинади.

Санитария - гигиеник тадбирлар (озик- овқат маҳсулотларини ўз вақтида йиғиш, гидротехник ва мелиоратив ишлар, озуқа воситаларини тўғри сақлаш) ташувчиларнинг тўпланиши ва кўпайишини камайтириш ва уларни бартараф қилишга қаратилган бўлади. Бу тадбирларни ўтказиш учун бўғимоёқлиларнинг экологиясини билиш зарур: кўпайиш жойи, ташувчининг миграция қилиши мумкин бўлган худудлар, кўпайиш динамикаси ва бошк.).

Санитария - гигиеник тадбирлар услубий ёрдам билан ва тиббий хизмат назорати остида ўтказилади.

Санитария - гигиеник тадбирларга қуйидагилар киради:

- ҳарбийларнинг шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишлари;
- шахсий таркибда ҳашоратларни аниқлаш ва танадан каналарни йўқотиши мақсадида даврий кўрик ўтказиш;
- яшаш ва ишлаш жойларида, умумий овқатланиш жойлари ва жамоат жойларида санитария ҳолатни сақлаб туриш;
- ҳарбийлар жойлашган худуддан овқат қолдиқларини ва чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб ташлаш;
- кўшин жойлашган худудни ўсимликлардан тозалаш, кичик сув ҳавзаларини бартараф қилиш ва бошқа ҳашоратлар кўпайиши мумкин бўлган худудларни тозалаш.

Ҳимоя тадбирлари одамга ҳужумнинг (чақиш, тишлиш) олдини олишга қаратилган бўлади ва индивидуал ёки жамоа ҳимоясига қаратилган бўлади. Ҳарбийнинг индивидуал ҳимояси учун маҳсус қўрқитувчи воситалар (репеллентлар), тананинг шикастланган соҳаларига ҳимоя воситаларини суртиш, кийимларга ҳашоратлардан сақланиш воситаларини сепиш орқали кўлланилади. Терининг очиқ қисмлари, қўл, бўйин ва юз учун репеллентлардан

фойдаланилади.

Юқоридаги тадбирлар ҳашорат ва каналарни, улар тарқалишининг олдини олади.

Дезинсекциянинг механик, физик, биологик (генетик), кимёвий усуллари фарқланади. Механик усул ёрдамчи ҳисобланиб, унинг ёрдамида бўғимоёқлиларни батамом йўқотиб бўлмайди.

Механик усулга қуидагилар киради: тозалаш, хонани ва ҳудудни йиғишириш; кийимларни ва оқлиқларни қоқиш; пашша, бурга ва сувараклар учун ёпишқоқ маҳсус қоғозлар ўрнатиш.

Ҳарбийларнинг маҳсус кийимлардан фойдаланиши, дераза ва эшикларга тўрлар ўрнатиш орқали бирқанча аскарлар гуруҳини ҳашаротлардан ҳимоялаш мумкин.

Бўғимоёқлиларга физик таъсир қилишга оловдан фойдаланиш (ахлатни ёндириш, ўсимликларни, кана, бурга ва битлар аниқланган кам қийматли буюмлар, кийимларни ёқиб юбориш), иссиқ ва қайнаётган сув (оқликларни ювиш, шахсий таркибнинг кийимларини қайнатиб ювиш), қайноқ дазмол билан текислаш, қайноқ сув буғи ва ҳаво орқали дезинсекция қилиш.

Биологик дезинсекция усули биологик препаратлардан фойдаланиб касаллик қўзгатувчисини (бактокулицид ва бошқ.), паразитлар ва б.к. йўқотишига қаратилган бўлиб, бўғимоёқлиларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳарбийлар орасида тарқалишининг олдини олишга қаратилган бўлади.

Кимёвий усул турли хилдаги кимёвий бирикмалар ёрдамида қон сўрувчи бўғимоёқлиларни қочиравчи таъсир кўрсатишга асосланган ва бунинг натижасида ҳашоратларнинг одамга хужумининг олди олинади.

Кимёвий моддалар таъсирида бўғимоёқлиларни уларнинг барча ривожланиш босқичларида йўқотиши имконияти мавжуд. Кимёвий моддалар тузилишига кўра инсетицидлар хлорланган углеводородлар, фосфорорганик бирикмалар, карбаматлар, ўсимлик пиретринлари ва синтетик пиретроидлар ва

бошқа бирикмаларга бўлинади. Улар орасида энг кўп кўлланиладигани фосфорорганик бирикмалар, пиретроидлар ва уларнинг аралашмалари ҳисобланади.

Фосфорорганик инсектицидларнинг таъсир механизми- холинестераза ферментини боғлаб олишга асосланган.

Организмга тушиш йўли бўйича бўғимоёқлилар мулоқат, тана қопламлари орқали тушувчи, ичак, овқат хазм қилиш аъзолари орқали тушувчи, фумигант, нафас йўллари орқали тушувчи, турларга бўлинади.

Ичак заҳарлари гурухига ҳайвон ёки одам қонини бўғимоёқли сўраётган вақтда тушадиган тизимли инсектицидлар ҳам кириб, уларга бутадион мисол бўла олади. Баъзи инсектицидлар комплекс таъсирга эга бўлади. Мақсадга мувофиқ тавсия этилишига кўра инсектицидлар қуйидаги гурухларга бўлинади:

- акарицидлар (каналарни ўлдирувчи препаратлар)
- хусусий инсектицидлар (ҳашоратлар учун)
- педикулоцидлар (битлар учун)
- овоцидлар (ривожланишнинг турли босқичларига таъсир этади)
- ларвицидлар (ривожланишнинг турли босқичларига таъсир этади)
-
- имагоцидлар (ривожланишнинг турли босқичларига таъсир этади)

Ҳарбий хизматчиларни қон сўрувчи бўғимоёқлилардан ҳимоялашнинг самарали воситалари бу инсектицид- репеллент препаратлар аралашмаси (оксазол ва бошқ.), репеллент сақловчилар ва ўткир таъсирли, кам заҳарли инсектицидлардир (неопинамин, перметрин). Улар ҳарбий қисмни иксод каналар, бургалар ва бошқа қон сўрувчи бўғимоёқлилардан ҳимоя қиласи ва ҳар куни қўллашда таъсир давомийлиги 7-14 суткагача бўлади. Инсектицидлар билан дезинсекция қуйидаги усулларда олиб борилади: чайқатиш ва моддани аэрозол ҳолатида йўналтириш; ҳавода аэрозол ҳолатида тарқатиш; кийим ва оқликларни қайта ишлаш. Дезинфектант, инсектицид ва репеллентлар

тарқатилиши учун турли технологик воситалардан фойдаланилади, бунда кукун, йирик пуфак ҳосил қиласиган суюқликлар ва аэрозол моддалардан фойдаланилади. Дезинсекцион тадбирлар оператив- тактик ҳолатга қараб ўтказилади. Бундай тадбирларда бўғимоёқлиларнинг биологик ва экологик (тўпланиш ва қўпайиш жойи, миграция қилиши мумкин бўлган соҳалар, ҳаёт давомийлиги) хусусиятлари ҳисобга олинади.

► *Бургалардан ҳимояланишга қаратилган тадбирлар:*

-туар жой худудида, чодирларда ва бошқа обьектларда тозалик ва тарти- бгариояқилиш;

- шахсий таркибни репеллент ёки инсектицид- репеллент препаратлар билан, аэрозол ёки йирик томчили репеллент эмульсиялар ёки аэрозол баллонлар, оксазол, рефтамид, октадетвабошқ. таъминлаш;

- уйсиз, эгасиз ҳайвонларни текшириш (итвамушуклар);

- бургаларнинг инсон танасига кириб келишига тўсқинлик қилувчи маҳсус ҳимоякостюмларидан фойдаланиш;

- бир вақтнинг ўзида бургаларни йўқ қилиш билан дератизация ишларини олиб бориш;

- дам олиш жойларини инсектицидлар ёрдамида тозалаш;

► *Иксоид каналарга нисбатан қуйидаги тадбирлар ўтказилади:*

- ҳудудни тозалаш, каналар бўлиши мумкин бўлган казарма, палатка, йўлларда профилактик чора- тадбирларни ўтказиш;

- репеллент ва инсектицид- репеллент препаратлардан тананинг очиқ қисмларига суртиш учун фойдаланиш (крем, аэрозол баллонда рефтамид);

- инсон танасида каналар тўпланишининг олдини олиш мақсадида маҳсус захира тўплаш;

- доимо (2-3 соатда) кўрикдан ўтиш;

- акарицидлар ёрдамида дам олиш жойларини тозлаш;

➤ *Қанотли қон сўрувчилар (суварак ва боиқ.) ҳужумининг олдини олиши мақсадида қуийидаги тадбирлар ўтказилади:*

- тананинг очик қисмларини қайта ишлаш, ҳимоя тўрларини жойлаштириш, репеллент препаратлардан фойдаланиш. Терига қўллаш учун редет креми, детафтал ва ребефтал; диметилфталат; рефтамиднинг аэрозол баллони, репеллент салфеткаларидан фойдаланиш;
- ҳашоратлар чақишидан ҳимояланиш учун махсус тўрлар, махсус костюмлардан фойдаланиш;
- палатка атрофидаги ўсимликлар ўсадиган жойларни ва ҳашоратлар бўлиши мумкин бўлган жойларни тозалаш;
- эшик ва деразаларга тўрлар ўрнатиш, майда катакли ($0,25 \times 0,75$ мм) вентиляцион тешиклари бор марлилардан фойдаланиш, ҳашоратлар мавжуд жойларни инсектицилар билан заарсизлантириш;

➤ *Қанотли пашшалар ва уларнинг личинкаларига қарши қуийидаги тадбирлар бажарилади:*

- Белгиланган ҳудудда тозалик ва тартибни сақлаш;
- Дераза, эшикларни тўр билан жиҳозлаш ва уларнинг атрофини инсектицилар билан тозалаш;
- Пашшалар тўпланган ҳудудни чегаралаш. Буюмларни тўғри сақлаш, заарсизлантириш (камида 3 кунда 1 марта);
- Ташқи тозалаш жойларини инсектицилар ёрдамида суюқ препаратлар билан тозалаш, ахлат қутиларини тез- тез тозалаб туриш;

Инфекцион касалликлар қўзғатувчиларининг ташувчиларини инсектицилар ёрдамида йўқотишга қаратилган тадбирларга ҳарбий қисмда жавобгар шахс қисмнинг тиббий хизмат бўйича бошлиги ҳисобланади.

Дезинсекцион тадбирнинг сифатли ўтказилишига қисмда санитария-эпидемиологик муасассанинг хизматчилари жавобгар бўладилар.

Ҳарбийлар орасида педикулёзнинг олдини олиш мақсадида шахсий таркибнинг доимий шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши, оқликларнинг тозаланиши, оқликларнинг ювилиш техник жараёнига эътибор берилади.

Педикулёзни ўз вақтида аниқлаш мақсадида шахсий таркиб мақсадли равишда текширувдан, даврий тиббий кўрикдан ўтказилади, шунингдек, маҳаллий аҳоли ўртасида ҳам санитария- тушунтириш ишлари олиб борилади. Санитария- тушунтириш ишлари давомида аҳолига педикулёздан ҳимояланиш усуллари тушунтирилади.

Педикулёз аниқланган ҳолатларда уларнинг тури ва қайси ривожланиш босқичида эканлигидан қатъий назар ўчоқда албатта эпидемиологик текширув ишлари ўтказилади ҳамда махсус буйруққа асосан битларни йўқотишга қаратилган тадбирлар режалаштирилади.

Буйруқда тадбирнинг ўтказилиш жойи, тартиби ва вақти, жавобгар шахс, ажратиладиган таркиб ва моддалар кўрсатиб ўтилади.

Битларни барча ривожланиш босқичларида йўқотишда самараси юқори бўлган усул бу барча шахсий таркибни санитария қайта ишловдан ўтказиш ҳисобланади. У қуидагилардан иборат бўлади: ювениш, ички кийим ва оқликларни алмаштириш, дезинфекциялаш, камерали дезинсекциялаш, шунингдек, яшаш жойининг дезинсекцияси, тананинг сочли қисмлари дезинсекцияси.

Педикулёз билан курашиш учун керакли манба, усул ва тадбирлар режими давлат томонидан белгилаб берилади.

Биологик ўчоқда дезинсекция обьектлари қуидагилар ҳисобланади:

-шахсий таркиб жойлашган худуд, буюмлар, предметлар тўпланадиган жойлар (ошхоналар, умумий овқатланиш жойлари, омборхоналар), казарма, палатка, ҳимояловчи воситалар; кичик сув ҳавзалари, чиқинди йиғиладиган жойлар, кемирувчилар яшайдиган жойлар;

- Тури яшаш жойлари (уйлар, ишхоналар) ва транспорт воситалари

(автомобиллар, самолёт ва вертолётлар);

- Махсус кийимлар, оқликлар ва ички кийимлар.

Дератизация

Дератизация-кемирувчиларни қириб ташлашга қаратилган чоратадбирлар бўлиб, инфекцион касалликлар қўзғатувчиларининг манбаси ва механик ташувчиси ҳисобланган кемирувчиларга қаратилган бўлади.

- Ҳарбийлар учун хавф туғдирувчи инфекцион касалликлар орасида энг аҳамиятлиси синантроп (хонаки кулранг ва қора каламушлар, уй сичқонлари) кемирувчилар билан боғлиқ зооноз касалликлардир - псевдотуберкулёз, лептоспироз, сальмонеллёз, шунингдек, туляремия, ўлат, бруцеллёз ва сибир яраси.

Ҳарбийлар жойлашган ҳудуд ландшафтига қараб, қайси кемирувчилар билан боғлиқ қандай табиий шароитга боғлиқ касалликлар келиб чиқиши мумкинлигини тахминан билиб олиш мумкин.

Тундра ва ўрмон- тундра зоналарида табиий шароитда лептоспироз, бруцеллёз, туляремия, сибир яраси, псевдотуберкулёз келиб чиқиши эҳтимоли юқори.

Тайга ва кенг баргли ўсимликлар тарқалган ҳудудларда кўпроқ буйрак синдроми билан кечувчи геморрагик иситма кўп учраб, унинг ташувчиси сичқонсимон кемирувчилар ҳисобланади (сариқ, қизил, қизил-кулранг, ўрмон каламушлари, осиё ва сариқтомоқ сичқонлари), лептоспироз (ҳайвонлар билан мулоқат вақтида юқади), шунингдек, туляремияни дала ондатралари ва юмронқозиқлар ҳам тарқатади.

Ўзбекистоннинг чўл зоналарида ўлат учраб, уларнинг манбаси юмронқозиқ, фумсичқон ҳисобланади.

Тоғли ҳудудларда ҳам ўлатнинг эпизоотияси мавжуд бўлиши мумкин, улар узун думли суслиқ, монгол ва даур юмронқозиқлари билан боғлиқдир.

Дератизация ўз ичига профилактик чора- тадбирларни олади.

Профилактик чора- тадбирлар ҳарбий қисмга кемирувчларнинг кириб келишига йўл қўймаслик ва уларнинг ҳаёт фаолияти, озиқланиши ва кўпайиши учун ноқулай шароит яратишдан иборат бўлади. Профилактик чора- тадбирлар санитария- техник, санитария- гигиеник ва агротехник турларга бўлинади. “тигена ва эпидемиология марказлари” хизматчилари ва мутахассислари томонидан зарур чора- тадбирлар ўтказилади.

Санитария- гигиеник тадбирлар кемирувчиларни умумий овқатланиш жойлари ва яшаш жойларидан йўқотишга қаратилган бўлади.

Хонадон хизматидагилар кемирувчиларни хонадонларга киришларига имкон қолдирмайдилар. Озиқ-овқат хизматидагиларга эса озиқ-овқат омборларига, овқат таркибини аниқлаш хоналарига кемирувчилар киришининг олдини олиш, маҳсулотларни кемирувчилардан асраш вазифаси юклатилади. Тиббий хизмат зарур чора-тадбирлар ўтказилиши устидан назорат ва услубий раҳбарлик қиласи.

Қўшинлар орасида эпидемик кўрсатмаларга асосан кемирувчиларни кириш чора-тадбирларини ташкиллаштириш учун ҳарбий қисм, қўшилма ва тиббий муассасалардаги тиббий хизмат бошлиqlари жавобгардирлар. Тегишли ишларни ва услубий раҳбарликни санитария-эпидемиология муассасалари мутахассислари амалга оширадилар. Бу ишларни санитар- инструктор-дезинфекторлар амалга оширади, бундай штат йўқ бўлган жойларда эса санитарлар ва штатсиз дератизаторлар бу ишларни бажарадилар.

Бунда бута ва ўтларни олиб ташлаш, уларни ёқиши, ахлатларни тез- тез йўқотиш, ҳудудда тозаликни сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

Санитария-техникавий чоралар кемирувчиларнинг чодирларга ва вақтинчалик тузилмаларга кириб боришига тўсқинлик қилишни ва уларни қазиб олиш ва тузоқ қудуқларини жиҳозлашни таъминлашни талаб қиласи. Қуролли кучлар жойлаштирилиши мўлжал қилинган ҳудудлар кемирувчилардан тозаланади, буталар кесилади, чодирлар туширилади.

Агротехник ва ўрмон хўжалиги ходимлари кемирувчилар учун нокулай яшаш шароитларини яратиш атроф-муҳитни бегона ўтлардан тозалаш, ўрмонларни тозалаш, бутазорларни, дараҳтларни кесиш ишларини амалга оширади.

Кемирувчиларга қарши қураш ҳаракати кемирувчилар мавжуд бўлган барча обьектлар бўйича мунтазам равишда олиб борилади.

Кемирувчиларга қарши қураш ҳаракати отрядларнинг ходимларидан маҳсус ташкил этилган бўлимлар томонидан амалга оширилади. Услубий ёрдам ва иш самарадорлигини назорат қилиш санитария - эпидемиология лабораторияси ва тиббий хизмат томонидан амалга оширилади. Баъзи ҳолларда санитария-эпидемиология муассасаларининг маҳсус дезинфекция бўлимлари томонидан ушбу чоралар бажарилади.

Дератизация механик ва кимёвий усулларда амалга оширилади.

Механик усул, асосан, кемирувчилар сони кам бўлган хоналарда (чодирларда) қўлланилади кемирувчиларни маҳсус тузоқлар (қопқонлар) ёрдамида йўқ қилишдан иборат. Бунда кемирувчиларни ўзига жалб қилиш учун ўсимлик ёғи сепилган нон ишлатилади. Кечқурун тузоқлар кемирувчилар мавжуд бўлиши мумкин бўлган хоналарга жойлаштирилади, девор бўйлаб 30m^2 га: 1 - 5 та қопқон қўйилади. Эрталаб тутқичлар текширилади ва тутилган кемирувчилар йифилади.

Кемирувчиларни тезда қириб ташлаш зарур бўлганда одатда, механик усул амалда қўлланилмайди.

Кимёвий усул кимёвий препаратлардан (ратицидлардан) фойдаланишга асосланган бўлиб, улар кемирувчилар организмига тушганида уларга заҳарли таъсир кўрсатади ва қўйидагиларни ўз ичига олади:

- заҳарланган озиқ-овқат моддаларини истеъмол қилиш;
- кемирувчилар заҳарланган суюқ моддаларни истеъмол қилиши;
- кемирувчилар юриши ва чикиши мумкин бўлган йўлларга кимёвий

захарли моддалар кукуни сепиб қўйилади;

- кемирувчиларнинг инларига ёки хоналарига, улар озиқланадиган жойларга ратицидларни газ ёки буғ ҳолида сепиш. Бу усул бир вақтнинг ўзида дератизация ва дезинсекция қилишни таъминлайди.

Ратицидлардан одатда рух фосфид, зоокоумарин ва ратиндин қўлланилади. Бундан ташқари, замонавий дорилардан ҳам фойдаланиш мумкин: глифтор, монофторин, фторацетамид, этилфенацин ва бошқалар.

Кемирувчиларни йўқ қилиш учун кимёвий дератизация воситалари сувга ёки озиқ-овқат маҳсулотларига қўшилади, бундай озиқ-овқатни еган кемирувчилар заҳарланиб ўлади.

Озиқ-овқатлар узок муддатли қуруқ маҳсулотлар кўринишида тайёрланади. Қуруқ маҳсулотларга (дон, нон, жўхори, сабзавот, майдаланганд гўшт) ратицид билан бирга таъмни яхшилайдиган турли қўшимчалар (ўсимлик ёғи, шакар, туз) қўшилади. Кулранг каламушлар суюқ, хўл бўлган озиқ-овқатларни яхши кўради.

Тез таъсир қилиш учун рух фосфид, дератизация жараёнида, шунингдек иложи бўлса, монофторин, фторацетамид 7-10 кун ичида дератизация амалга оширилганда, хавфсиз дорилар, зоокумарин ва ратиндан қўлланилади.

Дала дератизациясида ўсимлик ёғи, буғдой дони қўпроқ фойдаланилади. Бунда 1 кг донга 20 г ўсимлик мойи аралаштириш орқали тайёрланади, кейин донга зарур микдорда заҳарли модда қўшилади ва аралаштирилади.

Тешикларга 2-5 г ратицид заҳар сепилади ёки қоғозга ўраб тампон шаклида тешик ёпилади.

Сув текис идишлар ичига қўйилади ва унинг юзасига заҳар сепилади.

Аҳоли пунктларида тиббий, туарар-жой ва оффис биноларида, шунингдек объектлар атрофида, очик жойларда кемирувчиларни қириб ташлаш чоралари кўрилади. Кичкина кемирувчиларни механик усул (қопқон) билан тутилади. Бу

усул, биринчи навбатда, тибиёт муассасалари биноларида тавсия этилади.

Кемирувчиларни йўқ қилиш ҳаракати кемирувчилар жойлашган жойи ва кемирувчиларнинг турига боғлиқ. Мудофаа соҳасида ўткир заҳарларни ишлатиб, кемирувчиларни йўқ қилишнинг кимёвий усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Дератизация ўтказилганидан кейин унинг самараси кузатув ёки қопқон- сутка усуллари ёрдамида текширилиши мумкин. Ратицидларнинг таъсир механизми- кемирувчиларнинг қон ивиш тизимини бузишга асосланган бўлади.

Профилактик эмлашлар

Иммунопрофилактика- бу ҳарбийларда инфекцион касалликларга нисбатан чидамлиликни ошириш ва инфекцион касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора- тадбирдир.

Шахсий таркибда эмлаш ишлари режали ва эпидемик кўрсатмаларга асосан олиб борилади: эпидемик кўрсатма инфекцион касалликларнинг шахсий таркибда учраш ҳолатлари кузатилиши хавфи мавжуд бўлганда, ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳаракатланиш маршрути бўйлаб табиий ўчоклар аниқланганда ўтказилади.

Ботулизмга қарши бирламчи эмлаш ҳарбий чақириқка биринчи марта чақирилганда ва армияга юборилгандан сўнг биринчи 6-9 ой ичida ўтказилади.

Ўлатга қарши эмлаш, кутуриш ва ботулизмга қарши қайта эмлаш уруш режасига кўра эмлаш ҳисобланиб, ҳарбий захирадан чақирилганларга ўтказилади.

Денгиз кучларининг 1 ва 2 даражали кемалари хизматчилари ва бундай кемаларда хизмат қилиш учун захирадан чақириладиган аскарлар қўшимча сариқ иситма ва ўлатга қарши эмланадилар.

Қўшинларда эпидемик кўрсатмага кўра эмлаш ҳарбий қисм командирининг қарорига асосон амалга оширилади. Амалга ошириладиган эмлашларнинг услугий ёрдамини ва мониторингини эпидемиологлар қиласи.


Эмлашлар шифокорлар назорати остида, махсус тайёрланган вақтингчалик эмлаш пунктларида, чодирларда ёки кенг хоналарда, интраназал, перорал, парентерал усууллар билан амалга оширилади.

Бўлимларда эмлаш учун эмлаш бригадалар шакллантирилади, уларнинг таркибида шифокор, 2-3 нафар ўрта тиббиёт ходимлари ва ёрдамчи ходимлар бўлади. Инъекциясиз ва интраназал усууллар билан эмланганда эмлаш гурухлари таркибига санитария-эпидемиология муассасаларида (бўлинмалар) махсус амалий машғулотлар ўтаган тиббий ходимлар киритилади. Эмлаш гурухларига ёрдам бериш учун ҳар бир ҳарбий қисмда ёрдамчи ходимлар ҳам киритилади.

Аскарлар ва сержантларга қилинган эмлашлар уларнинг кўрсатмалари ҳарбий ҳужжатига (билетига) қайд қилинади.

Эпидемияга қарши таъминот

Харбийларнинг эпидемиологик хотиржамлигини ва эпидемияга қарши ҳолатини мустаҳкам сақлаб туриш учун эпидемияга қарши ва профилактик тадбирларни ўтказишга турли хилдаги тиббий ва нотиббий муассаса ходимлари жалб қилинади. (Расм 1).



1-расм. Харбийларнинг эпидемияга қарши ҳимоясига қаратилган чора-тадбирларга жалб қилинадиган куч ва манбалар

Рота

Ротада эпидемияга қарши тадбирлар билан санинструктор шуғулланади. Унинг вазифалари қўйидагилар: Рота жойлашган жойнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини ўрганиш; юқумли касалларни аниқлаш ва уларни изоляторга жўнатиш; юқумли бўлмаган беморларни аниқлаш ва уларни баталон

тиббиёт пунктига юбориш; озиқ-овқат тайёрлаш, ташиш ва тарқатиши устидан назорат; аскарларнинг шахсий гигиенасини кузатиш; битлашнинг олдини олиш; рота эгаллаган майдонларнинг тозалигини назорат қилиш.

Батальон

Батальонда эпидемияга қарши чора-тадбирлар билан фельдшер шуғулланади. Унинг вазифасига рота сан-инструктори бажарадиган барча ишлар киради. Бунга қўшимча равишда қўйидаги вазифаларни ҳам бажаради: сув билан таъминлаш манбани танлаш, сув манбани ҳимоялаш, шахсий таркибни, сувни тозалаш ва заарсизлантириш воситалари (йод таблеткалари, пантоцид ва аквасепт) билан таъминлаш.

Полк

Полкда эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг ўтказилиши билан тиббий хизмат бошлиғи шуғулланади. У штатдан ташқари эпидемиолог хисобланадиган шифокорга амалий ёрдам беради, дивизия эпидемиологи билан ҳамкорликда ишлайди.

Штатдан ташқари эпидемиолог батальондаги фельдшерларнинг эпидемияга қарши ишларини ва полқдаги изоляторнинг ишларини назорат қилиш учун жавобгар шахс хисобланади.

Полкдаги изолятор 2 турдаги инфекцияга ва 4-7та ўринга мўлжалланган бўлади, лагер палаткалари, блинджларда жойлашади. Изолятор идиштовоқ, беморларга хизмат кўрсатиш воситалари ва дезинфекцион эритмалар билан таъминланган бўлади. Беморлар изоляторда 24 соатдан кўп ётишлари мумкин эмас.

Беморларнинг аҳволини фельдшер кузатиб туради. Агар bemорга 24 соат давомида ташхис қўйилса, у маҳсус автотранспортда ўрмон ёки аҳоли яшаш худудини четлаб ўтувчи йўл бўйлаб ҳарбий дала юқумли касалликлар госпиталига олиб кетилади. Беморлар госпиталда тўлиқ тузалгунча ёки асоратлари битишигача даволанади. Агар bemорга 24 соат давомида ташхис

кўйилмаса, уни дивизия махсус батальонининг алоҳида изоляторига, ундан эса юқумли касалликлар ҳарбий дала госпиталига ёки ўта хафли юқумли касалликлар ҳарбий дала госпиталига олиб кетилади.

Санитария- эпидемиологик взвод тиббий хизмат кўрсатишнинг махсус бўлинмаси ҳисобланиб, бўлим ва бригадаларда санитария - эпидемиологик назоратни ва эпидемияга қарши чора- тадбирларни таъминлайдиган махсус санитария-эпидемиологик бўлим ҳисобланади.

Санитария- эпидемиологик взвод қуидаги вазифаларни бажаради:

- санитария-эпидемиологик разведка ўтказиш ва бригада бўлинмалари жойлашган, улар ҳаракат қиласидиган жойларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини кузатиш;
- шахсий таркибда юқумли касалликларнинг эпидемиологик таҳлили, унинг асосида бригаданинг (полк) бўлинмаларида юқумли касалликларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ходимларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, унинг жанговар самарадорлигини ошириш;
- ҳарбийлар меҳнат шароитларининг санитария-эпидемиология назорати, санитария-эпидемиология талабларининг бажарилишини назорат қилиш, турар жойларнинг, тўғри ташкил қилиниши қоидалари ва тартиблари, озиқ-овқат махсулотлари, сув таъминоти, шунингдек, ходимлар учун кир ювиш хизматларининг санитария назорати;
- бўлимларда инфекцион ва оммавий юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни ташкил қилиш;
- тиббий назорат ва эпидемияга қарши (профилактик) чора - тадбирларни ўтказиш;
- ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-тиббий тайёргарликка ўқитиш ва уларда гигиеник кўникмаларни ҳосил қилиш учун ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва ушбу ўқишлиарни ташкил этиш.

Санитария-эпидемиологик взвод штатида 1-3 нафар мутахассислар (эпидемиолог, бактериолог, гигиенист), лаборант, санитар- инструктор- дезинфектор ва ҳайдовчи бўлади. Улар техник жиҳоз яъни ҳарбий-тиббий лаборатория, ёки санитария-бактериологик лаборатория ва дезинфекцион-душли қурилма билан таъминланган. Санитария-эпидемиология взводи, ҳарбий ҳаракатдаги гурухларга, уларнинг йўналишларида одатда тиббий хизмат кўрсатадиган жойга жойлаштирилади, тиббий хизмат бошлиғининг топшириғига ва кўрсатмасига биноан, ўзларига юклатилган вазифаларни бажаради.

Дивизия

Ҳарбий ҳудудда эпидемияга қарши ишларга бир вақтнинг ўзида санитария-эпидемиологик лаборатория бошлиғи ва дивизия тиббий хизматининг санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши масалалари бўйича бошлиқ ўринbosари бўлган дивизия эпидемиологи жавоб беради. У дивизия тиббий хизмати бошлиғидан ташқари армия эпидемиологига ҳам бўйсунади.

Дивизиянинг санитария-эпидемиологик лабораторияси (СЭЛ) –дивизия қисмларида эпидемияга қарши тадбирлар ўтказишга ва санитария назоратини амалга оширишга мўлжалланган ҳарбий ҳудуднинг ягона ихтисослаштирилган тиббий муассасаси. У ҳарбий тиббий лаборатория ва шатакка олинадиган душли дезинфекцион қурилмалар билан таъминланган.

Лаборатория қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Кўшинлар жойлашган ҳудудларда ҳудуднинг санитария-эпидемик ва санитария-гигиеник ҳолатини кузатади ва санитария-эпидемиологик текширув ўтказади;
- Шахсий таркибнинг умумий ва юқумли касалликлар билан касалланишини таҳлил қиласди;
- Ҳарбий қисмларда касалланишларни камайтиришга, шахсий таркиб соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларнинг иш ва жанговар қобилиятларини

оширишга қаратилган чора-тадбирлар ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- Ҳарбийларнинг овқатланиши, сув тъминоти, хаммом- кир ювиш хизматини ва ҳарбий меҳнат шароитини санитария – эпидемиологик жиҳотдан назорат қиласди;
- Ҳарбий қисмларда инфекцион ва оммавий ноинфекцион касалликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар ташкил қиласди;
- Белгиланган ҳажмда санитария-гигиеник, токсикологик, радиологик ва бактериологик текширувлар олиб боради;
- Ҳарбий қисм тиббий хизматларига тиббий назорат ва санитария-эпидемияга қарши (профилактик) чора-тадбирлар ўтказишга услубий ва амалий кўмаклашади;
- Ҳарбий-тиббий тайёрлов тизимида машғулотлар ташкил қилиш ва ўқув-услубий материаллар ишлаб чиқиш ҳамда ҳарбий қисмларда лаборатория ихтисоси бўйича ҳарбий хизматчиларни гигиеник тарбиялашда иштирок этади.

СЭЛнинг штат таркиби: бошлиқ-эпидемиолог-шифокор, 3 нафар бош мутахассис-шифокорлар (бактериолог, гигиенист, токсиколог-радиолог), лаборант, 2 нафар санитар-инструктор (дезинфектор, дозиметрист) ва 2 нафар ҳайдовчи.

Дивизия СЭЛнинг таркибида санитария автомашинаси, ҳарбий тиббий лаборатория ёки санитария-бактериология лабораторияси (АЛ-3) ва дезинфекцион-душли мослама(ДДМ-2) бўлади.

Санитария-эпидемиологик лаборатория ўз фаолиятини жанг майдонларида қисмлар ҳаракатланиш йўналишлари бўйича ва ҳарбий қисмлар жойлашган худудларда олиб боради. Унинг вазифаси, иш тартиби ва уни ташкиллаштириш ҳарбий қисм тиббий тъминоти режасида белгиланади. СЭЛ нинг янги жойга тўлиқ таркибда ёки эпидемиологсиз кўчирилиши тиббий ёки

захирадаги бошқарув пунктининг (ЗБП) кўчирилиши билан бирга амалга оширилади.

СЭЛ мутахассислари 10-12 соат мобайнида 10-12 минг аҳоли яшайдиган яшаш пунктлари ҳудудининг санитария-эпидемиологик разведкасини ўтказа олади. Очиқ ва ёпиқ сув манбаларини 2-3 соат давомида ўрганиб чиқиб баҳолай оладилар.

Ўткир ичак инфекциялари (дизентерия), овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг сабабларини лабораторияда аниқлаб, тўлиқ эпидемиологик ташхис қўйиш учун СЭЛ барча мутахассислар иштироқида 2-3 кун талаб этилади. Баъзи кам учрайдиган касалликларнинг эпидемиологик ташхисини аниқлашга 4-5 кун ва ундан кўпроқ вақт кетиши мумкин.

Лаборатория текширувларини ўтказиш бўйича СЭЛ нинг имкониятлари куйидагicha: бир иш куни давомида (10-12 соатдан кўп эмас) СЭЛ мутахассислари 16-18 та намуналарни қабул қилиб, уларни ўрганиб чиқиши ва улардаги биологик моддаларни аниқлаши мумкин (I босқич). Ушбу вақт давомида токсиколог- радиолог лаборант билан, гигиенист –шифокор, санитар-инструкторлар билан биргаликда 10-12 намунадаги заҳарли моддалар экспертизасини ўтказиши мумкин.

Дезинфекция-душли ҳаммомлар санитария ишловини ўтказиш учун мослаштирилган. Прицеп сув ҳавзаси ёнига жойлаштирилиб, палаткалар ўрнатилади(ечиниш-чўмилиш-кийиниш учун алоҳида палаткалар). Дезинфекция-душли мослама сувни иситиб, чўмилиш жойига етказиб беради, дезинфекция камерасида бир пайтнинг ўзида шахсий таркибининг кийимлари дезинфекция қилинади.

Армия

Армия ҳудудида барча тиббий муассасалар махсус армия тиббий бригадасига (АТБр) бирлаштирилган. Унинг таркибиғига қуйидагилар киради:

армия санитария-эпидемиологик отряди (СЭО), алоҳида тиббий отряд (АТО), тиббий аэромобил рота, кучайтирилган тиббий отряд, автосанитар рота.

Армия санитария-эпидемиология отряднинг бошлиғи(эпидемиолог-шифокор) армия тиббий бригадаси командирига бўйсунади, маҳсус масалалар бўйича армия (корпус) бош эпидемиологи топшириқларини бажаради. У отряднинг жанг майдонида ва армия ҳудудида эпидемияга қарши тадбирларни ташкиллаштиришга ва ўтказишга, қўйилган вазифаларни бажаришга жавоб беради.

Армия санитария-эпидемиология отряди ва армия тиббий батальони мутахассисларининг назорати остида қўйидаги обьектлар бўлади: армия бошқарув пунктлари жойлашган ҳудудлар ва армия таъминот базаси, ҳарбий автомобил йўллари, дала нонвой хоналари, тиббий эвакуация босқичлари, асиirlарни қабул қилиш ҳарбий пунктлари. Жанговар ҳаракатлар ўтказишга тайёргарлик даврида асосий эътибор тиббий хизматнинг турли бўғинларида ўтказиладиган эпидемияга қарши тадбирларни режалаштиришга, янги келган аскарлар ўртасида эпидемияга қарши тадбирлар ўтказишга, яралангандар ва беморлар ташиладиган асосий йўлларда санитария-эпидемиология разведка қилишга, жанговар шахсий таркибдагиларга санитария ишлови беришга ёрдам беради, тиббий эвакуация босқичларида эпидемияга қарши режимни назорат қиласи.

Армия санитария-эпидемиологик отряди қўйидаги вазифаларни бажаради:

- қўшинни ва улар жойлашган ҳудудларни кузатиш, у ерларда санитария-эпидемиологик разведка ўтказиш;
- қўшин шахсий таркибининг яшаш шароити, овқатланишининг ташкил қилиниши, сув таъминоти ва ҳаммол-кир ювиш хизматининг санитария-эпидемиологик назоратини қилиш;

- қўшинда юқумли касаллик ўчоқларини аниқлаб, тарқалишига йўл қўймаслик;
- бактериологик қуролнинг махсус индикациясини, биологик разведкани ўтказиш ва уни ташкил қилишда қатнашиш;
- озиқ-овқат ва сувнинг радиоактив моддалари, заҳарловчи ва кучли таъсир қилувчи заҳарли моддалар билан заарланганлигини экспертиза қилиш;
- ўта хавфли инфекциялар ўчоқларида обсервацион ва изоляцион-карантин тадбирларни ташкил қилишда иштирок этиш;
- қўшинда инфекция табиий ўчоқлари мавжудлиги ва фаоллигини аниқлаб, уларга қарши профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш;
- микробиологик, санитария-гигиеник, токсикологик ва радиометрик текширувларни ўтказиш;
- объектларда дезинфекция, дезинсекция, дератизация ўтказиш ҳамда эпидемик кўрсатмага биноан шахсий таркибга санитария ишлови бериш.

Хужум қилиш пайтида армия санитария-эпидемиологик отряди ва армия тиббий батальонининг асосий вазифаси қўшинлар ҳаракатланиш ҳудудида ва юзага келган эпидемик ўроқ жойлашган ҳудудда санитария-эпидемиологик разведка ўтказиш ҳамда эпидемияга қарши чора-тадбирни назорат қилиш ҳисобланади.

Ҳимояга ўтиш пайтида армия санитария-эпидемиологик отряди мутахассисларининг барча ҳаракатлари, қўшиндаги юқумли касалликлар ўроғини бартараф қилиш бўйича тадбирлар ташкил қилиш, уни ўтказиш, аҳоли орасида санитария-эпидемиологик разведка ўтказиш ҳамда ҳарбий қисм жойлашган ҳудудларда кузатув олиб боришга қаратилган бўлади.

Бўлимлари:

- лабораторияли санитария-эпидемиология бўлими;
- кўчма лаборатория
- изоляцион-карантин бўлими;

- санитария ишлов бериш взводи (бу санитария ишлов бериш ва дезинфекцион-дератизацион бўлимлардан ташкил топган);
- озуқа муҳитларини тайёрлаш бўлими ва виварий;
- алоқа бўлими ва электростанция.

Лабораторияли санитария-эпидемиология бўлимини отряд бошлиги ўринбосари ҳисобланган эпидемиолог бошқаради. Унинг қўл остида катта врач мутахассис (эпидемиолог), лаборатория бошлиғи (бактериолог), мутахассис-врач, радиолог- гигиенист, бактериолог-вирусолог, кимёгар-аналитик, лаборантлар (бактериология, радиология, гигиена, токсикология бўйича), кичик тиббий ҳодимлар (сан.инструкторлар, санитарлар, радиометристлар ва бошқалар) ишлайди.

Бўлим ҳарбий дала бактериологик лаборатория, радиологик лаборатория , санитар ва юк машиналари билан таъминланган.

Ҳар бир кўчма лабораторияда бошлиқ, мутахассис-шифокор, ўрта ва кичик тиббий ҳодим(бактериология, гигиена, радиология бўйича) фаолият кўрсатади..

Изоляцион-карантин бўлимда бошлиқ, мутахассис-шифокор, дезинфектор, ўрта (ҳамшира) ва кичик тиббий ҳодимлар ишлайди. Улар армия ҳарбий қисмларида ва бўлимларида изоляцион-чеклов тадбирларини ташкиллаштиради ва ўтказади. Бўлим санитар ва юк машиналари билан таъминланган.

Санитария ишлов бериш бўлимини командир бошқаради. Унинг қўл остида дезинфекторлар, санитарлар ва ҳайдовчилар ишлашади. Ушбу бўлимнинг вазифаси эпидемиологик кўрсатмаларга асосан ва душман томонидан бактериологик қурол қўлланган ҳолларда, тўлиқ санитария ишловини ўтказиш. Бўлим ДДА-З шатакка оладиган машинада, иситиладиган палатка, 2та сув иситиш қозони, электростанция, кўчма дезинфекцион-душли мосламалар билан таъминланган.

Дезинфекцион-дератизацион бўлимни командир бошқаради. Унинг қўл остида дератизаторлар ва дезинфекторлар ишлайди. Улар қўшин жойлашган жойда дезинфекция, дератизация ва дезинсекция ўтказишади (касаллик ўчоқларида ва профилактика мақсадида). Бўлим дезинфекцион автомобиллар ва юк автомашинаси билан таъминланган.

Озуқа муҳитларини тайёрлаш бўлимини бошлиқ бошқаради. Унинг қўл остида лаборант ва санитар ишлайди. Лабораторияларни озуқа муҳитлари ва кимёвий реактивлар билан таъминлайди. Виварийда қуёнлар (5 тагача), денгиз чўчқаси (30 тагача), лаборатория каламушлари (100 тагача) ва сичқонлари (1000 тагача) сақланиши мумкин.

Фронт

Фронт ҳудудидаги барча тиббий муассасалар фронт ҳарбий тиббий бошқармасига ва фронт госпитал базаси бошқармасига бўйсунади.

Фронт ҳарбий-тиббий бошқармасига фронт санитария-эпидемиологик отрядлари: литер “А”, литер “Б”; армиянинг тиббий бригадалари, изоляцион-карантин ўтказиш пунктлари бўйсунади. Фронт госпитал базаси бошқармасига барча ҳарбий- дала госпиталлари шу жумладан ҳарбий- дала инфекцион госпитали, ҳарбий- дала ўта хавфли инфекциялар госпитали ва санитария-эпидемиология бўлими бўйсунади.

Фронт санитария-эпидемиология отряди

Фронт санитария-эпидемиология отряди ихтисослаштирилган тиббиёт муассаса бўлиб, у қўшинда ва улар жойлашган ҳудудда санитария-эпидемиология назоратини, санитария-эпидемияга қарши ҳамда профилактик тадбирларни ташкил қиласди ва ўтказади, қўшиннинг оммавий қирғин куролларидан тиббий ҳимоясини амалга оширади ҳамда ҳарбий тиббий хизматнинг ва санитария-эпидемиология муассасаларининг фаолиятини назорат қиласди.

Фронт санитария-эпидемиология отряди фронтнинг мустақил қисми ҳисобланиб, у ўзининг штампи ва гербли муҳрига эга. Бу ерда ихтинослашган лаборатория текширувлари амалга оширилади ва қўшинни бактериологик куролдан сақлаш ва эпидемияга қарши ҳимоялашда маслаҳат ва услубий ёрдам бериш маркази ҳисобланади. Фронт санитария-эпидемиология отряди бошлиғи фронтнинг бош эпидемиологи ҳисобланади.Отряд таркибиға ташкилий-режалаштириш бўлими, материал- техник таъминот ва молиявий хизмат бўлимлари киради.

Отряд 6 та бўлимдан ташкил топган: эпидемиологик бўлим, микробиологик бўлим, гигиеник бўлим, озуқа муҳитлар (эритмалар) тайёрлаш бўлими,санитария ишлови бериш роталари ва таъминот қисмларидан.

Эпидемиологик бўлим - санитария-эпидемиология бўлинмаси, санитария-эпидемиологик разведка бўлинмаси , изоляцион-карантин бўлинмаси, санитария-назорат пунктлари ва маҳсус тиббий ёрдам гурухларидан ташкил топган.

Ҳар бир санитария-эпидемиология бўлинмасида бошлиқ (эпидемиолог-шифокор), катта мутахассис-шифокор , мутахассис шифокор, биолог (энтомолог), химик-аналитик, лаборант, санинструктор , ҳайдовчи бор.

Бўлим тиббий дала лабораторияси, юқ машинаси ва автобус билан таъминланган.

Санитария-эпидемиологик разведка бўлинмасини бошлиқ бошқаради.Унинг кўл остида мутахассис –шифокор, лаборант,санинструктор,ҳайдовчи бўлади.

Изоляцион-карантин бўлими таркиби : бошлиқ, мутахассис –шифокор, фельдшер, ҳамшира, дезинфектор, санитар ва ҳайдовчи мавжуд.

Ҳар бир санитария-назорат пунктида (СКП) : бошлиқ/фельдшер, санинструктор, ҳайдовчи бўлади. СКП, автойўллар , денгиз ва аэропортлариға жойлаштирилади.Санитария-назорат пунктлари инфекциянинг ташқаридан

фронтга ва фронтдан ташқарига ўтиб кетишига тўсқинлик қилувчи ҳимоя баръери ҳисобланади. Улар заарланган қўшинларни эпидемиологик жиҳатдан нохуш бўлган қўшинларни ушлаб қолади ва уларни махсус назорат (обсервация) ёки карантин ҳолатига ўтказади.

Махсус тиббий ёрдам гуруҳида бошлиқ, мутахассис-шифокор, катта ҳамшира, ҳамшира ва бошқалар ишлайди.

Микробиологик бўлим З бўлинмадан ташкил топган: бактериология, вирусология ва ўта хавфли инфекциялар бўлинмалари.

Бактериология бўлинмасида: бошлиқ, бошлиқ ўринбосари, катта мутахассис -шифокор, мутахассис- шифокор, лаборант (2 нафар), санитарка, ҳайдовчи бўлади.

Бўлим тиббий дала лабораторияси, тиббий музлаткич билан таъминланган.

Вирусология бўлинмасида қуидаги мутахассислар ишлайди: бошлиқ, катта мутахассис-шифокор, мутахассис-шифокор, лаборант (2 нафар), санитарка.

Ўта хавфли инфекциялар бўлинмасида ишловчи мутахассислар: бошлиқ, катта мутахассис- шифокор, зоолог-биолог (энтомолог), лаборант (2 нафар), санитарка, ҳайдовчи.

Гигиеник бўлим қуидаги бўлинмалардан ташкил топган: дала сув таъминоти бўлинмаси, радиологик бўлинмаси, токсикологик бўлинмаси, лаборатория бўлинмаси, радиометрик ва кимёвий лаборатория.

Дала сув таъминоти бўлинмасида бошлиқ, катта эксперт- шифокор, эксперт-шифокор, лаборант ишлайди.

Радиологик ва токсикологик бўлинмаларида ишловчилар: бошлиқ, катта эксперт-шифокор, эксперт-шифокор, лаборант, санинструктор- дозиметрист.

Лаборатория бўлинмаси қуидаги мутахассислардан иборат: бошлиқ, катта эксперт-шифокор, катта инженер, инженер, химик-аналитик, лаборант-шифокор, лаборант, санитарка, ҳайдовчи ва бошқалар.

Озуқа муҳити ва эритмалар тайёрлаш бўлими қуидаги бўлинмалардан ташкил топган: озуқа муҳити ва эритмалар тайёрлаш бўлинмаси, идишларни стерилизация қилиш бўлинмаси, тўқима культуралари лаборатория бўлинмаси ва виварий.

Озуқа муҳити ва эритмаларни тайёрлаш бўлинмасига бошлиқ раҳбарлик қиласи. Унинг қўл остида лаборантлар (2 нафар) ва санитарка ишлайди.

Стерилизация бўлимида қуидагилар ишлайди : бошлиқ (фельдшер), санинструктор, дезинфектор, санитарка. Бўлим стерилизация ва дистилляция қурилмалари билан таъминланган. Виварийда директор, дезинфектор, ҳайвонларга қаровчи ишчи ишлайди. Виварийдаги ҳайвонлар : каламуш (400 тагача), сичқонлар (5800 тагача), денгиз чўчкалари (25 тагача), қуёнлар (30 тагача).

Санитария ишлови бериш ротасида (командир, тарбиявий ишлар билан шугуланувчи ўринбосар, старшина, лаборант ишлайди. Санитария ишлови бериш ва дезинфекцион-дератизацион взводлардан ташкил топган.

Санитария ишлови бериш взводи ва дезинфекцион-дератизацион взводларда қуидаги мутахассислар ишлайди: взвод командири, бўлинмалар командирлари, санинструкторлар, дезинфекторлар, дератизаторлар ва ҳайдовчилар. ДДА-3 машиналари , юк машиналари билан таъминланган.

Таъминот қисмда автозвод, электротехник бўлинма, ошхона, омборхона, алоқа взводи ва тиббий пункт бор. Тиббий пунктда мудир, аптека бошлиғи, фельдшер, санинструктор, стоматолог-врач ва санитар ҳайдовчи ишлашади.

Изоляцион- ўтказиш пункти

Изоляцион- ўтказиш пункт (ИЎП) темир йўл станцияларида жойлашган. Тинчлик пайтида Темирйўл вазирлигига , уруш бошланган пайтда Мудофаа вазирлигига бўйсунади. Улар ҳаракатланаётган ҳарбийлар учун тиббий-санитария ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни бажаради. Улар 1 соатда 100, 200, 400, 500, 600 нафар одамни ўтказа олиш имкониятига эга.

Уларнинг алмашинув фондида 10 000 – 11 000 комплект ички кийимлар мавжуд. Пунктда қуидаги хоналар бор: дезинфекцион камерали санитария ўтказгич хонаси, кир ювиш хонаси, изоляторли тиббий пункт, ошхона ва бошқалар.

Изоляцион- ўтказиш пункти қуидаги вазифаларни бажаради : темир йўл орқали ўтадиган кўшинларни тиббий- санитария кўригидан ўтказиш; инфекцион bemorларни аниқлаш, уларни алоҳидалаш (изоляция) ва кейин госпитализация қилиш; мулоқатда бўлганларни аниқлаш, уларнинг устидан тиббий назорат ўрнатиш; 6 суткадан кўп йўлда юрган бўлса, кўшиннинг чўмилишини таъминлаш; вагонларда дезинфекция , дезинсекция ,дератизация ўтказиш; амбулатор ёрдам кўrsатиш; лозим бўлганда ҳарбий эшелонни кузатиб бориш учун тиббий ходим ажратиш : агар эшелон йўлда 3 суткадан кам юрадиган бўлса ёки эшелонда 300 нафардан кам одам бўлса, 1 та фельдшер ажратилади, агар йўлда 3 суткадан кўп юрилса ёки 300 нафардан кўп одам бўлса, врач ажратилади.

Фронт госпитал базасининг (ФГБ) санитария-эпидемиология бўлими

ФГБ санитария-эпидемиология бўлимини бошлиқ, врач эпидемиолог бошқаради, унинг қўл остида қуидаги мутахассислар ишлайди: катта

эпидемиолог-шифокор, токсико-радиолог, гигиенист, бактериолог-вирусолог, химик-аналитик, ўрта ва кичик тиббий ходимлар.

Бўлим автолаборатория (АЛ-4), ҳарбий тиббий лаборатория, дала тиббий лабораторияси (ДТЛ) билан таъминланган.

Тиббий хизмат ҳар бир алоҳида вазифани фронт орқасидаги захирадаги кучлар ва шу соҳадаги бошқа бажарувчилар билан бирга амалга оширади бу эса санитария-эпидемияга қарши (профилактик) тадбирларни белгилаб олишга қўшиннинг эпидемияга қарши ҳимояга тўлиқ эришишига ёрдам беради.

Санитария-эпидемиология қисмларнинг асосий вазифалари ва ишлаш принциплари

Санитария-эпидемиология бирлашмасига санитария-эпидемиология взводи (СЭВ) парашют- десант полклари, санитария-эпидемиология бригадалари ва дивизия санитария-эпидемиология лабораторияси (СЭЛ) киради.

Санитария- эпидемиология бирлашмасининг вазифалари : санитария-эпидемиологик назорат ўрнатишга, қўшинда санитария-эпидемиологик (профилактик) тадбирларни ўтказишга ва уларни режалаштиришга ҳамда амалга оширишга мўлжалланган.

Санитария-эпидемиология бирлашмаси қуйидагиларни бажаради:

- Қўшиннинг жанговар ҳаракатланиш майдонида ва қўшин жойлашган ҳудудларда санитария-эпидемиологик разведка ўтказиш;
- Биологик разведка ўтказища қатнашиш (синамаларни олиш, биологик моддаларнинг маҳсус индикацияси);
- Ҳарбий қисмда, қўшиннинг жанговар ҳаракатланиш ҳудудларида, қўшин жойлашган ҳудудларда, уларнинг ҳаракатланиш ва эвакуация

йўлакларида санитария-гигиеник , санитария- эпидемиологик ва биологик вазиятни ўрганиш;

- Шахсий таркиб жанговар қобилиятига, соғлигига радиацион, кимёвий омилларнинг таъсирини ўрганиш ва уни баҳолаш;
- Ҳарбий қисм учун санитария-эпидемиологик (профилактик) тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;
- Кўшиннинг шахсий таркиби ядро, кимёвий ва биологик куроллардан шикастланишининг профилактикаси бўйича тиббий тадбирларни режалаштиришда қатнашиш;
- Ҳарбийларнинг меҳнат қилиш, яшаш, овқатланиш шароитлари, сув таъминоти ва ҳаммол- кир ювиш хизматлари устидан санитария-эпидемиология назоратини амалга ошириш;
- Микробиологик, гигиеник, токсикологик ва радиологик текширувларни ўтказиш;
- Биологик моддалар махсус индикациясининг биринчи босқичини ўтказиш;
- Сув ва озиқ-овқат моддаларининг сифатини ва истеъмолга яроқлилигини аниқлаш учун уларнинг гигиеник экспертизасини ўтказиш ;
- Биологик заарланиш ҳолатлари ва юқумли касалликлар ўчоқларида уларнинг тарқалиб кетишини чегараловчи тадбирларни ташкил қилишда ва ўтказишида қатнашиш;
- Ҳарбий қисмларнинг тиббий хизмати ва бошқа бўлимларнинг санитария-эпидемияга қарши (профилактик) тадбирларни ташкиллаштиришини ва ўтказишини назорат қилиш, бу борада уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;
- Эпидемик кўрсатмаларга кўра қўшинда санитария ишловини ва дезинфекцион тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш;

- Ҳарбий қисм шахсий таркибини гигиеник тарбиялаш ҳамда уларни ўқитишни ташкил қилиш ва ўтказиш.

Санитария-эпидемиологик бўлимларни ишлатиш тартиби ягона қабул қилинган тамойиллар асосида амалга оширилади, уларнинг асосийлари қуидагилар:

- Бўлимларни ишлатиш қўшиннинг жанговар тузилиши, жанговар ҳаракатлар характери ва хусусиятларига ,ҳарбий қисмлар захираси ва тиббий таъминотининг ташкил этилишига мос ҳолда олиб борилиши;
- Санитария-эпидемиология кучлари ва имкониятларини қўшинларга ва улар жойлашган ҳудудларга иложи борича яқинлаштириш;
- Асосий вазифаларни бажарувчи қисмлар шахсий таркибининг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор бериш;
- Биологик қурол қўлланганда ва эпидемик ўчоқларда ишлашга доимо тайёр бўлиш;
- Ҳарбийлар захирасини яратиш ва уни ўз вақтида тўлдириш, тўсатдан юзага келадиган фавқулотда ҳолатларда, уни бартараф қилиш учун уларнинг тайёрганини таъминлаш.

Ҳарбий-дала госпиталлари

Ярадорларга ва касалларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг хаётини сақлаб қолиш ҳамда жанговар ва меҳнат қобилиятини тиклаш бўйича тадбирлар ташкил қилиш, уларни ўтказиш тизимида соғлиқни сақлаш вазирлиги захира госпиталлари асосий ўринни эгаллайди.

Уруш пайтида яраланганлар ва беморларни захира госпиталларига эвакуация қилиш деганда, эвакуация учун яраланганлар ва беморларни саралаш, уларни тайёрлаш ва транспорт воситасига олиб чиқиш, йўл давомида уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, буюрилган пунктда транспорт воситасидан олиб

тушиш ва захира госпиталларига жойлаштириш бўйича ташкилий, тиббий ва техник тадбирлар комплекси тушунилади.

Фронт госпитал базаларидан, мамлакат ичкарисидаги (тыловой) госпиталларга, одатда даволаш тугагандан кейин ҳарбий хизматга қайтаолмайдиган, даволаниш муддатидан қатъи назар, узоқ вақт даволаниши керак бўлган ярадорлар ва bemorlar evakuatsiya qiliлади.

Мамлакатнинг ички ҳудудларидағи госпиталларга ярадорлар ва bemorларни тиббий эвакуация қилиш ҳажми ва муддати на фақат урушдаги санитар йўқотишлар катталигига балки фронтдаги вазиятга, мамлакат ичидаги госпиталлардаги койкалар сонига, уларнинг ҳолатига, транспорт коммуникация имкониятига, эвакуацион имкониятларга ва бошқаларга ҳам боғлиқ.

Хозирги шароитда ядро қуроллари қўлланадиган урушларда захира госпиталларига ярадорлар ва bemorларнинг ўртача 30 - 45 % эвакуация қилилади.

Фронт госпитал базасидан, мамлакат ичкарисидаги захира госпиталларга ярадорлар ва bemorларни эвакуацияга тайёрлаш муддати яраланиш оғирлигига, bemorларни эвакуацияга тайёрлаш учун кетган вақтга, эвакуация қилиш учун фойдаланиленидиган транспорт воситалари турига боғлиқ ҳолда аниқланади. Эвакуация қилинадиган bemorларнинг кўпчилиги фронт госпитал базасига келгандан кейин 5-7 кунда фронт ҳарбий санитария поездлари орқали эвакуация қилинади, агар авиацион транспортлар ишлатилса 2-3 кунда эвакуация қилинади.

Барча типдаги госпиталларда ўринлар сони жангчилар умумий сонининг 20 % га мўлжалланади, уларнинг 3-5 % ҳарбий - дала инфекцион госпиталига ва ҳарбий дала ўта хавфли инфекцион госпиталига мўлжалланади.

Ҳарбий-дала инфекцион госпитали одатда, фронтнинг олдинги ҳудудида 200 ўринга, захира ҳарбий дала инфекцион госпитали эса 300 ўринга (100 та

ўрин тери-таносил касалликлари бўлимига ажратилади) мўлжалланади . Госпитал туберкулёз бўлимида, сил касалларни ҳам даволаш амалга оширилади.

Ҳарбий-дала инфекцион госпиталини бошлиқ, инфекционист-шифокор бошқаради. Уларнинг қўл остида - тарбиявий ишлар бўйича ўринбосар, тиббий қисм бошлиғи, молиявий ва моддий таъминот бошлиғи ва бошқалар ишлайди. Битта госпиталда ўртача 100-160 нафар кишилар ишлайди.

Ҳарбий-дала инфекцион госпитали беморнинг тузалиш муддати ва кейинчалик ишга яроқлилигидан қатъий назар кўплаб инфекцион беморлар учун эвакуациянинг охирги босқичи ҳисобланади. Бу госпитал, госпитал базада да эпидемияга қарши тадбирлар ўtkазишга, эпидемик ўчоқни чегаралаш ва йўқотишга, ҳарбий дала госпиталининг эпидемияга қарши қатъий режимига ўtkазилишида услубий ёрдам кўrsatiшга жалб қилиниши мумкин. Ўта хавфли юқумли касалликлар пайдо бўлганда ҳарбий –дала инфекцион госпитали ҳарбий дала ўта хавфли инфекцион госпитали сифатида ишлатилиши мумкин.

Ҳарбий-дала инфекцион госпитали таркибига қўйидагилар киради :

– Бўлимлар: қабул-диагностика, 2 та инфекцион, туберкулёз бўлимлари, тиббий реабилитация, анестезиология ва интенсив терапия, физиотерапия, ультратовуш текширув хонаси билан рентген бўлими, лаборатория, дезинфекцион бўлим;

– Хоналар: рентген, стоматология, гемосорбция, функционал диагностика.

Госпитал қабул-диагностика бўлимида ҳар хил юқумли касалларни, жумладан, сил касаллиги билан келган беморларни алоҳида қабул қилиб, санитария ишлови бериш ташкил қилинади.

Барча госпиталлар 6 та кўчма ва 3 та захира госпитал базаларига ажратилган бўлиб, улар ҳар 100 км масофада жойлашади ҳарбий-дала инфекцион госпитал ва ўта хавфли юқумли касалликлар ҳарбий дала инфекцион госпиталлари , эвакуация пайтида йўлда беморларга маҳсус тиббий ёрдам

кўрсатишга мўлжалланган. Бу госпиталларда беморлар тўлиқ даволангунча бўладилар.

Ҳарбий-дала инфекцион ва ўта хавфли ҳарбий – дала инфекцион госпиталлари тиббий эвакуациянинг охирги босқичи ҳисобланади.

Қабул қилиш ва саралаш бўлимида барча қабул қилинган беморлар куйидаги гурухларга ажратилади:

1) Аниқ ташхис қўйилган ва бу ташхис госпитал профилига тўғри келади(бу bemорларга даволаш бўлимига йўлланма берилади);

2) Ташхис қўйилган, лекин бу ташхис ушбу госпитал профилига мос келмайди (бу bemорлар изоляторга жойлаштирилади ва иложи борича тезроқ ўзига мос келадиган госпиталга жўнатилади);

3) Ташхис қўйилмаган (бемор қабул қилиш ва саралаш бўлимида якуний диагноз қўйилгунга қадар қолдирилади);

4) Тери-таносил касаллиги билан келган bemорларга (захира госпитал базасидаги ҳарбий дала инфекцион госпиталининг тери-таносил касалликлари бўлимига йўлланма берилади).

Ҳарбий-дала инфекцион госпиталнинг вазифалари :

1. Ҳарбий дала инфекцион госпитали жойлашган худудда санитария-эпидемиологик разведка ўтказиш.

2. Госпиталнинг 10-12 км радиусли масофасида эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш.

3. Инфекцион bemорларни ўз вақтида госпитализация қилиш.

4. Беморларни тез ва тўлиқ даволаш.

5. Бактерия ташувчиларни аниқлашда ва уларни даволашда иштирок этиш.

6. Биологик қурол ўчоқларини бартараф қилишда иштирок этиш.

Ҳарбий дала ўта хавфли инфекцион госпитал 100 та ўринга мўлжалланган. Ҳарбий дала ўта хавфли инфекцион госпитали ўта хавфли

инфекцияли беморларни (ўлат, вабо, чечак) даволашга мўлжалланган. Бу госпиталга ҳам биологик қуролдан зарарланиш ўчоғи худудида эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш юклатилган. Госпитал алоҳида бир турдаги ўта хавфли инфекцияга ихтисослашган бўлади. Госпитални ўта хавфли инфекция бўйича шифокор бошқариб, унинг тарбиявий қисм бўйича, молиявий ва моддий таъминот ва даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари бор. З та бўлимдан ташкил топган : 20 ўринли қабул – диагностик (камида 10 та боксгача кенгайтирилади), 40 та ўринли 2 та даволаш бўлими, лаборатория, рентген хонаси, дорихона.

Госпитал штатида 12 та шифокор : бактериолог, вирусолог, рентгенолог, ўта хавфли инфекциялар бўйича инфекционист, жами 90 нафар одам ишлайди.

Госпитал худудида ташқи ва ички қўриқлаш қисмлари бўлиб, госпитал худуди “тоза” ва “ифлос” худудларга ажратилган. Ташқари билан алоқа маҳсус ўтказувчи пунктлар орқали амалга оширилади.

Тиббий ходимлар ўлатга қарши кийимда ишлашга доимо машқ қиласидар ва улар учраши мумкин бўлган юқумли касалликларга қарши эмланади. Госпиталга юқори малакали тиббий ходимлар жалб қилинади.

Мурдалар госпитал худудида маҳсус ажратилган жойга кўмилади. Қабр 1 метрдан кам бўлмаган қилиб қазилади тубига 10 см қалинликда куруқ хлор оҳаги солиниб, мурда одеял билан ўралиб, 10 % ли хлорли эритма билан хўлланади. Мурда устидан ҳам 10 см қалинликда куруқ хлор оҳаги солинади ва кўмилади. Агар имкони бўлса, мурдани хавфсизлик қоидаларига амал қилиб, ёқиб юборилади. Мурда кўмилган жой, албатта, худуд харитасида кўрсатилади.

Кўшинда санитария-эпидемияга қарши (профилактик) тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш

Санитария-эпидемияга қарши (профилактик) тадбирлар шахсий таркиб орасида инфекцион ва ноинфекцион касалликлар тарқалишининг олдини олиш,

пайдо бўлган тақдирда эпидемик ўчоқни чегаралаш ва уни бартараф қилиш мақсадида ташкил қилинади ва ўтказилади.

Санитария-эпидемияга қарши (профилактик) тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш қонунга биноан барча командирлар ва хизмат бошлиқларининг (таминот, моддий, радиацион, кимёвий ва биологик ҳимоя, муҳандислик, тиббий ва бошқалар) мажбурияти ҳисобланади.

Санитария-эпидемияга қарши (профилактик) тадбирлар таркиби, ҳажми ва вақти, эпидемиологик вазиятга, ҳарбий қисмлар ва улар жойлашган худудларнинг санитария-гигиеник ва санитария-эпидемиологик ҳолатига, шахсий таркибнинг соғлиғи ва жанговар қобилиятига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Кўшинда санитария-эпидемияга қарши (профилактик) тадбирлар куйидагиларни ўз ичига олади:

- Юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва авж олишининг олдини олиш;
- Биологик қурол ўчоқлари ва эпидемик ўчоқларни чегаралаш ҳамда бартараф қилиш;
- Кўшиндан инфекциянинг назоратсиз тарқалиб кетишининг олдини олиш.

Ушбу тадбирлар қўшинни эпидемиядан ҳимоялаш, қўшинда қониқарли эпидемиологик вазият яратиш ва сақлаш мақсадида ўтказилади. Бу мақсадга эришиш учун 3 та масалани ҳал қилиш керак:

- Ҳарбий жамоага юқумли касалликлар киришининг олдини олиш (янги келаётган аскарлар орқали, қўшни қисмлардан, маҳаллий аҳолидан, душман қўшинидан, табиий ўчоқлардан);
- Ҳарбий жамоага ички инфекция манбаларидан инфекцион касалликлар пайдо бўлиши, ривожланиши ва тарқалишининг олдини олиш;

- Ҳарбий жамоада инфекцион касалликлар ўчоқлари юзага келганда уларни чегаралаш ва йўқотиш ҳамда инфекциянинг назоратсиз ўчоқдан ташқарига чиқиб кетишининг олдини олиш.

Қўшинда профилактик тадбирларни режалаштириш

Қўшинларда юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар, ушбу касалликларнинг қўшин жойлашган ва ҳарбий вазифани бажараётган худудда барқарор санитария-эпидемиологик ҳолатни сақлаш учун қилинадиган тадбирлар мажмуавий режаси асосида ўтказилади.

Бу режалар ҳарбий округ тиббий хизмати, флот, бўлинмаларнинг тиббий хизмати томонидан санитария-эпидемиология ташкилотлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилади, санитария-эпидемиологик вазиятга қараб ушбу режага ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Комплекс режада қилинадиган тадбирлар, бажарувчи маъсул шахслар, бажариш муддатлари кўрсатилади. Режада қуйидаги бўлимлар бўлади:

- Ташкилий тадбирлар;
- Кадрлар тайёрлаш;
- Профилактик тадбирлар;
- Инфекцион ва ноаниқ этиологияли инфекцион касаллик белгилари билан bemorlar келганда, эпидемияга қарши тезкор тадбирлар.

Комплекс режа қуйидагиларни бажаришни тақозо қиласди:

- Ўта хавфли ва юқумли инфекция ёки унга шубҳа бўлганда юқори ташкилотга хабар бериш тартибига риоя қилиш;
- Беморни (гумондаги) госпитализация қилиш учун стационар танлаш ва уларни транспортировка қилиш тартиби;
- Диагностик текширувлар ўтказиш учун лаборатория базасини аниқлаш;

- Ўчоқда ишлаш учун ходим ажратиш ва тайёрлаш ҳамда мутахассис-маслаҳатчилар таркибини белгилаш;
- Даволаш, профилактик, диагностик, дезинфекцияловчи воситалар ва химоя кийимлари захирасини белгилаш ва таъминлаш;
- Морг учун жой белгилаш;
- Транспорт билан таъминлаш;
- Ходимлар учун яшаш жойи ажратиш;
- Беморлар ва улар билан мулоқатда бўлганларни озиқ-овқат билан таъминлаш;
- Ўчоқни чегаралаш ва бартараф қилиш бўйича барча тадбирларни моддий таъминлаш;
- Шахсий таркибни профилактик эмлаш ва улар устидан тиббий назорат ўрнатиш;
- Ўчоқдаги тадбирларни бошқариш (тиббий штаб, фавқулотда эпидемияга қарши кураш комиссияси);
- Шахсий таркиб орасида санитария-оқартурв ишлари.

Ҳар бир гарнizonда (ҳарбий қисмда, муассасада) инфекцион ва ноаниқ этиологияли инфекцион касаллик белгилари билан bemорлар пайдо бўлганда, касалликнинг олдини олиш ва уни бартараф қилиш тадбирлар режаси ишлаб чиқилади ва командир томонидан тасдиқланади.

Биологик қуроллар. Биологик қуролдан химоя қилиш асослари.

Биологик-бактериологик разведка.

Биологик қуролни яратишга кетадиган маблағлар катта эмас, сабаби бунинг яратилишига қиммат технологиялар ишлатилмайди, уни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ашё ва ускуналарни дунё бозоридаги очиқ савдода топиш мумкин. Шу сабабли биологик қурол энг хамёнбоб десак

муболаға бўлмайди. Бу ҳолат дунё ҳамжамиятида ва ҳарбий мутахассисларда катта қизиқишига сабаб бўлди, чунки бу турдаги қуролни экстремистик ташкилотлар, АҚШ экспертларининг фикрича, Ироқ, Ливия ва Яқин Шарқнинг 10 та мамлакатлар раҳбарлари ҳам қўллаши эҳтимоли борлиги аниқланган.

Иккинчидан, биологик қуролни билинтиrmай ва тўсатдан ишлатиш имкони борлиги, касаллантириш самараси юқорилиги, тезда тарқалиши мумкинлиги, таъсири узоқ давом этиши, ушбу қуролдан фойдаланиш қулай эканлигини билдиради.

Учинчидан кўзга кўринар зарранинг мавжуд эмаслиги, катта психологик самара бериши.

Ва ниҳоят – халқаро шартномаларда биологик қуролни ишлатиш таъқиқланганлиги “четлаб” ўтилиши.

Биологик қурол тўғрисида тушунча

Замонавий тушунчада биологик қурол бу- оммавий қирғин қуролларидан (ОҚҚ) бири бўлиб, одамлар, чорвачилик ҳайвонлари ва ўсимликларга миркоорганизмлар ёки вирусларнинг хавфли таъсири натижасида катта худудларда қисқа вақт давомида тарқалади.

Замонавий биологик қурол бу –биологик қурол тўлдирилган маҳсус жанг бомбалари, ракеталар, миналар бўлиб, одамларга, ҳайвонларга ва ўсимликларга зарар етказувчи, шахсий таркибни ишдан чиқариш ва мамлакат ҳудудига экологик зарар етказиш учун мўлжалланган.

Одамларнинг биологик моддалар билан заарланиши нафас йўллари, ошқозон-ичак йўли, шиллик пардалар, шикастланган тери орқали ва бўғим оёқлилар чақиши натижасида юзага келиши мумкин.

Биологик қуролнинг заарловчи таъсири қўйидагиларга боғлиқ: биологик табиати, яширин даври, талофат бериш оғирлиги, оммавий тарқалиш хусусияти, атроф муҳитга мослашуви ва б.к.

Биологик табиатига кўра (микроорганизмларнинг катта-кичиклиги, уларнинг тузилиши ва хусусияти) биологик моддалар қўйидаги гурухларга бўлинади:

- бактериялар – вабо, ўлат, куйдирги, туляремия, бруцеллёз, мелиоидоз, легионеллез ва б.к.;
- вируслар – чинчечак, сариқ иситма, отларнинг венесуэла энцефаломиелити, Денге, Эбола, Марбург, Ласса иситмалари;
- риккетсиялар – тошмали тиф, цуцугамуши иситмаси, Ку-иситмаси ва бошқалар,
- замбуруғлар - кокцидиоидомикоз, бластомикоз, гистоплазмозлар;
- бактериал ва ўсимлик токсинлари –ботулизм токсини, стафилококк токсини, шигатоксин ва б.к.

Чорва ҳайвонларни қириш учун қорамол тоуни, чўчқа ва қуш тоунинг кўзғатувчиси, чўчқалар африка иситмаси, қўйчечаги, сибир яраси ва бошқа касалликлар кўзғатувчилари ишлатилиши мумкин.

Кишлоқ хўжалик экинларини заарлантириш мақсадида донли ўсимликлар занги, картошканинг фитофторози, гуруч пирикуляриози, шакар қамиш ва ғўзанинг гоммозаси ва бошқалар ишлатилиши мумкин.

Инкубацион (яширин) даврнинг муддатига қараб биологик моддаларни учта гурухга ажратиш мумкин :

- тез таъсир этувчилар – заарланиш самараси биринчи кундаёқ бўладиган (ботулизм токсини ва бошқа токсинлар);
- секин таъсир этувчилар – 2-5 кунда заарлантирувчилар (ўлат, сибир яраси, туляремия, отлардаги венесуэла энцефаломиелит, сариқ иситма, сап, мелиоидоз кўзғатувчилари);

– кеч таъсир этувчилар – қўлланилгандан сўнг касалликнинг биринчи белгилари 5 ва ундан қўпроқ кунлардан сўнг кузатилади (брүцеллёз, эпидемик тошмали тиф, чинчечак, Ку-иситмаси, геморрагик иситма).

Заарлантириш натижасига қараб биологик моддалар ўлимга олиб келувчи ҳамда вақтинча иш қобилиятини пасайтирувчи турларга бўлинади. Ўлимга олиб келувчиларга ўлат, сибир яраси, сариқ иситма, чинчечак, тошмали тиф қўзғатувчилари, ботулизм токсинини киритиш мумкин. Вақтинча иш қобилиятини пасайтирувчи турларига жанговар қобилиятнинг вақтинча йўқолишига сабаб бўлувчи қўзғатувчилар кириб, уларнинг таъсирида 1-5 % ўлим кузатилиши мумкин, буларга отларнинг венесуэла энцефаломиелити, Ку-иситмаси, брүцеллёз қўзғатувчилари, стафилококли энтеротоксин ва бошқалар киради.

Юқорида кўрсатилган қўзғатувчилар билан заарланган шахсий таркиб, аксарият ҳолларда хизматга қайтади, лекин ўта хавфли қўзғатувчилар билан заарланганлар тузалиши учун кўп вақт талаб этилади (10 кундан бир ойгача).

Оммавий қирғин келтириш хусусияти бўйича (эпидемиявийлиги) биологик моддалар иккита грухга бўлинади: контагиоз ва ноконтагиоз касаллакларни келтириб чиқарувчилар. Биринчи грухга ўлат, чинчечак, геморрагик иситманинг бир-неча турлари қўзғатувчилари, иккинчи грухга ботулизм ва бошқа токсинлар, туляремия қўзғатувчиси, сап, мелиоидоз, брүцеллёз, сибир яраси, Ку-иситмаси қўзғатувчилари киради.

Ташқи муҳитда яшаш қобилиятини сақлаб қолиш кўрсаткичи бўйича биологик моддалар учта грухга бўлинган:

- кам чидамли (1-3 соат) – ўлат қўзғатувчиси, отларнинг венесуэла энцефаломиелити, сариқ иситма қўзғатувчиси, ботулотоксин;
- ўртacha турғун (24 соатгача) – сап, мелиоидоз, брүцеллез, туляремия, тошмали тиф, чинчечак қўзғатувчилари;

– чидамли, турғун(24 соатдан кўп) – сибир яраси ва Кү- иситмаси кўзғатувчилари.

Кўп ҳолларда биологик моддалар сақлаш жараёнида, ташишда харбий ҳаракатлар давомида ташқи муҳит омилларига чидамсиз бўлади, бундай биологик қуроллар маҳсус тайёрланган биологик рецепторлар (БР) кўринишида ишлатилиши мумкин

Ҳар бир биологик рецепторлар таркибида учта нарса бўлиши керак: биологик агент, озуқа муҳити ёки унинг қолдиқлари ва биологик қурол чидамлилигини таъминловчи кўшилма (аминокислоталар, шакар, полипептидлар ва бошқалар), бу кўшимчанинг мақсади ташқи муҳитда турғунлик даражасини кучайтириш ҳамда кўзғатувчининг яшаш муддатини узайтириш. Биологик рецептурулар суюқ ва қуқунсимон бўлиши мумкин. Қуқунсимон рецептура сақлаш учун чидамли бўлса, суюқлик қўринишидагиси эса ўз навбатида харбий ҳаракатлар учун қулай. Рецептурадан ташқари биологик қуролни етказиб бериш воситалари ҳам бор (снарядлар, бомбалар, ракеталар, кассеталар).

Биологик қурол сақланадиган мосламалар портлаши натижасида бирламчи аэрозол ҳосил бўлади, ушбу аэрозол шамол ҳаракати бўйлаб заарлаш ўчоқлари ҳосил бўлади. Ушбу аэрозолдан чиқиб майда моддачалар ерга тушади ва ўзининг заарлаш хусусиятларини йўқотмай тупроққа, сув манбаларига, ҳарбий техникага ва бошқа предметларга тушиб уларни заарлайди ва улардан одамларга юқади. Баъзи ҳолларда, масалан шамол эсиши натижасида, чанг ҳосил бўлиши билан бирга биологик моддалар яна ҳавога кўтарилиши оқибатида иккиламчи аэрозол пайдо бўлади.

Биологик қуролнинг ҳарбий мақсадларда қўлланилиши “биологик уруш” деб ҳам аталади. Сўнгги йилларда биологик агентлар билан боғлиқ бўлган яна бир термин “биологик терроризм” термини пайдо бўлди. Биологик терроризм деганда патоген микроорганизмни онгли, мақсадли,

режалаштирилган холда бирор бир манзилга нисбатан қўллаш тушунилади. Биологик терроризм айрим кишилар томонидан мустақил равишда, катта гуруҳлар томонидан баъзида давлат даражасидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Биологик терроризм ва биологик уруш муаммолари ўртасида ўзаро ўхшашлик ва яқинлик мавжуд. Биологик уруш- бу кенг қамровли, аввалдан режалаштирилган инфекцион касалликлар қўзғатувчиларининг кўлланилиши бўлиб, одамлар популяциясини заарлантириш, уларнинг жанговарлик ҳолатини пасайтириш, ҳарбий қўшинлар фаолиятини пасайтириш, каби стратегик мақсадларни кўзлади.

Биологик терроризм эса белгиланган шахсларга ёки гуруҳларга каратилган бўлиб, унинг олдига қўйган мақсади бу қўрқитиш ва шантаждир. Бу ҳолат нафақат заарланганлар учун балки уларнинг атрофидагилар учун ҳам хавф яратади.

Бактериологик қуролнинг хусусиятлари:

- қуролнинг обьектларга танлаб таъсир қилиши (масалан, фақат одамга, ҳайвонга, ўсимликларга);
- химояланмаган шахсий таркибнинг аксарияти кўпчилигига ўлим ҳолларини чақириши ёки жанговаликни йўқотишга олиб келиши;
- кам миқдорда ишлатилиб, катта заар бериш самараси борлиги;
- катта ҳудудларда одамлар, ҳайвонлар, ва ўсимликларни заарлантириш;
- ўта контагиозлик, эпидемиялар чақириш хусусияти;
- одам, ҳайвон ва ўсимликларда етарли вақт давомида сақланиб, уларни заарлаш даражасини сақлаб қолиш;
- биологик қуроллар таъсир этиш муддатини заарланган кон сўрувчи тарқатувчилар орқали, табиат ва об-ҳаво шароити орқали, ҳамда инфекцияни ушбу тарқатувчилар ўз авлодларига юқтириш туфайли узайтириши;

- сезиш органларига биологик курол таъсир кўрсатмаслиги;
- маҳсус индикациясининг мураккаблиги;
- одамларда кучли психологик таъсири;
- заарлантириш таъсири даражасининг метеорологик ва топографик шароитларга боғлиқлиги;
- бактериологик аэрозолларининг герметизацияланмаган обьектларга кириб бориши (харбий техника, ҳимоя иншоотлари, транспорт воситалари, турар жой ва ишлаб чиқариш биноларига).

Биологик заарланиш ўчоги – душман бактериологик қуролининг таъсир этиши натижасида шахсий таркиб, аҳоли, қишлоқ хўжалик моллари ва ўсимликларнинг оммавий заарланиши юз берадиган ҳудуддир.

Техник воситалар ёрдамида аэрозол булутларни ҳосил қилишда куйидагилардан фойдаланиш мумкин: ракеталар, бомбалар, снарядлар, миналар ва ҳ.к. Булардан ташқари, техник воситаларга яна самолёт, кемалар, машиналарга ўрнатилган турли механик генераторлар ва сепувчи қурилмалар ҳамда заарлантирилган кемирувчилар ва бўғимоёқлилар жойлаштирилган контейнерларни ҳам киритиш мумкин.

Алоҳида касалликлар қўзғатувчиларини ўрганиш билан бир қаторда, америкалик мутахассислар томонидан комбинациялаштирилган, яъни, таркибида бир неча қўзғатувчиларни тутган бактериал рецептураларни яратиш устида ишлар олиб борилмоқда. Бу соҳада грипп қўзғатувчисининг куйдирги ёки ўлат қўзғатувчилари билан комбинацияси, пситтакоз қўзғатувчиси ва Венесуелла энцефаломиелити қўзғатувчиларининг комбинацияси энг самарали ҳисобланади.

Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилган жойларда ўқдори портлаши ёки бактериал рецептураларнинг бошқа йўллар билан тарқатилиши натижасида ўша жойларда заарланган ўчок ҳосил бўлади.

Бирламчи аэрозоллардан биологик рецептураларни ўзида тутган қисмлар ерга чўкади. Бир қатор ҳолатларда бу қисм (частица)лар ер юзасига ўтирганидан кейин ҳам заарловчи таъсирини йўқотмайди ва аэрозол булатининг тарқалиш йўли бўйлаб жойлашган тупроқ, сув манбалари, жанговар техника, кийим-кечаклар ва бошқаларни заарлайди.

Заарланган жойларнинг (участкаларнинг) хавфлилик даражаси биологик агентнинг чидамлилиги, метеорологик шароит ва жойнинг характеристи (рельеф, тупроқ, ўсимликлар) билан боғлиқ.

Шундай қилиб, бактериологик заарланиш ўчоғи бўлиб заарли аэрозолни ўзида тутган ҳаво қатлами ва аэрозол булат учиб ўтган худуд (унда жойлашган одамлар, ҳайвонлар, жанговар техника, транспортлар, иншоотлар ва бошқа предметлари билан) ҳисобланади.

Заарланиш ўчоғидаги шахсий қисм таркиби потенциал заарланганлар ҳисобланадилар. Организмга биологик аэрозол кириши натижасида касал бўлганлар ва ундан заарланган шахслар ҳам потенциал заарланган ҳисобланади.

Кишиларнинг заарланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда, санитар йўқотишларни икки тоифага бўлиш мумкин: бирламчи ва иккиламчи.

Бактериологик қурол ўчоғида бирламчи санитар йўқотишлар бўлиб, бирламчи заарли аэрозолларни ҳаво орқали юқтириб туфайли заарланганлар ҳисобланади. Иккиламчиси эса – иккиламчи аэрозол юқтиришлар туфайли заарланганлар, заарланган обьектлар билан мулоқатда бўлганлар ёки сувни истеъмол қилганлар, заарланган обьектлар билан мулоқатда бўлганлар ёки контагиоз инфекцияли bemorлардан инфекция юқтирганлар ҳисобланади.

Биологик қуроллар заарли таъсирининг ўзига хос хусусиятлари

Биологик қуроллар бошқа оммавий қирғин қуролларидан бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласиди. Бу биринчи навбатда бошқа турдаги қуроллар орқали кишиларга етказиладиган талофатларга қараганда ҳам қўпроқ ва кенгроқ майдондаги ҳимоясиз кишиларга зарар етказиш хусусияти билан ифодаланишидир. Бу шундай тушунтириладики, биологик воситалар жуда кичик концентрацияда ҳам зарар етказа олади ва катта ҳудудларга тарқалади. Битта самолёт ёки ракета ёрдамида минглаб квадрат километр ҳудудларни зарарлаш мумкин.

I-жадвал

Ядро, кимёвий ва биологик қуроллар орқали етказиладиган талофатлар (заарланишлар)ни қиёсий баҳолаш

(битта авиация бомбардимончи самолёти орқали)

| Баҳолаш мезони | Қурол тури | | |
|----------------|--------------------------|--|------------------------------|
| | Ядровый (1 Мт) | Кимёвий, 15 т асаб-паралитик таъсир кўрсатувчи агент | Биологик (15 т) |
| Заарлаш ҳудуди | 300 км ² гача | 60 км ² гача | 100 000 км ² гача |

Бактериологик қурол кўлланилганлиги фактини аниқлашнинг мураккаблиги ва узоқ вақт талаб этилиши масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биологик воситалар қандайдир бир ташқи белгиларга эга эмас (рангга, хидга ва х.к.).

Уларни фақат лаборатория текшируви усулларини қўллаб ёки мураккаб тузилишли асбоб-анжомлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Бу нарса эса душман томонидан яширин тарзда зарба берилиши ҳамда максимал даражада талофат етказиш имкониятини беради.

Биологик қуролнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, улардаги яширин даврнинг, яъни кишилар организмига киргандан бошлаб, то заарловчи таъсири бошлангунга қадар ўтадиган даврнинг мавжудлигидир.

Бактериологик қуролнинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири бу, уларнинг таъсир қилиш даврининг давомийлигидир. Бир тарафдан бу биологик моддаларнинг ташқи муҳитга чидамлилиги билан боғлиқ. Бошқа тарафдан, маълумки, бир қатор юқумли касалликлар қўзғатувчилари касал одамдан соғлом одамга юқиши хусусиятига эга, демак, контагиоз касаллик қўзғатувчилари қўлланилганда эпидемиялар ривожланади, ҳамда бу ҳол вазиятга қараб узоқ муддат давом этиши мумкин (қулай шарт-шароитлар бўлса). Бундай ҳолатда биологик қурол таъсирига тушган одамларгина эмас, балки, бу қурол қўлланилган майдонлардан четроқда жойлашган ҳудудлардаги одамлар ҳам касалланишлари мумкин.

Бактериологик қуролнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, унинг танлаб таъсир этишидир, яъни бунда фақат жонли организмларгина заарланади, ўчоқдаги бошқа моддий бойликлар заарсиз қолади. Танлаб таъсир қилиши яна шунда намоён бўладики, бактериологик қурол сифатида қўлланилган моддаларнинг турига қараб фақатгина одамлар ёки фақат ҳайвонлар, ёки бўлмасам ўсимликлар заарланиши мумкин.

Чет эл адабиётлари маълумотларига кўра, инсонларни бактериологик воситалар билан заарлашда кўпроқ қуидаги касалликлар қўзғатувчилари қўлланилади: ўлат, куйдирги, туляремия, мелиоидоз, кора оқсоқ, Ку-иситмаси,

тошмали тиф, сариқ иситма, чин чечак, отларнинг Венесуелла энцефаломиелити, ботулизм токсини ва бошқалар. Ҳар бир ана шу биологик “агент”лар ўзига хос хусусиятларга эга ва улар якуний заарланиш кўламини белгилайди. Бунда заарланганларнинг сони биологик воситаларнинг жанговор самарадорлигига боғлиқ бўлади. Жанговор самарадорлик деганда биз биологик рецептураларнинг муайян бир миқдорда (дозада) ҳимояланмаган ва эмланмаган кишилар орасида заарланиши (касаллик чақириши ёки оғир ҳолатли интоксикацияларни келтириб чиқариши) ҳолатларини юзага келтиришини тушунамиз. Бактериологик рецептуралар таркибига кирувчи айрим алоҳида қўзғатувчилар ёки токсинларнинг жанговор самарадорлиги 60-70% ва ундан юқорироқни ташкил қилиши мумкин.

Биологик воситалар, шунингдек, яширин таъсир қилиш даврининг узоқлиги, заарланишнинг оғирлиги, ташқи муҳит омилларига чидамлилиги ва ниҳоят контагиозлилиги, яъни кишилардан кишиларга юқувчи касалликларни чақириш хусусиятлари билан ҳам фарқланадилар (2-жадвал).

2-жадвал

Энг қўп қўлланиловчи биологик воситаларнинг тавсифи

| Баҳол | Бактериологик восита гурӯҳи | Бактериологик восита тури |
|--------------|---|---|
| Яширин давр | Тез таъсир қилувчилар (максимум заарлаш вақти биринчи суткада) | Ботулизм токсини |
| | Секин таъсир этувчи (заарланиш юзага келиши 2 кундан 5 кунгача) | Ўлат, куйдирги, туляремия, Венесуелла энцефаломиелити, сариқ иситма, маелиоидоз |
| | Бироз чўзилувчан вақтда таъсир этувчи (5 кундан кўп) | Қора оқсоқ, тошмали тиф, чинчечак, Ку-иситмаси |

| | | |
|--|--|--|
| Заарланишнинг оғирлиги бўйича | Ўлим ҳолатини келтириб чиқарувчи таъсири | Ўлат, куйдирги, сариқ иситма, чинчечак, ботулизм |
| | Вақтингчалик ишдан чиқарувчи таъсири | Венесуелла энцефаломиелити, туляремия, қора оқсоқ, Ку-иситмаси, мелиоидоз |
| Юқумлилик даражаси бўйича | Мулокат орқали юқувчи (контагиоз) | Ўлат, чинчечак, битлиқилик мавжуд бўлса – тошмали тиф, сариқ иситма, Венесуелла энцефаломиелити |
| | Мулокат орқали юқмайдиган (ноконтагиоз) | Куйдирги, туляремия, Ку- иситма, қора оқсоқ, ботулизм, мелиоидоз |
| Кўзғатувчининг ташқи муҳит омилларига чидамлилиги бўйича | Чидамлилиги кам (1-3 соат) | Ўлат, Венесуелла энцефаломиелити, сариқ иситма, ботулизм |
| | Нисбатан чидамли (24 соатгача) | Мелиоидоз, қора оқсоқ, туляремия, тошмали тиф, чинчечак |
| | Чидамлилиги юқори (24 соатдан кўпроқ) | Куйдирги, Ку-иситмаси |

БАКТЕРИОЛОГИК (БИОЛОГИК) ВА ЭПИДЕМИК ВАЗИЯТНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Қўшинлар орасида ва улар жойлашган худуддаги

эпидемик вазиятни баҳолаш усуллари

Шахсий таркиб орасида юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи омиллар ва эпидемик жараённинг намоён бўлишини аниқлаш, яъни эпидемик жараённинг ҳолати ва тенденцияси ривожланишини динамик равишда баҳолаб бориши, қўшинлар орасидаги эпидемиологик ташхисотнинг асосини ташкил қиласи.

Қўшинларни эпидемиядан сақлаш мақсадида қўлланилган эпидемиологик ташхисот усуллари белгиланган мақсадга кўра турлича гурухларга бўлинади.

Қўшинлар орасида эпидемиологик ташхисот ўтказишнинг асоси бўлиб, *ретроспектив эпидемиологик таҳлил* ҳисобланади. Ретроспектив эпидемиологик таҳлил натижаларини эътиборга олган ҳолда қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоялаш чоралари режалаштирилади. Қўшинларни эпидемияга қарши кундалик ҳимоя қилиш ишлари эса доимий ўтказилувчи оператив эпидемиологик таҳлил натижалари асосида олиб борилади ва буни ҳарбий эпидемиологияда одатда *санитария-эпидемиологик кузатув* деб ҳам аталади.

Ретроспектив эпидемиологик таҳлил жараёнида эпидемик ўчоқларда текширувлар ўтказилади. Қўшинлар жойлашган жойдаги эпидемик вазиятни баҳолашнинг асосий усули бу – санитария-эпидемиологик разведкадир.

Ретроспектив эпидемиологик таҳлил

Қўшинлар орасида ретроспектив эпидемиологик таҳлил – бу ҳарбий қисм шахсий таркиби орасида эпидемик жараён ривожленишини юқумли

касалликларнинг учраш даражаси, таркиби ва динамикасини маълум бир вақт оралиғида ёки шу даврда таҳлил қилиш орқали баҳолашдир.

Ҳарбий тиббиётда санитар йўқотишларни белгиловчи асосий қўрсатгичлар бўлиб уларнинг тузилиши ва миқдори ҳисобланади.

Ҳарбий эпидемиологияда “юқумли касалликларнинг даражаси” деган атама (термин) қўлланилади ва у абсолют рақамлар ёки нисбий қўрсаткичларда баҳоланади.

Юқумли касалликлар улуши (таркиби) алоҳида нозологик касаллик ёки касалликлар гурухининг барча юқумли бўлган касалликларга нисбатан фоизлардаги кўрсаткичи. Юқумли касаллик динамикаси – касалликнинг вақт бўйича тақсимланишидир.

Талабга кўра касалланиш – ҳар хил вақтлар оралиғида таҳлил қилинади. Эпидемиологик таҳлил ўтказиш шунинг учун ҳам муҳимки, бунда қўшинлар орасида алоҳида касалликларнинг аҳамияти, эпидемик жараён ривожланишининг шароитлари ва келажакда унинг қандай намоён бўлиши кутилаётгани аниқланади.

Қўшинларни стационарга жойлаштириш учун ўтган календарь йилидаги эпидемиологик таҳлил натижаларидан, чора-тадбирларни режалаштиришда эса кейинги календарь йили маълумотларидан фойдаланилади. Заруриятга кўра эпидемиологик таҳлил бошқа даврлар учун ҳам ўтказилиши мумкин.

Жанглар жараёнида (жангавор операцияларда) эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштиришда шу давр мобайнидаги юқумли касалликларнинг структураси ва даражаси ҳамда эпидемик жараённинг жанг давридаги кутилаётган кечиши (прогнози) таҳлил қилинади.

Қўшинлар орасида эпидемик таҳлил ўтказишида бошланғич маълумотлар бўлиб шахсий таркиб орасида касаллик ҳақидаги маълумотлар (статистика), bemorларни, соғлом кишилар ва ташқи муҳит объектларининг лаборатория текширув натижалари, қўшин фаолияти ва хизматининг таҳлил қилинаётган

вақт мобайнидаги ўзига хос хусусиятлари (хизматга янги чақириувчиларни чақириш муддатлари, ўкув марказларига чиқиши, ўкув машғулотлари ўтказиш, хўжалик ишлари, жангавор ҳаракатларнинг характеристи ва бошқалар) ва қисмда ўтказиладиган санитария-гигиеник чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар (овқатланишни ташкиллаштириш, сув таъминоти, жойлаштириш хусусиятлари ва х.к.) хизмат қиласди.

Йиғилган дастлабки маълумотлар (календарь йил учун) тўртта асосий йўналиш бўйича таҳлил қилинади:

1. Юқумли касалликлар турлари ва учраш даражасининг нозологик шакллари бўйича таҳлили;
2. Касалликларнинг кўп йиллик динамикаси таҳлили;
3. Касалланишнинг йиллик динамикаси таҳлили;
4. Касалланишнинг эпидемиологик белгилари бўйича таҳлили.

Пировард натижада ҳарбий эпидемиологиянинг асосий маълумотлари аниқланади ва уларни хал этиш юзасидан чора-тадбирлар йўналиши белгиланади.

Ҳарбий қисмларда ретроспектив эпидемиологик таҳлил қисм врачлари, кўшин ва бўлинмаларда эса санитария-эпидемиология муассасалари ёки бўлинмалар врачлари томонидан ўтказилади.

Юқумли касалликларни нозологик шакллари бўйича тузилишини (структурасини) ва даражасини таҳлил қилиш

Кўшин шахсий таркиби орасида юқумли касалликларнинг нозологик шакллари бўйича ва учраши даражасини таҳлил қилишдан мақсад, алоҳида касаллик ёки касалликлар гуруҳининг умумий инфекцион патологиялар орасидаги аҳамиятини аниқлашдир. У ёки бу касалликларни ҳарбий қисмларнинг шахсий таркиби саломатлиги учун кундалик хаётдаги аҳамияти

касалликлар учраши даражаси бўйича баҳоланувчи касалланиш структурасини таҳлил қилиш, касалликлар давомийлиги ва унинг оқибатлари билан аниқланади.

Касалланиш даражаси ҳарбий-тиббиёт статистикасида қабул қилингани бўйича касалланиш учраш даражаси нисбий кўрсаткичларда ҳисобланади (шахсий таркибдаги ҳар 1000 кишига нисбатан), касалланиш давомийлиги эса-иш қобилиятини йўқотиш (кунлар ҳисобида) ҳолатлари (ҳар 1000 кишига нисбатан) ва иш қобилиятини йўқотганлигининг ўртacha давом этиши (кунларда) вақтига нисбатан ҳисобланади. Бу маълумотлар асосида касалланишларнинг интенсив кўрсаткичлари ва иш қобилиятини йўқотиш - ўртacha заарланиш кўрсаткичини ҳисоблаш мумкин.

Ҳисоблаш қуйидаги формула асосида олиб борилади:


$$\text{Ўрт.зар} = (\text{КУДК}(\%)) * \text{ИҚЙХ ЎДК} / 365$$

КУДК (%)-касалланиш учраши даражаси кўрсаткичи (%)
ИҚЙХ ЎДК-иш қобилиятини йўқотиш ҳолатларининг ўртacha давомийлиги кўрсаткичи (кунлар)

Ўртacha заарланиш кўрсатгичи – у ёки бу касалликларни қисмларнинг кундалик фаолиятида уларга келтирилган зарар микдорини белгилайди. Масалан: Ўткир респиратор касалликларда касалланиш учраш даражаси кўрсакичи 100% ли бўлганда, иш фаолиятини йўқотганлик ҳолати ўртacha 5 кун деб олсак, заарланиш $(100*5)/365=1,3\%$ ли бўлади. Бу нарса шуни кўрсатадики, йил давомида кунига ҳар 1000 кишидан 1.3 нафари (10000 тадан 13 таси) жангавор тайёргарликларда ёки қисмнинг кундалик фаолиятида иштирок этмаган.

Шундай кўрсаткичларни ангина билан касалланиш учун кўриб чиқсан: касалланиш учраши даражаси кўрсаткичи 30%, иш фаолиятини йўқотиш ҳолати – 6 кун бўлса, заарланиш қўлами 0,5% ли бўлади, яъни йил давомида ҳар 2 кунда 1000 та кишидан 1 таси ангина туфайли ишга яроқсиз ҳисобланган.

Касалланишлар ва заарланишлар қўлами ҳақида қуйида келтирилган (Расм 1.) маълумотлардан фойдаланиб ҳам уларнинг аҳамияти ҳақида хуроса чиқариш мумкин. Масалан: Ичак инфекциялари касалланиш кўрсаткичи бўйича 4-ўринда туради, заарланиш кўрсаткичи бўйича эса 3-ўринда, силнинг актив шакли касалланиш кўрсаткичи бўйича 6-ўринда турса, заарланиш кўрсаткичи бўйича эса 5-ўринда туради



У ёки бу касалликларнинг аҳамияти тўғрисида ўзгартириш, тузатишлар (корректировка) киритиш касалликнинг оғирлиги ва сўнгги натижаси, яъни оқибатига қараб белгиланади.

Ўлим ҳолатлари ва касаллик туфайли хизматдан бўшатиш ҳолатлари Қуролли кучлар учун қайтариб бўлмас йўқотишларни келтириб чиқаради. Шу

нуқтаи назардан келиб чиқиб, юқорида кўриб чиқилган касалликларнинг аҳамиятига яна бир бор қайтсак, масалан: ангина хасталигини нотўғри даволаганда 1-5% bemorларда ревматизм касаллиги ривожланади. Бу эса юқоридаги расмда келтирилган мазкур муаммонинг аҳамиятини янада оширади. Ангинани пенициллин билан даволаш киритилгунга қадар барча хизматдан бўшатилганларнинг 36,1% ревматизмга ва 8,3% - нефритга (ўткир стрептококкли инфекциянинг намоён бўлиши сифатида) тўғри келар эди.

Ҳарбий-тиббий хизмат учун энг долзарб инфекцион патологияни аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим, яъни касалликларнинг вақт бўйича тарқалишини ҳамда қўшин ичига инфекцияни олиб кирилишини аниқловчи умумий эпидемиологик вазиятни баҳолаш лозим бўлади.

Касалланишнинг кўп йиллик динамикаси

Қўшин шахсий таркиби орасида касалланишнинг кўп йиллик динамикаси таҳлил қилинганда қуйидаги вазифалар қўйилади:

1. Касалланиш тенденциясини аниқлаш;
2. Таҳлил қилинаётган йилдаги касалланиш кўрсаткичларини ўртacha кўп йиллик кўрсаткичлар билан таққослаш;
3. Касалланишларнинг кўп йиллик динамикаси билан бир қаторда, таҳлил қилинаётган йилдаги касалланиш ҳолатларининг сабаби ва шароитларини аниқлаш. Кўп йиллик динамикада касалланиш тенденцияси йўналиши (ўсиш, турғун, камайиш) ва намоён бўлиш билан аниқланади.

Аниқланган тенденциянинг сабабларини ва унинг намоён бўлишини тушунтириш учун касалланиш кўп йиллик динамикасининг умумий қоидалари билан бирга таҳлил қилинаётган жамоаларнинг ўзига хос шароитлари ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек, қўшинларнинг хизмат қилиш, яшаш ва жангаворлик шароитлари, уларнинг касалликларни тарқалишига бўладиган

таъсирлари ҳам хисобга олинади. Ўтказилган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларга баҳо берилади. Йиғилган маълумотлар касалликларнинг келажакда қандай ҳолда кутилаётганлигини (прогнози) аниқлаш учун ишлатилади.

Иккита бир-бирига яқин йилдаги касалланиш кўрсаткичларини таққослаш билан ишончли натижаларни олиб бўлмайди ва баҳолаш тўғри бўлавермайди. Бунинг учун таҳлил қилинаётган касаллик кўрсаткичини ўртacha кўп йиллик (3-6 йил) кўрсаткич билан таққослаш лозим. Таҳлил қилинаётган йиллик касалланиш кўрсаткичини ўртacha кўп йиллик кўрсаткич билан таққослагандан аниқланган тафовутларнинг статистик жиҳатдан тўғрилигини аниқлаб олиш лозим. Бироқ, бу ҳам етарли емас. Таҳлил қилинаётган йилда ҳам, кўп йиллик динамиканинг умумий тенденцияси (йўналиши ва намоён бўлиши бўйича) сақланиб қолган ёки йўқлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Агар четга оғишлар бўлса, унинг сабаблари кидирилади. Бунда алоҳида йиллардаги касалланишларнинг ўзгариб турганлигини (тебранишларини) намоён қилувчи эмпирик линиянинг характеристи ҳам хисобга олинади. Касалланиш кўрсаткичларининг сезиларли даражада ўзгариши юз берган бўлса, бунда табиий шароитлар билан биргаликда, қўшинларнинг хизмат шароити ва жангавор тайёргарлиги ҳолатлари аниқланади (касалланиш юқори даражада ва паст даражада бўлган йиллар). Касалланишнинг кўп йиллик динамикаси турли хил касалликлар билан солиширилади (бунда ҳар хил типдаги ва битта типдаги юқиш механизмига эга бўлган касалликлар солиширилади).

Солиширишлар натижасида таҳлил қилинаётган йилдаги касалланишнинг кўп йиллик динамикаси ва даражасини аниқловчи сабаблар ва шароитлар ҳақида фаразлар юзага келади.

Кейинги таҳлиллар олдинга сурилган фаразларни тўғри ёки нотўғри эканлигини исботлашга йўналтирилади, яъни тасдиқланади ёки инкор этилади.

Касалланишнинг йиллик динамикаси таҳлили

Таҳлилнинг бу бўлимини бажаришда шуни эътиборга олиш керакки, касалланишнинг йиллик динамикасида мунтазам (мавсумий) ва номунтазам (эпизотик) кўтаришлар кузатилади, улар эпидемия шароитида йил давомидаги касалланишга айланишади. Таҳлилни ўтказишда қуйидаги вазифалар қўйилади:

1. Касалланишнинг йил давомидаги, мавсумий ва эпидемик авж олиш улушларини аниқлаш;
2. Йиллик динамиканинг ўзига хос хусусиятларини аниқловчи конкрет шароитларни аниқлаш.

Йил давомидаги касалланиш, касалланиш кўрсаткичлари бўйича аниқланади, бунинг учун энг паст даражага эга (мавсумлараро касалланиш) ойлар олинади. Касалланишнинг бу кўрсаткичлари барча 12 ой учун ҳам тааллуқли бўлади. Йил давомидаги касалланишнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш учун доимий таъсир этувчи омилларни (йил давомидаги) аниқлаш лозим.

Мавсумий кўтарилишнинг бошланиши – бу шундай вақтки, касалланиш даражаси мавсумлараро касалланишнинг ўртacha даражасидан сезиларли равишда ошиб кетади.

Мавсумий кўтарилишнинг тугаши - бу шундай вақтки, касалланиш даражаси мавсумлараро даражага тенглашади. Мавсумий кўтарилишнинг бошланиши ва тугаши орасидаги вақт (интервал) – мавсумийлик даврининг давомийлигидир. Мавсумий касалланишнинг улушкини аниқлашда касалланишнинг мавсумий даврда йил давомидаги ўртacha касалланиш кўрсаткичидан ортиб кетувчи даражаси аниқланади. Йил давомидаги барча касалланиш – 100 % деб олинади ва мавсумий “қўшимча” хисоблаб топилади,

яъни қизиқтираётган ойдаги касалланишни 100% га нисбатан ҳисоби чиқарилади. Масалан:

Йил давомидаги касалланиш – 120 та – 100 %

Февраль ойидаги касалланиш 40 та – X %

X ни ҳисобласак – 33,3 % га тенг бўлади.

Йиллик динамика таҳлили, касалланишнинг кўп йиллик динамикаси таҳлили вақтида юзага келган фаразларнинг тўғрилик даражасини баҳолашга ёрдам беради ва янги фаразларни илгари суради. Натижада қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни режалаштиришда аҳамият берилиши лозим бўлган муаммолар аниқланади.

Оператив эпидемиологик таҳлил ва эпидемик ўчоқларни текшириш

Қўшинлар орасида оператив эпидемиологик таҳлил ўтказиш бу – шахсий таркиб орасида эпидемик жараён ривожланишининг ҳолати ва тенденциясини режаланган эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг бажарилиши сифатини айнан шу жойда ҳисобга олиш, хизмат шароитларининг ўзгариши, қўшинлар фаолияти ва ҳаёт тарзи, лаборатория текширув натижалари, шунингдек, касалланишларни ва ўчоқларни эпидемиологик текшириш натижаларини айнан шу даврда ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш асосларида динамик баҳолашдир.

Ҳарбий эпидемиологияда эпидемик ўчоқнинг умум эпидемик таърифидан фойдаланилади.

Маълумки, умумий эпидемиологияда эпидемик ўчоқ таърифига худудий ва популациян жиҳатдан ёндошилади. Охирги вақтларда кўпроқ популациян жиҳатдан ёндошилмоқда. Шунга мос равишда ўчоқнинг маконга оид ва вақтинчалик чегаралари қўшинларнинг кундалик ҳаёти, яшashi ва фаолияти

тарзидан чиқарилади, булар қўзғатувчиларнинг популяцияси циркуляциясини белгилайди.

Қўзғатувчи популяцияси ҳаёт фаолиятининг фазалилиги (резервация, эпидемик қайта тикланиш, эпидемик тарқалиш, резервацион қайта ўзгариш)хисобга олинади.

Амалий иш давомида эпидемик ўчоқ тушунчаси инфекциянинг манифест шаклларига, яъни касалликларга боғланади. Бунда яккам-дуккам касалланиш ва кўплаб касалланишларнинг эпидемик ўчоқлари ҳақида гапирилади.

Якка ҳол касалланиш ўчоқларини эпидемиологик текшириш

Шахсий таркиб орасида юқумли касаллик билан оғриган бемор аниқланганида эпидемиологик текширувни қисм врачи ўтказади. Ўта ҳавфли юқумли касалликлар ёки бошқа кам учрайдиган юқумли касаллик юз бергудек бўлса, эпидемиологик текшириш ишларида санитария-эпидемиология муассасаси ҳам иштирок этади.

Якка ҳол касалланиш ўчоғини эпидемик текширишнинг мақсади, энг аввало, қисмдаги учраган касалликнинг четдан олиб келинганми ёки йўқлигини аниқлаш. Бунинг учун қуидагича иш тартиби белгиланади:

1. Қисмдаги ва қисм жойлашган жойдаги эпидемиологик вазиятни аниқлаш
2. Беморларни сўраб суриштириш ва текшириш
3. Шахсий таркибни сўраб суриштириш ва текшириш
4. Ташқи муҳитни кўздан кечириш ва текшириш
5. Йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ўчоқ чегараларини аниқлаш ва уни тугатиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш.

Қисмдаги эпидемик вазиятни аниқлаш учун РЭТ натижаларига баҳо берилади ва тиббий ҳужжатлар кўздан кечирилади (форма №5, форма №12а),

бунда РЭТга хulosалар берилганды то касаллик пайдо бўлгунгача вақт оралиғида бажарилади.

Беморлар аниқланганида қўшимча эпидемиологик текширувлар ўтказилади, яъни, энди кўплаб касалланиш ўчоқларида эпидемиологик текшириш ўтказилади.

Кўшин жойлашган жойдаги эпидемик вазиятни аниқлаш учун фуқаро соғлиқни сақлаш тизими материалларидан фойдаланилади.

Зарур ҳолатларда қисм врачи маҳаллий даволаш муассасалари ва санитария-эпидемиология муассасаларига бориб қўшимча маълумотлар олади.

Беморни сўраб-сuriштириш мақсадга йўналтирилган ҳолда муайян касаллик эпидемиологиясини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Беморнинг касаллик яширин даврининг энг юқори муддатларда қаерда бўлганлиги аниқланади. Шунга ўхшаш касалликларнинг бу ерда бўлган ёки бўлмаганлиги ва юқиши шароитлари аниқланади. Йифилган барча маълумотлар асосида (яъни bemorni сўраб-сuriштириш ва эпидемик вазиятни баҳолашда йифилган материаллар асосида) қисмда касалликни юзага келтирган энг муҳим вариантларидан бири ҳақида фараз (гипотеза) қилинади:

- А) инфекция ташқаридан олиб кирилган
- Б) қисм ичида эпидемик вариант шаклланган
- В) қисмда вақтида аниқланмай қолган касалликнинг эпидемик тарқалишини навбатдаги намоён бўлиши.

Беморни сўраб-сuriштирганда, шунингдек, унинг касал бўлган аниқ санаси ва изоляция қилингунига қадар ўзини қандай тутгани аниқланади. Булар асосида қўшин шахсий таркибининг ҳам ўчоқда касалликни юқтириш ҳавфи мумкинлиги ҳақида хulosалар қилинади. Илгари сурилган фаразлар ўчоқни текширишнинг кейинги босқичларида текшириб борилади.

Ўчоқда шахсий таркиб сўроқ қилинганда bemordan олинган маълумотлар текшириб кўрилади. Бошқа ҳарбий хизматчиларнинг ҳам bemor билан бирга

ушбу касалликни юқтиришганми ёки ушбу бемордан юқтиришганлиги аниқланади. Заарланиш ҳавфи аниқланганда заарланган шахслар орасида ўтказилган эмлашлар вақти ва характеристи ҳисобга олинади. Касаллик кўзғатувчисини юқтирган шахсларнинг инкубацион давр мобайнида қисм худудидан четроққа чиқкан ёки чиқмаганлигини аниқлаш муҳим. Мана шу барча йиғилган маълумотлар асосида ўчоқда лаборатория текширувлари ўтказиш, тезкор профилактика, вакцинация ўтказишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги ҳамда уларнинг ҳажми ҳақида холосалар қилинади. Зарурый чегаралаш чора-тадбирларининг характеристи аниқланади.

Ташқи муҳитда текширув ишларини ўтказиш ҳар бир инфекциянинг ўзига хос эпидемиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Масалан, ичак гурухи инфекцияларида диққат-эътиборни овқатланиш ва сув таъминоти шароити, чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш, ошхона ва ҳожатхоналарда пашшалар бор ёки йўқлигига қаратилади. Менингококк инфекцияси ўчогида эътибор шахсий таркибнинг казармаларга жойлаштирилиш шароитлари ва уларнинг парваришига қаратилади. Визуаль (кўз билан кўриш) ва лаборатория усуулари орқали ташқи муҳит обьектлари текширилиб, илгари сурилган фаразлар баҳоланади, қисмда ўтказилган санитария-гигиеник ва бошқа чора-тадбирлар давомида йўл қўйилган, эътибордан четда қолган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

Гуруҳли касалланиш ўчоқларини эпидемиологик текшириш

Қисмда эпидемия ёки эпидемик авж олишлар ривожлана бошлаганда эпидемиологик текширишларни санитария-эпидемиология муассасалари мутахассислари ўтказади. Қисмга бу мутахассис етиб келгунга қадар эпидемиологик текширишни қисм врачи ўтказиб туради.

Текширув мобайнида қуйидаги масала қўйилади – касалликнинг келиб чиқиши ва тарқалиш сабабларини аниқлаш, ўчоқда уларни бартараф этиш

юзасидан комплекс чора-тадбирларни танлаш. Бунинг учун қўшин шахсий таркиби орасида ривожланиши мумкин бўлган эпидемия (эпидемик авж олиш)нинг сабабларини билиш муҳим. Мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш ва уларни системалаштириш эпидемияларни З гурухга ажратишга имкон яратади.

1-гурух эпидемиялари учун қўзғатувчиларнинг битта манбадан ёки юқтириш омилидан қўшин шахсий таркибига юқиши характерлидир. Бир вақтда заарланиш юз берганда эпидемиянинг бутун даври яширин даврининг ўзгариб туриши (тебраниши) билан чегараланади.

Юқтириш омилиниң узоқ вақт давомида таъсир этиб туришида эпидемиялар чўзилади, бироқ, соғлом одамларга bemорлардан касаллик юқиши кузатилмайди.

Бу гурух эпидемиялари кўпроқ зоонозларда ривожланади. Бу гурухга оид алоҳида касалликларда эпидемиялар типининг янам якқолроқ кўзга ташланувчиларини кузатиш мумкин. У шахсий таркибга касалликни юқиш шароитларини характерлайди. Масалан, туляремияда эпидемиянинг шундай турлари ажраладики, улар қуйидагича номланади: сув эпидемияси, касб-хунарга оид эпидемия, трансмиссив эпидемия, майший-мулоқот эпидемия ва бошқалар.

Эпидемиянинг **2-гуруҳида** қўзғатувчиларнинг касал одамлардан (касаллик манбаидан) соғлом одамларга тўғридан-тўғри юқиши кузатилади.

Бу гурух эпидемиялари **эксклюзив** (бирданига кенг тарқалувчи) ёки интенсивлиги камроқ бўлиши ва узоқ давом этадиган (чўзилувчан) бўлиши мумкин.

Биринчи ҳолатда инфекциянинг юқори манифест шаклда (юқиш кўпинча касаллик юзага келиши билан намоён бўлади, ташувчанликка нисбатан) бўлиши, эрта юқтирувчи бўлиб қолиши, яширин давр қисқа давом этиши ва касалликдан кейин иммунитет яққол ривожланиши кабилар муҳим ўрин эгаллайди. Иккинчи ҳолатда эса манифестлик камайиши (менингококк

инфекцияси), яширин даврнинг узоқ давом этиши (эпидемик тепки) ёки юқори иммун қатлам ҳосил бўлиши кабилар мухим ўрин тутади. Бироқ, барча ҳолатларда бу грух эпидемияларининг давомийлиги касаллик яширин даврининг бир неча даврларида ташкил топади. Бу грух эпидемиялари одатда антропоноз ҳаво-томчи йўл билан юқувчи касалликларда ривожланади.

3-грух эпидемиялари bemорлардан юқтириш омиллари (пашшалар, озиқ-овқат, сув, қўл ва бошқа воситалар) орқали қўзғатувчиларнинг юқиши рўй берганда юзага келади, бунда заарланган кишилар билан заарланмаганларнинг албатта мулоқатда бўлишлари шарт эмас.

Юқтириш омилларининг қанчалик активлигига қараб бундай эпидемиялар жуда тез тарқалувчан ёки чўзилувчан бўлиши мумкин. Эпидемиянинг бундай грухлари антропоноз ичак грухи инфекцияларида ва трансмиссив инфекцияларда учраши мумкин. Алоҳида нозологик шакллар доирасида (шу грух эпидемиялари ривожланадиган) юқиши шароитини характерловчи эпидемиялар тури ажратилади. Масалан: қўшин шахсий таркиби орасида ичбуруғ эпидемияси охирги юқиши омилига кўра озиқ-овқат ёки сув орқали юқиши мумкин. Озиқ-овқат эпидемияси ўз навбатида қуйидаги эпидемияларга бўлинади: озиқ-овқат корхонаси ишчиларининг “ифлос” қўллари орқали озиқ-овқатларнинг заарланиши ва эпидемия юзага келиши ҳамда пашшалардан инфекциянинг юқиши туфайли юзага келадиган овқат эпидемиялари. Ривожланиш давомийлигига кўра сув эпидемиялари ўткир ва сурункали эпидемияларга бўлинади.

Кўплаб касалланиш ўчоқларини текширишнинг муваффақиятли бўлишининг иккинчи ажралмас шарти, бу бошланғич маълумотларнинг етарлича бўлишидир: буларга касалланиш ҳақидаги ҳисобот маълумотлари, лаборатория текширув натижалари, қўшинларнинг жангавор тайёргарлиги, жангавор фаолияти, хизматнинг ўзига хос хусусиятлари киради. Грухли касалланишларни текширишда тўғри хulosалар шаклланишини юзага

келтирувчи учинчи шарт бу, ретроспектив эпидемиологик таҳлил натижаларидир.

Эпидемиологик текшириш тартиби ишнинг қўйидаги бўлимларини ўз ичига олади:

1. Ўчоқда касалланиш динамикасини таҳлил қилиш;
2. Этиологик белгиларга кўра касалланиш структурасини таҳлил қилиш;
3. Беморлар ва соғлом кишиларни кўздан кечириш ва сўраб-суриштириш;
4. Ташқи муҳитни кўздан кечириш ва лаборатория текшириш
5. Тўпланган маълумотларни мантиқан ишлаб чиқиш ва ўрганилаётган касаллик шаклида эпидемияларнинг типлари ҳақида йиғилган маълумотларга асосан сабабий боғланишларни топиш.

Эпидемиялар жараёнида шахсий таркиб орасидаги касалланиш динамикаси эпидемиялар тури ва унинг ривожланиш механизмини аниқлашга ёрдам берувчи материалларни олиш учун ўрганилади. Касалланишлар кунлар бўйича беш кунлик қилиб, декадалар бўйича ёки бошқа давр оралиқларига бўлиб чиқиласи ва у ёки бу турдаги таҳлил қилинаётган сабабий омиллар билан солиширилади.

Эпидемиологик текширишнинг энг жавобгар босқичи бу касалликларни эпидемиологик белгилари бўйича бўлиб чиқилишидир. Таҳлил қилинаётган заарланиш интенсивлигига кўра шахсий таркиб гурухларга ажратилади. Ҳар бир гурухга касалланиш даражаси ва касалланиш кўрсаткичи тафовутлари аниқланади. Шунингдек, шахсий таркиб гурухлари ихтиёрий танланиши ҳам мумкин (масалан, бўлинмалар бўйича). Уларда касалланиш кўрсаткичлари аниқланади ва солишириш йўли билан тафовутлари аниқланади.

Касалланганларни гурухларга ажратиш, қўйидагилар бўйича ҳам олиб борилади: bemorlarни изоляция қилиш муддатлари, стационарга ётказилган вақтлари, даволаш усуллари, кўзғатувчилардан халос бўлиш даврлари ва бошқалар. Олинган тақсимлаш қаторлари баъзан эпидемияларнинг ривожланиш

механизмларини аниқлаш учун фойдали бўлиши мумкин. Уларни яна изоляция қилиш ва даволаш каби чора-тадбирларнинг сифати ва самарадорлигини аниқлаш учун ҳам қўллаш мумкин.

Аниқ ифодаланган манифест шаклдаги касалланиш ва касаллик қўзғатувчисининг bemor одамдан соғлом одамга яқиндан мулоқатда бўлиш орқали юқишида эпидемиологик белги сифатида ўчоқдаги bemor билан “мулоқат” ажратилади. Бундай ҳолатда сўраб-суриштириш йўли билан bemorларни текшириш орқали касаллик манбайнни аниқлаш вазифаси қўйилади (хар бир bemor учун) ва бутун юқиш занжири аниқланади. Ушбу усулни биринчи ва учинчи гурӯҳ эпидемиялари учун қўллаш жиддий хатоликларга олиб келади.

Касалланиш динамикасини ва унинг структурасини эпидемиологик белгилар бўйича таҳлил қилиш натижалари асосида эпидемияларнинг юзага келиш сабаблари ва ривожланиш шароитлари ҳақида фаразлар қилинади. Bemorларни ва соғлом кишиларни сўраб-суриштириш, ташқи муҳитни визуал ва лаборатория текшириш орқали илгари сурилган фаразларнинг тўғрилигини тасдиқлаш ёки уни инкор этиш масаласи қўйилади. Шундай қилиб, агарда эпидемия сув орқали тарқалганлигига шубҳа қилинса, унда барча касалланганлар шу сувдан ичганми ёки йўқми, бу сувдан ичмаган кишилар орасида ҳам касалланганлар бор ёки йўқлигини аниқлаш лозим. Булар билан бирга сувнинг сифати текширилади. Шунингдек, сувнинг ифлосланиш шароитлари аниқланади. Барча йигилган маълумотлар асосида эпидемияларнинг ривожланиши ҳақида хуносалар чиқарилади.

Санитария-эпидемиологик разведка

Бу ҳарбий-тиббий хизмат томонидан қўшинлар жойлашган жойларни ва жанг олиб борилиши кутилаётган ҳудудларни, ҳамда қўшинлар харакат

қилаёган йўлларнинг санитария-эпидемиологик ҳолати тўғрисида олдиндан маълумот тўплашдан ва уни таҳлил қилишдан иборат бўлган чора-тадбирлар мужмуидир. Санитария-эпидемиологик разведка ҳарбий эпидемиологиянинг асосий услубий қисми бўлиб ҳисобланади ва қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш бўйича ўтказиладиган чора-тадбирлар таркибиغا киради.

Санитария-эпидемиологик разведкани ўтказишдан асосий мақсад, ҳарбий қисмнинг эпидемик ҳолатига таъсир қилувчи омилларни олдиндан аниқлаш ва ҳарбий қисмга юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олишни таъминлашдир.

Санитария-эпидемиологик разведка ҳар қандай шароитда қўшинларни бир жойдан иккинчи жойга кўчишида ва дислокация қилинишида, жангавор ҳаракатлар олиб боришга тайёргарлик кўрилаётган вақтда ва жангавор ҳаракатлар олиб бориш пайтида ҳамда жангавор ҳаракатларни олиб бориш тутатилгандан сўнг олиб борилади.

Санитария-эпидемиологик разведка қуидаги вазифаларни бажаради:

- қўшинлар томонидан эгалланган янги худудлар, жойлашган жойлар ёки яқин орада эгаллаши кутилаётган худудлар ҳамда улар ҳаракатланиши кутилаётган йўллар ўрганилади.

- қўшинларга маҳаллий аҳолидан, душман қўшинларидан, бошқа ҳарбийлардан ҳамда юқумли касалликлар ўчоқларидан турли хилдаги юқумли касаллик манбаларидан кириб келиш йўлларини ўз вақтида ўрганиш.

- ўз қўшинларимиз ва душман қўшинлари эгаллаб турган жойларда юқумли касалликларнинг эпидемик ўчоқларини аниқлаш, касалликларнинг характеристини, уларнинг клиник кечишидаги хусусиятларини аниқлаш.

- худудлар, сув манбалари ва бошқа ташқи муҳитдаги объектлардан намуналар олиб, текшириш ўтказиш.

- маҳаллий даволаш-профилактик, санитария-эпидемиологик ва бошқа муассасалар имконияти ва уларни қўшинлар манфаатида фойдаланишнинг иложи бор ёки йўқлигини аниқлаш.

- юқори поғонадаги тиббий хизмат бошлиғидан, турли хизматдаги мансабдор шахслардан ва соғлиқни сақлаш тизими органларидан керакли бўлган маълумотларни олиш.

Разведка ўтказиш натижасида олинган натижалар таҳлилини чиқариш ва унинг эпидемияга қарши чора-тадбирларини самарали ўтказиш учун юқори лавозимдаги тиббий хизмат бошлиғига таклиф ва маълумотлар бериш.

Санитария-эпидемиологик разведка узлуксиз равища ўтказилиб борилади, чунки тиббий хизмат бошлиғи пайдо бўлган вазият тўғрисида доимий хабарга эга бўлиши керак.

Тиббий разведкани ўтказиш вақтида душман қўшинлари ва ўз қўшинларимиз эгаллаб турган ҳудудларда юқумли касалликларнинг эпидемик ўчоғи мавжудлиги, ушбу юқумли касалликларнинг характеристи, уларнинг клиник кечишидаги хусусиятлари ва динамикаси ўрганиб чиқилади.

Юқумли касалликлар тарқалишига сабабчи бўлувчи омиллар, яъни маҳаллий аҳоли яшайдиган пунктларнинг санитария ҳолати, аҳолининг умумий санитария-гигиеник маданияти, жойларга хос бўлган урф одатлар ўрганилиб чиқилади.

Ҳар доим сув манбаларининг ҳолати ва сув сифати бўйича маълумотлар тўпланади ва бошқа ташқи обьектларнинг ҳолати синама олиб, ўрганилиб чиқилади. Бундан ташқари, жойлардаги даволаш-профилактик, санитария-гигиеник, эпидемияга қарши ва бошқа муассасалар мавжудлиги (ҳаммомлар, кир ювиш, лаборатория ва бошқалар) ва улардан қўшинлар тиббий таъминотида фойдаланиш имконияти даражаси аниқланиб чиқилади.

Санитария-эпидемиологик разведкани амалга оширишда хизматнинг барча бўғинлари иштирок этади. Ротада у санитар инструктор, батальонда –

фельдшер, полкда – врач томонидан ўтказилади. Улар одатда тиббий разведканинг барча элементларини бажарадилар. Бундай ҳолатларда ишнинг асосий усули бўлиб, сўраб суриштириш ҳамда визуал текширишлар хисобланади, зарур ҳолларда уларни янада тўлақонли бўлиши учун лаборатория текширувига синамалар олиб юборилади.

Санитария-эпидемиологик разведканинг жавобгарлиги энг кўпроқ бўлган масалалаларини бажаришда санитария-эпидемиология муассасалари мутахассислари жалб этилади. Бу муассасалар таркибидан тиббий ходимлар ёки мутахассислар гурухи ажратилиб, мақсадга йўналтирилган санитария-эпидемиологик разведка ўтказилади.

Улар алоҳида лаборатория текширувларини ўтказиш учун транспорт ва санитария-эпидемиологик разведка ўтказиш жараёнида зарур бўладиган, керакли барча жиҳозлар билан таъминланадилар, бир қатор ҳолатларда аниқланган баъзи эпидемик (эпизоотик) ўчокларда эпидемияга қарши чора-тадбирларни ҳам ўтказадилар.

Разведкачилар томонидан олинган маълумотлар ўрганилиб чиқилгандан кейин, маҳаллий аҳоли яшайдиган пункт, ҳудудлар ва сув манбаларининг санитария-эпидемиологик ҳолати тўғрисида хulosса чиқарилади. Олинган маълумотлар, эпидемик жиҳатдан нохуш бўлган ҳудудларда жангавор ҳаракатлар олиб бораётган қўшинлар шахсий таркиби орасида тегишли профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш учун керак бўлади.

Санитария-эпидемиологик разведканинг вазифаси ва унинг ҳажми қўшинлар томонидан жангавор ҳаракатларни олиб бориш фаолиятининг характеристига (хужум, мудофаа, марш ва бошқаларга) боғлиқ бўлади.

Кўшинлар хужум жангини олиб борилиши қўзда тутилаётган вақтларда, хужум жангига тайёргарликда барча қўл остидаги восита ва усуллар ёрдамида душман қўшинлари ва улар эгаллаб турган, маҳалий аҳоли яшаб турган

территорияларнинг санитария-эпидемиологик ҳолати ўрганиб чиқилади. Асирга тушганлардан, агар улар ичида тиббий ходим ҳам бўлса, фойдали маълумотларни йиғишга эришиш мумкин. Маълумотларни тўплаш натижасида душман қўшинлари орасида касалланишлар мавжудлиги, профилактик эмлаш ўтказилганлиги, ўтказилаётган даволаш-профилактик чора-тадбирлар ва бошқалар тўғрисида маълумотларга эга бўлишга эришилади. Бундан ташқари, жанг олиб боришга тайёргарлик вақтида фойдали бўлган маълумотларни штаблардан олиш ҳамда тиббий географик ва санитария-эпидемиологик шароитлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб чиқиш орқали олиш мумкин.

Қўшинлар хужумга ўтган вақтда санитария-эпидемиологик разведкани ўтказиш тиббий хизматнинг барча бўғинлари томонидан олиб борилади. Бунда юқумли касаллик ўчоқлари, ўлжа сифатида олинган тиббий мол-мулкнинг ва озиқ-овқатларнинг омборлари аниқланади ва белгиланиб чиқилади. Янги ҳудудлар тўғрисида оператив равишда маълумотлар тўплаш қўмондонлик учун жуда ҳам катта аҳамиятга эга.

Бир жойдан иккинчи жойга кўчиш вақтида санитария-эпидемиологик разведка доимий равишда олиб борилади. Бунда ҳаракат қилиш йўналиши бўйича жойлашган сув манбаларининг санитария-гигиеник ҳолати ва сувнинг сифати аниқланади. Аҳоли яшайдиган пунктларда яшаш учун яроқли бўлган шароитлардан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги, аҳоли орасида юқумли касалликларнинг бор ёки йўқлиги аниқланади.

Замонавий шароитлардаги охирги ўн йилликларда олиб борилаётган локал урушлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, олиб борилаётган санитария-эпидемиологик разведка эшелонли равишда, таъсирили ва хужум жанги олиб борилаётган вақтда қайта ўтказишни тақозо этмоқда. Санитария-эпидемиологик разведкани эшелонли (бирин-кетин) равишда ташкил қилишдан асосий мақсад – агарда душман томонидан бактериологик қурол кўлланилган бўлса ёки қўшинлар жангавор ҳаракат олиб бориш вақтида ўз йўлида катта юқумли

касаллик ўчоқларига дуч келиб қолганида ва бошқаларда тиббий хизмат ўз куч ва воситаларини кучайтириб бориш усулида разведкани амалга ошириб боради.

**Қўшинлар ва улар жойлашган (ҳаракат олиб бораётган)
худудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини
баҳолаш мезонлари**

Ҳарбий эпидемиологияда қўшинлар ва улар хизмат олиб бораётган худудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини баҳолашнинг қуидаги мезонлари қабул қилинган: барқадор, барқарор, нохуш ва фавқулотда ҳолатлар. Қисмнинг санитария-эпидемиологик ҳолати қуидаги ҳолларда барқарор ҳисобланади:

1. Шахсий таркиб орасида юқумли касалликлар келиб чиқмаса, баъзи спорадик касалликлар бундан мустасно;
2. Қўшин ичига юқумли касалликларни олиб киришнинг имконияти йўқлиги;
3. Шахсий таркиб орасида юқумли касалликлар ўчоғини юзага келтириш ва тарқатиш учун шароит йўқлиги (қисм санитария ҳолатининг қониқарлилиги, қўшинларни эпидемиядан ҳимоя қилишнинг барча комплекс чоратадбирларнинг сифатли ўтказилиши);
4. Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилганлиги ҳақида маълумотлар йўқлиги.

Қўшинларнинг жойлашган (ҳаракат олиб бораётган) ҳудуди қуидаги ҳолларда барқарор ҳисобланади:

1. Аҳоли орасида учраб турган эпизодик (экзоотик) касалликлар қўшин учун ҳавф тугдирмайди;
2. Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилганлиги ҳақида маълумотнинг йўқлиги;

3. Юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши учун шароитнинг йўқлиги (худуд санитария ҳолатининг қониқарлилиги, сув таъминоти объектларининг қониқарли аҳволда эканлиги, коммунал қулайликлар).

Қисмнинг санитария-эпидемиологик ҳолати қуийидаги ҳолларда бекарор ҳисобланади:

1. Шахсий таркиб орасида алоҳида илгари қайд этилмаган юқумли касалликлар пайдо бўлиши, касалликнинг спорадик даражадан бироз кўтарилиши кузатилади, алоҳида, лекин тарқалиб кетмайдиган гурӯҳли касалликлар юзага келиши инфекциянинг олиб кирилганлиги ёки ички эпидемик ўчоқлар пайдо бўлаётганлигидан далолат беради;

2. Баъзи юқумли касалликлар юзага келганда ёки ташқаридан олиб кирилганда (қисм санитария-эпидемиологик жиҳатдан ноxуш ҳудудда жойлашган бўлса) уларнинг тарқалиши учун шароит туғилади (қисмда санитария ҳолатининг қониқарсизлиги ва эпидемияга қарши ҳимояланиш ишларининг паст сифатда ўтказилганлиги), гарчи баҳолаш чоғида шахсий таркиб орасида юқумли касалликлар учрамаган бўлса ҳам.

Худуднинг санитария-эпидемиологик ҳолати қуийидаги ҳолларда бекарор ҳисобланади:

1. Аҳоли орасида эпидемиялар ривожланишиз кечувчи юқумли касалликлар ўчоқлари мавжуд бўлиши.

2. Кўшин учун хавф түғдирувчи зооноз инфекцияларнинг эпизодик (экзоотик) ўчоқлари мавжудлиги;

3. Худуд йирик эпидемик ўчоқлар мавжуд бўлган ерга ёки бактериологик қурол ўчоқларига жуда яқин жойга жойлашган;

4. Эпидемия ўчоқларининг юзага келиши ва юқумли касалликларнинг тарқалиши учун (санитария ҳолатининг яхшимаслиги, сув таъминотининг қониқарсизлиги, эпидемияга қарши ва профилактик чора-тадбирларнинг паст сифатда ўтказилиши) шароитлар мавжуд.

Қисм (қўшилма) ёки улар ҳаракат олиб бораётган ҳудуднинг санитария-эпидемиологик ҳолати бекарор бўлган вазиятларда врач (тиббий хизмат бошлиғи) қисм бошлиғи (командир)га эпидемик вазият ҳақида ахборот беради ҳамда шу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда керакли чора-тадбирларни белгилайди. Бу чора-тадбирлар эпидемик ўчоқлар пайдо бўлишига, юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлувчи омилларни йўқотишга, шунингдек, инфекциянинг қисм (қўшилма) ичига олиб кирилиши ёки аксинча ташқарисига чиқиб кетишига қарши қаратилган бўлиши лозим.

Қисмнинг (қўшилма) ёки улар ҳаракат олиб бораётган ҳудуднинг санитария-эпидемиологик ҳолати ноҳуи ҳисобланади:

1. Кейинчалик кенгроқ тарқалиши мумкин бўлган тенденцияга эга бўлган гуруҳли юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши;
2. Ўта хавфли юқумли касалликлардан бирортасининг пайдо бўлиши (ўлат, вабо, чечак);
3. Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилганда.

Қисмнинг (қўшилма) санитария-эпидемиологик ҳолати фавқулотда ҳисобланади:

1. Эпидемиялар шу даражада тус оладики, қўшинни (қўшилмани) жангавор мақсадларда ишлатиш мумкин бўлмай қолади;
2. Ўлат, чечак ва вабо каби касалликларнинг қайтадан учраш ҳолатлари;
3. Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилган ҳолатларда ўта хавфли юқумли касалликлар қўзғатувчилари аниқланса.

Қисмнинг (қўшилма) санитар-эпидемиологик ҳолати фавқулотда ҳолатдалиги армия (фронт) қўмондони томонидан эълон қилинади. Қисм (қўшилма) одатда карантин ҳолатига киритилади.

Қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш бўйича ишларнинг сифати ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш

Эпидемик вазиятни қўшинларнинг хизмат, жангавор тайёргарлик ва жангавор фаолияти каби турли ҳолатларида баҳолаш, эпидемияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини ретроспектив баҳолашни, шунингдек, қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш чора-тадбирлари борасидаги ишларнинг сифатини ҳам назарда тутади. Қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоялашнинг сифати худди ахолини эпидемияга қарши ҳимоялашдаги каби ҳарбий тиббиёт амалиётидаги чора-тадбирларнинг қанчалик тўғри танланганлиги ва сифатли ўтказилганлигига боғлиқ.

Эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш учун 2 та услубий ёндошиш қўлланилади:

1. Шахсий таркиб орасидаги юқумли касалликлар даражаси ва структурасини битта ва фақат ўша қисмлардаги динамикасини таҳлил қилиш, ўтказиладиган чора-тадбирлар тўплами ва сифатини таққослаш орқали;
2. Турли қисмлар, қўшилмалар ёки шахсий таркиб гуруҳлари орасидаги юқумли касалликлар даражаси ва структурасини таҳлил қилиш, ўтказилган чора-тадбирлар тўплами ва сифатини таҳлил қилиш орқали.

У ёки бу текширишларнинг охирги натижаларини интерпретация қилишда эҳтиёткорроқ бўлмоқлик лозим. Самарадорлиги турлича бўлган бир қанча чора-тадбирлар сифатли ўтказилган бўлсада, юқори самарали бўлган чора-тадбирларни ҳисобини тўғри олмаслик ёлғон тасаввурларга олиб келиши мумкин. Юқумли касалликларнинг камайиши нафақат онгли равишда ёндошиб қилинган чора-тадбирларнинг, балки, хизмат шароити, жангавор тайёргарлиги ёки жангавор фаолиятлар шароитининг ўзгариши натижасида ҳам шахсий

таркиб орасида юқумли касалликларнинг юқиши ҳавфи камайишига олиб келиш мүмкін.

Кўшинни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш сифати эпидемияга қарши тизимнинг З та ўзаро бир-бири билан боғлиқ элементларида олиб борилган ишлар сифатига боғлиқ:

1. Эпидемиолого-диагностик;
2. Ташкилий-бошқарув;
3. Ижрочилик тизимларида.

БАКТЕРИОЛОГИК РАЗВЕДКА

Бактериологик разведка дейилганда, харбий қисм қўмондонлиги ва хизматлари, ҳамда қўшин разведка ўтказиш бўлинмалари, кимёвий хизмат бўлинмалари, тиббий ва вертикал хизматларни жалб қилган ҳолда душман томонидан бактериологик воситаларни қўллаш эҳтимоли борлиги тўғрисидаги барча маълумотларни ўз вақтида тўплаш; бактериологик воситаларни қўллаш усулларини аниқлаш; ҳаво, тупроқ, сув, озиқ-овқатлар, пичанларни бактериал воситалар билан заарланганлигини ўз вақтида аниқлаш ва қўлланилган бактериологик воситанинг турини аниқлаш учун ўтказиладиган комплекс чоратадбирлар тушунилади.

Бундай разведкани қисмларда тиббий хизмат бўлими бошқаради. Бактериологик разведканинг вазифаларини шартли равища 3 гурӯхга бўлиш мумкин:

1. Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилиши ҳавфи туғилганда разведка хизмати томонидан олинган маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш;
2. Бактериологик қурол индикацияси;
3. Қўлланилган бактериологик қурол масштабларини аниқлаш.

Разведка маълумотларини йиғиш ва умумлаштириш

Маълумотларни йиғиш тиббий бўлмаган хизматчилар томонидан ҳам амалга оширилади. Кўпгина йифилган маълумотларни баҳолаш учун тиббий ходим талаб этилади. Бу эса, хусусан душман қисмларида эпидемик жараён табиий йўл билан кечиши хисобига баъзи бир юқумли касалликларнинг тарқалиши хавфини эътиборга олиб, ўз қисмлари ўртасида оммавий эмлаш ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни баҳолашда бактериологик қуролдан ҳимояланиш заҳираларини яратишда ва бошқаларда аҳамиятлидир.

ИНДИКАЦИЯ. Бактериологик қурол индикацияси деганда душман томонидан бактериологик қурол қўлланилганлиги фактини ва бунда ишлатилган бактериал восита турини аниқлашга қаратилган барча чоратадбирлар мажмуаси тушунилади.

Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилганлиги фактини аниқлаш **маҳсус бўлмаган индикация** дейилади ва бунда қўлланилган қўзғатувчини аниқлашни **маҳсус индикация** дейилади. Шунга кўра, маҳсус бўлмаган индикация бактериологик қурол қўлланилган пайтда ўтказилади, маҳсус индикация эса бактериологик қурол ишлатилганда уни асоратларини йўқотишида қўлланилади. Индикацияни ўтказиш учун асосан кимёвий ва тиббий хизмат куч ва воситалари ишлатилади.

Маҳсус бўлмаган индикациянинг вазифаларини радиацион-кимёвий разведка бўлимлари ва барча ҳарбий хизматнинг кузатув постлари олиб бориши керак. Бактериологик қурол қўлланилганда шубҳа туғдирувчи ҳолатларга куйидагилар киради: снарядларни портлатиш натижасида ва душман самолётлари кетидан аэрозоль ҳосил бўлиши, ерда суюқлик томчилари, кукунсимон моддалар ёки бўғимоёқлиларни, кемирувчиларни ғайри-табиий тўпланиши ва бошқалар.

Махсус бўлмаган индикация ҳақида асосий маълумотлар

| Чора-тадбирлар | Ўтказилиш жойи | Ким ўтказади | Жиҳозлар | Ўтказилишидан мақсад |
|--|--|---|-------------------------------------|--|
| Бактериал восита кўлланилганлик фактини аниқлаш (ҳавода, ер юзида) | Кўшинларнинг жангавор жойларида, барча қисм ва муассасаларнинг жойлашган жойларида | Радиацион, кимёвий ва биологик разведка бўлинмалари. Кузатув постлари. Асосий қисмдан олдинга юбориладиган кичик қисмлар (дозорлар), разведканинг барча бўлинмалари | Асбоб-анжомлар ёрдамида. Визуал. | Кўшинларни тезда хабардор қилиш. Махсус индикация учун синама олиш ва транспортировка қилиш |

Бироқ, душман томонидан бактериологик қурол кўлланилганлиги фактини факатгина визуал (кўздан кечириш орқали) аниқлашнинг ўзи етарли эмас, бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш лозим.

Махсус индикация З босқичдан иборат:

1. Ташқи муҳит обьектларидан синамалар олиш;
2. Олинган синамаларни транспортировка қилиш;
3. Синамаларни лабораторияда текшириш.

Синамалар шундай ҳисоб-китоб билан олиниши керакки, унда душман томонидан биологик хужум учун ишлатилган микроорганизмлар миқдори максимал даражада бўлиши лозим. Бунинг учун аэрозол ўтаётган пайтда ҳаво йиғилади ёки портлаш содир бўлган жойдан снарядлар заррачалари, буюмлардан ювиндилар олинади. Шикастланиш зонасида бўлган шахсий химоя воситасига эга бўлмаган одамларнинг томоғидан суртмалар олиш тавсия этилади.

Бўғимоёқлилар бактериологик қурол сифатида кўлланилганда, улар асосий текширув обьектларига айланади.

Ташқи мұхит объектларидан (биологик заарланиш ўчоқларидан) синама олиш кимёвий, тиббий ва ветеринария хизматига юклатилади. Синамаларни оловчи кишилар ажратып олинган синамаларни яхши сақланиши учун маҳсус термоизоляцион контейнерлар билан таъминланишлари зарур.

4-жадвал

Бактериологик қурол ўчоқларидан синама олиш тартиби

| Чора-тадбирлар | Үтказилиш жойи | Ким үтказади | Жиһозлар | Үтказилишидан мақсад |
|--|---|---|---|---|
| Ташқи мұхит объекталаридан синамалар олиш, заарланған одамлар, ҳайвонлардан синамалар олиш | Заарланиш ўчоқларида, тиббий-эвакуация босқичларида | Кимёвий, тиббий ва ветеринария хизматлари бўлинмалари | Маҳсус наборлар ва синама оловчи жиҳозлар | Бактериал воситалар билан заарланған деб шубҳа қилинаётган материалларни аниқлаш. |

Синамаларни лабораторияларга транспортировкаси барча турдаги транспортларда кимёвий ва тиббий хизмат томонидан амалга оширилади. Иложи борича синамаларни олинган жойидан тўғри лабораторияга етказиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, уларни элтиш тиббий эвакуация босқичлари орқали амалга оширилиши варианtlари ҳам кўзда тутилади.

Лабораторияларга олиб келинган материалларни текшириш учун 3 гурух усуллар қўлланилади:

1. Олинган материалларни экспресс (тезкор) усулда текшириш;
2. Бойитилган материалларни экспресс усулда текшириш;
3. Классик микробиологик текширув усулларини қўллаш.

Материалларни бойитиш учун текширилаётган материалларни озуқа мухитига экилади ва улар билан лаборатория ҳайвонларини заарлайдилар. Бойитилган материални текширишни 6-48 соатдан кейин амалга оширилади.

Экспресс усуллардан *радиоиммун анализ* (РИА) ва *иммунофермент анализ* (ИФА) ҳамда гемаглютинация ва иммунофлюоресценция принциплариға асосланган бошқа усуллар ҳам қўлланилади.

Бактериал заарланганликнинг масштабларини тахминий аниқлаш

Бу масала кимёвий ва тиббий хизматлар томонидан хисоб-китоб маълумотлари ва маҳсус ҳамда маҳсус бўлмаган индикация усуллари ёрдамида ҳал этилади.

Қўшинларни эпидемияга қарши ва бактериологик (қуроллар таъсиридан) ҳимоя қилишни ташкиллаштириш


(ҳарбий эпидемиологиянинг ташкилий асослари)

Қўшинларни эпидемияга қарши ва бактериологик қуролдан ҳимоя қилишни ташкиллаштириш, одамлар орасидаги бошқа фаолиятлар сингари, тузилмалар ва функциялар нуқтаи назаридан ташкил қилинади.

Қўшинларни бактериологик қуроллардан ва эпидемияга қарши ҳимоя қилишнинг ташкилий таркиби

Қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоялаш тиббий таъминот тизимининг бир бўлаги ҳисобланади ва мустақил ташкилий тизим сифатида қўриб чиқилади. Эпидемияга қарши чора-тадбирлар ва қўшинларни бактериологик қурол таъсиридан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини аксарият ҳолларда битта ва

фақат ўша бўлимлар томонидан бажарилади. Шунга кўра, кўшинларни бактериологик қуроллар ва эпидемияга қарши ҳимоя қилишнинг ташкилий тизимиға тиббий ва нотиббий куч ва воситаларнинг мажмуаси сифатида қараш мумкин (2-чизма).



2-чизма. Қўшинларни эпидемияга қарши курашишда қўлланиладиган куч ва воситалари

Қўшинларни бактериологик қуроллар ва эпидемияга қарши ҳимоялашнинг ташкилий тузилиши асосини қўшин тиббий хизмати ташкил қиласи, у бўлинмалар, қисмлар ва қўшилмалар тиббий хизматларини бирлаштиради. Бу тиббий хизматни дивизияда- дивизия тиббий хизмати бошлиғи, полқда – полк тиббий хизмати бошлиғи бошқаради.

Бир неча қисмлар битта горнizonга жойлаштирилганда қўшинни эпидемияга қарши ва бактериологик қуролдан ҳимоя қилишни горнizon тиббий хизмати бошлиғи амалга оширади, уни эса горнizon бошлиғи буйруқ асосида тайинлади.

Тиббий хизмат ташкилий таркибининг бактериологик қуролдан ва эпидемияга қарши ҳимояси мақсадларида маҳсус тузилмалар – санитария-эпидемиология муассасалари ташкил этилган. Бу муассасаларда турли мутахассислар мавжуд: эпидемиологлар, микробиологлар, паразитологлар, дезинфекционистлар ва гигиенистлар (3-чизма).



3-чизма. Құшинни эпидемияга қарши маҳсус чора-тадбирлар

күриши учун мутахассислар билан таъминлаш

Хар бир мутахассислик янада тор мутахассисликларга бўлинади. Шундай қилиб, эпидемиологлар қўидаги мутахассисликларга ихтинослашади: эпидемиолог-антропоноз касалликлар бўйича, иммунопрофилактика бўйича, ўта хавфли инфекциялар бўйича ва ҳ.к.

Кўшиннинг эпидемияга қарши ишлари борасида барча мутахассисларнинг ишини эпидемиологлар бошқариб турадилар. Бу мақсадда тиббий ташкилотларнинг турли даражали жойларида бош эпидемиолог лавозимлари кўзда тутилган.

Кўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш юзасидан кўпгина чора-тадбирларни фақатгина тиббий хизмат кучлари билан бажарib бўлмайди. Бу чора-тадбирларни амалга оширишда кимёвий хизмат ва фронт ортидаги хизматлар ҳам ёрдам беради. Уларни бошқариш эса кимёвий ёки қўшилма командирлари зиммасида бўлади. Бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча шахсий таркиб ҳам жалб қилинади.

Кўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг мазмун ва моҳиятига қараб тиббий хизмат томонидан қўмондонлик ва материал-техник таъминот хизматдагилар учун тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилади. Бу тавсия ва таклифлар низом, йўриқнома, қўлланма ва режаларда кўрсатилиб мустаҳкамланади ҳамда албатта бажарилиши шарт бўлади.

Кўшинларда санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши ўтказиладиган чора-тадбирларни ўтказиш тиббий хизмат барча шахсий таркибининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун тиббий хизматнинг барча бўлинмалари, қисмлар ва муассасалари жалб қилинади.

Кўшинларни эпидемияга қарши таъминлашни самарали амалга оширишда замонавий профилактик воситалар билан жиҳозланган ва юқумли касалликлар билан кураш олиб бориш учун керакли мутахассисларга эга бўлган санитария-эпидемиологик муассасаларнинг ўрни жуда ҳам муҳимдир.

Санитария-эпидемиологик муассаса ва бўлинмалар тиббий хизматнинг тузилмалари бўлиб ҳисобланади. Улар малакали эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил қилиш ва уни ўтказиш, қўшинлар тиббий хизмат звеносига санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши таъминлашда услугий ва амалий

жиҳатдан ёрдам кўрсатиш ҳамда кўшинларни санитария назоратидан ўтказиш учун мўлжалланган.

Тиббий хизматнинг санитария-эпидемиологик муассаса ва бўлинмаларига: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати маркази (СЭНМ) ва ҳарбий округларнинг санитария-эпидемиологик отрядлари (СЭО) киради.

Санитария-эпидемиологик назорат маркази қуролли кучлар бўйича санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар комплексини ташкил қилиш ва уни ўтказиш учун мўлжалланган. Санитария-эпидемиология назорати маркази олдига қуидаги вазифалар қўйилган: малакали микробиологик, гигиеник ва токсикологик текширувларни ўтказади; санитария-эпидемиологик ҳолати нохуш бўлган қўшинларда изоляцион-карантин чора-тадбирларини ташкил қиласди ва ўтказади; қўшилма тиббий хизматини ўз куч ва воситалари билан кучайтиради; қўшилмалар санитария-эпидемиологик муассасалар учун – дезинфектор ва дератизаторларни тайёрлайди.

Бундан ташқари, санитария-эпидемиология назорати маркази Мудофа вазирлигининг Бош санитария шифокорининг режасига асосан қўшин ва фронтлар районларида санитария-гигиеник, эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказишни назорат қиласди ва қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш масалалари бўйича маслаҳат берувчи асосий марказ бўлиб ҳисобланади.

Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилганда, санитария-эпидемиология назорати маркази душман томонидан бактериологик воситаларни қўллаш натижасида вужудга келган оқибатларни ўчоқларда тўлиқ бартараф қилиш чора-тадбирларини ташкил қиласди ва ўтказади, қўшинлар ҳаракат олиб бораётган ҳудудларда малакали тиббий разведкани ўтказади.

Санитария-эпидемиология назорати маркази таркибида эпидемиологик, санитария-гигиеник ва ҳаракатдаги санитария-эпидемиологик бўлимлари мавжуд.

Эпидемиологик бўлимнинг таркибига: эпидемиологик, дезинфекцион, бактериологик бўлимлар, ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими ва ОИТС инфекциялари бўлими киради.

Санитария-гигиеник бўлим таркибида: санитария-назорат ва экспертиза бўлими, токсикология ва радиология бўлими, санитария-гигиеник ва токсикология лабораторияси мавжуд.

Санитария-эпидемиология марказининг бўлим ва бўлинмалари душман томонидан бактериологик воситалар қўлланилганлигини аниқлаш мақсадида бактериологик, вирусологик ва бошқа текширувларни ўтказади. Кўшинлар шахсий таркиби орасида пайдо бўлган маълум бир касалликнинг инкубацион даврини аниқлайди.

Юқумли касалликлар манбаи ва тарқатувчилари бўлиб гумон қилинадиган кемирувчилар, ҳайвонлар, қушлар ва ҳашаротлар орасида касалланганларни аниқлайди.

Бунда табиий ва энзоотик (бирор географик шароитга хос бўлиб, ўша ердаги ҳайвонлар ўртасида тарқалган) юқумли касалликлар ўчоқлари чегаралари аниқланади ва ўша худудларда жойлашган қўшинлар орасида эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштириш учун эпидемиологик прогнозни тузиб чиқади.

Юқумли касалликларни олдиндан ташхис қилиш, сувни, ҳавони, тупроқни, озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқаларни заарланганлигини тезда аниқлаш учун янги замонавий лаборатория-диагностик ва экспресс усулларни излаб топади ва уни амалда синаб кўради.

Озиқ-овқат омборларига келтирилган маҳсулотларнинг сифатини ва санитария-гигиеник қоидалари талабларига асосан сақланиши назоратини ўтказиб боради. Тайёрланган овқатлар сифатини ва сувнинг бактериал, радиоактив ва заҳарловчи моддалар билан заарланганлигини аниқлаш

мақсадида лаборатория назоратини ўтказади ва уларни истеъмол қилиш учун хулоса чиқаради.

Бундан ташқари, барча санитария-эпидемиологик лабораторияларни махсус лаборатория жиҳозлари, реактивлар, диагностик препаратлар, зардолар, замбуруғ ва микроблар ўстириш учун мосланган муҳитлар ва бошқалар билан таъминлашни режалаштиради. Уларнинг тиббий таъминот органлари томонидан етказиб берилишини назорат қиласи; душман томонидан бактериал курол қўлланилган шароитларда, жанг олиб борилаётган фронтларда ишлаш учун тиббий таркиб махсус тайёргарлигини бошқариб боради; ўзининг ўкув бўлимида лаборантларни тайёрлайди ҳамда шифокор-бактериологлар, шифокор-гигиенистларнинг ўзи ишилаётган жойларида тайёргарлигини ўтказади.

Кўшинларни бактерияга қарши ҳимоялаш чора-тадбирларини режалаштиришни ишлаб чиқиша иштирок этади ва уларнинг ҳарбий қисмларда ва қўшилмаларда бажарилиши назоратини ўтказиб боради. Жойлар, жанговор техника, транспорт воситалари ва бошқа объектлар дезинфекция қилиниши сифатли ўтказилганлиги устидан ва барча озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда сувни радиоактив ва заҳарловчи моддалар, патоген микроорганизмлар билан заарланганлигини аниқлаш мақсадида лаборатория назоратини ўтказиб боради.

Ҳаракатдаги санитария-эпидемиологик бўлим (ҲСЭБ)

Малакали санитария-эпидемиологик ва бактериологик разведка ўтказиш, қўшинларда санитария-гигиеник ва бактериологик текширувларни ўтказиш, қўшинлар ҳаракат қилаётган худудларда пайдо бўлган эпидемик ўчоқларни ва бактериологик заарланиш ўчоқларини йўқотиш учун қўшинларда эпидемияга

қарши ишларни олиб бориш учун мўлжалланган. Ҳаракатдаги санитария-эпидемиологик бўлим жуда ҳаракатчан.

Ҳаракатдаги санитария-эпидемиологик бўлим қўшинлар тиббий хизматини кучайтириш учун қўлланилади. Бундан ташқари, керак бўлган вақтларда алоҳида йўналиш бўйича ёки районларда санитария-эпидемиологик отряддан алоҳида бўлган ҳолда, мустақил равишда олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун қўлланилиши мумкин.

Дезинфекцион бўлим ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва муассасалар шахсий таркибига эпидемик кўрсатмаларга асосан маҳсус ишлов ўтказиш ёки душман томонидан оммавий қирғин қуроллари (ОҚҚ) қўлланилганда, қўшинлар шахсий таркиби жойлашиб турган жойларда пайдо бўлган бактериал заарланиш ва юқумли касалликлар ўчоғида дезинфекцион ва дератизацион чора-тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган.

Дезинфекцион бўлим жуда катта ўтказувчанлик имкониятига эга: бир соат ишлаш мобайнида 50 кишини ва уларнинг кийим-кечакларини тўлиқ маҳсус ишловдан ўтказади. Бўлимнинг бошлиғи бўлиб шифокор ҳисобланади, унинг қўл остида фельдшерлар, санитария бўйича йўриқчи дзинфектор ва бошқалар ишлайди.

Дезинфекцион бўлим дезинфекцион – душ мосламаси, сув ташиш учун, 400 литр ҳажмга эга бўлган (АвЦ-28) автоцистерна, сув сақлаш учун идишлар (РЕ-6000 маркали идишлар) ва бошқалар билан жиҳозланган.

Санитария-эпидемиологик отряд (СЭО) тиббий хизматнинг маҳсус муассасалари бўлиб ҳисобланади. Улар зиммасига қўшинларда санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш устидан назорат қилиб бориш ва услубий бошқарув ишларини олиб бориш юклатилган. Улар пайдо бўлган катта эпидемик ўчоқларни ва айрим ҳолларда ўта хавфли юқумли касалликларни йўқотишда бевосита қатнашадилар.

Санитария-эпидемиологик отряд таркибida юқори малакали мутахассислар: эпидемиолог, бактериолог, вирусолог, инфекционист, гигиенист, радиолог, токсиколог, химик ва бошқалар ишлашади.

Улар ишлаш вақтида автомобиль шоссесига ўрнатилган (дала тибий лабораторияси - ДТЛ) санитария-эпидемиологик лабораториядан, автомобиль шоссесига ўрнатилган дезинфекцион-душ мосламасидан ва бошқа дезинфекцион техникалардан, ҳамда дала шароитида ишлаш учун лаборатория жиҳозлари дала тўпламлари ва бошқалардан фойдаланадилар.

Санитария-эпидемиологик отряд мутахассислари қўшинларда санитария-эпидемиологик разведкани ташкил қиласди ва уни ўтказади. Қўшинларда шахсий таркибнинг касалланишини ўрганади ва уни таҳлил қиласди.

Санитария-эпидемиологик отряднинг зиммасига қўшинларда дезинфекцион ишларни тўлиқ ташкил қилиш устидан услубий бошқарув олиб бориш ва уни амалда ўтказиш устидан назорат қилиб бориш ва уни ўтказиш ҳамда қўшинларда дезинфекцион, дезинсекцион ва дератизацион чора-тадбирларни бевосита ўтказиш юклатилган.

Ушбу муассасалар тўлиқ ҳажмда кенгайтирилган схема бўйича бактериологик қуролни индикация қилишни ташкил қилиш ва уни ўтказиш устидан шуғулланишлари ва яқуний жавобни беришлари керак. Санитария-эпидемиологик отряд мутахассислари озиқ-овқатлар ва ем-хашак экспертизасини ўтказадилар. Агарда улар бактериал рецептуралар, радиоактив ва заҳарловчи моддалар билан заарланган бўлса, улардан фойдаланиш масалаласини ҳал қиласдилар. Бундан ташқари, улар қўшинлар жойлашиб турган жойларда пайдо бўлган катта бактериологик заарланиш ўчоқларини йўқотиш учун обсервация-карантин ва бошқа чора-тадбирларни ташкил қилишади ва амалга тадбиқ қиласдилар.

Санитария-эпидемиологик муассасалар билан яқин алоқада ҳарбий дала юқумли касалликлар госпитали (ХДЮОКГ) ва ўта хавфли юқумли касалликлар

учун мўлжалланган ҳарбий дала юқумли касалликлар госпитали (ЎҲЮКХДЮКГ) ишлашади. Бу иккита типдаги госпиталлар дала шароитида даволаш муассасалари бўлиб ҳисобланади ва юқумли касалликлар билан касалланганларни, шунинг билан биргаликда, бактериологик қурол таъсиридан заарланганларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган. Ҳарбий дала юқумли касалликлар госпитали икки гурух юқумли касалликлар турларини, масалан: ҳаво-томчи ва ичак орқали юқадиган юқумли касалликларни бир вақтнинг ўзида иккаласини ёки бўлмаса битта турдагисини қабул қилиш, жойлаштириш ва даволаш имкониятига эга. ЎҲЮК ХДЮКГ маълум бир турдаги ўта ҳавфли юқумли касалликларни (вабо, ўлат) қабул қилиш, жойлаштириш ва даволаши мумкин.

Ҳарбий-дала юқумли касалликлари госпиталининг асосий вазифалари: юқумли касалликлар билан касалланганларга маҳсус тиббий ёрдам кўрсатиш, алоҳида тиббий отрядлар, айрим ҳолларда бригада тиббий пунктлари изоляторларидан юқумли касаллик билан касалланганларни эвакуация қилиш, госпиталга касалларни олиб келган транспорт воситаларини дезинфекция қилиш ҳисобланади. ХДЮКГ ўзи жойлашган жойда санитария-эпидемиологик разведка ва эпидемиологик кузатувни ўтказиб боради. Бошқа санитария-эпидемиологик муассасалар билан биргаликда эпидемик ўчоқлар ва бактериологик заарланиш ўчоқларини кенгайишига йўл қўймаслик ва уни йўқотиши ишларида иштирок этади.

ҲДЮКГ ва ЎҲЮКГлар учун мўлжалланган ҳарбий дала юқумли касалликлар госпитали юқумли касалликлар билан касалланганларни госпитализация қилиш ва уларни даволашда тиббий-эвакуацион босқичларни охири бўлиб ҳисобланади. Ушбу госпиталлардан касалларни фронт ортига эвакуация қилиш, фақатгина душман томонидан госпитал жойлашиб турган жойларни ишғол қилиш ҳавфи туғилган пайтда ўз қўшинларимизни мажбурий равища чекиниши вақтида ва бошқа ҳолларда амалга оширилади.

ХДЮОКГ замонавий шароитларда юқумли касалликлар пайдо бўлган катта эпидемик ўчоқларда ёки бактериал заарланиш ўчоқларига яқинлаштириб жойлаштирилган ҳолда ўз ишини ташкил қиласди.

ХДЮОКГ бўлинмалари бўлиб: қабул қилиш – диагностик (санитария-пропускниги билан) ва даволаш (одатда иккита) бўлинмалари ҳисобланади. Бундан ташқари, госпитал таркибида дорихона, клиник ва бактериологик лаборатория, хўжалик ва транспорт бўлинмалари ҳамда дезинфекцион техникалар мавжуд.

Қабул қилиш-диагностик бўлинмасида юқумли касалликлар билан касалланганлар қабул қилинади, тиббий саралаш ўтказилади ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилади ҳамда уларга тўлиқ маҳсус ишлов ўтказилади. Ташхиси аниқ бўлмаган bemorlar va vaqtincha diagnostik palatalarga жойлаштириладилар. Юқумли касалликлар билан касалланган bemorlararga тўлиқ ташхис кўйилган бўлса, унда улар даволаш учун даволаш бўлимларига жойлаштириладилар. Ҳар бир бўлимда ўзининг изоляция қилинган ҳожатхоналари бўлиши керак, қўлларни ювиш учун дезинфекцион воситалар (0,5% ли хлорамин ёки оқартирилган хлорли оҳакнинг эритмаси) бўлиши керак.

ХДЮОКГ ишлашини ташкил қилишда касалларни алоҳида-алоҳида ажратиш принципи ётиши керақ, яъни турли юқумли касалликлар билан касалланган касаллар ва юқумли касалликларнинг турли кўринишларида бўлса, улар алоҳида жойлаштирилишлари керак.

Юқумли касалликлар билан касалланганларга ёрдам кўрсатаётган шахсий таркибининг заарланиши ҳамда госпиталдан ташқарига юқумли касаллик тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида эпидемияга қарши режимга амал қилиниши керак.

Оператив ва эпидемик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий дала юқумли касалликлар госпитали ўз ишини амалиётда ҳар қандай жойда ташкил қилиши мумкин. Ҳарбий дала юқумли касалликлар госпитали ишини ташкил қилаётган

вақтда қурук, кўқаламзор бўлган жойлар танланган бўлиши керак. Шунинг билан биргаликда, у аҳоли яшайдиган пунктлардан, сув манбаларидан узоқроқда жойлаштирилиши керак. Сув билан таъминлаш учун алоҳида қудук ёки сув манбалари ажратилган бўлиши керак.

Замонавий урушларни олиб боришда жуда катта эпидемик ўчоқларни пайдо бўлишини инобатга олган ҳолда, юқумли касалликлар билан касалланганларни госпитализация қилинишини қўйидагича амалга оширилиши мумкин: контагиоз бўлмаган юқумли касалликлар билан касалланган bemорлар (туляремия, кора оқсоқ, Ку-иситмаси ва бошқалар) ҳарбий дала госпиталига юборилади; кам контагиоз бўлган юқумли касалликлар билан касалланганлар (ич терлама, ичбуруғ, дифтерия, ўпка ва ичак куйдиргиси, пситаккоз ва бошқалар) ҳарбий дала юқумли касалликлар госпиталига юборилади; юқори контагиоз бўлган ўта ҳавфли юқумли касалликлар билан касалланган bemорлар (ўлат, вабо, чечак) ўта ҳавфли юқумли касалликлар учун мўлжалланган ҳарбий дала юқумли касалликлар госпиталига юборилади.

Фуқаро мудофасининг куч ва воситалари

Фуқаро мудофаси – умумдавлат мудофа чора-тадбирлари мажмуаси бўлиб, аҳолини оммавий қирғин қуроллари таъсиридан ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Душман томонидан қўлланилган оммавий қирғин қуролларининг асоратларини йўқотиш учун фуқаро мудофасининг жанговор қисмлари, фуқаро мудофаси муассасаси хизматлари, фуқаро мудофаси тузилмалари кенг халқ оммаси билан биргаликда иш олиб борадилар.

Жанговор қисмлар одатда разведка ишларини ўтказиш ва қутқарув ишлари учун қўлланилади.


Тиббий-лаборатория бўлимлари микробиологик текширувлар ўтказишида иштирок этадилар. Фуқаро мудофаси тузилмалари заарланиш ўчоқларида маҳсус чора-тадбирларни амалга оширадилар. Фуқаро мудофаси тузилмасининг эпидемияга қарши чора-тадбирларини ўтказиши шарт бўлган тиббий хизмат бўлимларига ҳаракатдаги эпидемияга қарши отрядлар (ҲЭҚО) ва маҳсус эпидемияга қарши бригадалар (МЭҚБ) киради. Улар соғлиқни сақлаш органларининг санитария-эпидемиология муассасалари қошида ташкил этилади.

Шаҳар ишлаб чиқариш ва коммунал ҳўжаликлари қошида ҳудудни ва жиҳозларни заарсизлантириш жойлари, стационар юувучи пунктлар, техника, кийимларни заарсизлантириш станциялари ташкил этилади.

ҚЎШИНЛАРДА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ АСОСЛАРИ

Эпидемияга қарши чора-тадбирлар мажмуи

Ҳарбий эпидемиологияда ҳам, умумий эпидемиологияда қабул қилингани сингари эпидемияга қарши чора-тадбирлар гурӯхлари (қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлари) қўлланилади. Шунга мос равишда эпидемик жараённинг алоҳида звеноларига йўналиши ва белгилари бўйича бўлинган чора-тадбирлар гурӯхи ҳақида, эпидемияга қарши воситаларнинг қўлланилиши (ёки қўлланилмаслиги), шунингдек, касалланиш ёки заарланишнинг олдини олиши ҳақида гапириш мумкин. Қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилишнинг бош мақсадига кўра, чора-тадбирларнинг 3 та йўналишини ажратиш мумкин 43-чизма)



4-чизма. Кўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилишининг 3 та йўналиши

Ҳарбий қисм шахсий таркиби орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш, қисм ҳамда қўшинлардаги эпидемик ўчоқларни ўз вақтида бартараф этиш, юқумли касалликларнинг умумий даражасини пасайишига олиб келади, кутилган натижага эришиш учун эса саккизта гурӯх чора-тадбирларни ўтказиш лозим бўлади.

Саккизта гурӯх чора-тадбирлардан баъзилари эпидемияга қарши воситаларни талаб қилса, бошқалари ташкилий характерга эга бўлади, баъзилари касаллик юқишининг олдини олса, бошқалари касалликнинг олдини олади. Қўшин ичига инфекция олиб кирилишининг олдини олиш ва қисмдан инфекциянинг ташқарига олиб чиқилишининг олдини олиш ҳарбий эпидемиологияда асосий ташкилий характерга эга бўлади.

Чизмада эпидемиологодиагностик усувлар ҳам қўрсатилган бўлиб, ҳар уччала йўналишдаги чора-тадбирларни аниқлаштиришга қаратилган.

Чизмада кўрсатилган ҳар бир ҳолат бўйича энг кўп самара берувчи чора-тадбирлар ажратиб олинади. Ҳарбий эпидемиологияда асосий чора-тадбирларни ажратиб олиш учун барча уччала умум эпидемиологик ёндашувлар қўлланилади:

1. Юқумли касалликларнинг турлари ва унинг асосий сабабларини аниқлаш бўйича эпидемиологик ташҳисот натижаларини қўллаш;
2. Эпидемик жараённинг ривожланиш шароитлари ва унинг асосий сабабларини аниқлаш бўйича эпидемиологик ташҳисот натижаларини қўллаш;
3. Эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг потенциал самарадорлигини баҳолаш ва уларни амалиётда қўллашнинг мумкинлиги.

Ҳарбий-тиббий хизмат мақсадлари учун юқумли касалликлар профилактикасининг шундай усул ва воситалари танлаб олинади ва ишлаб чиқиладики, уларни дала шароитида қўллаш қулай бўлсин.

Қўшинларни бактериологик қуролдан ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирлар мажмуси

Қўшинларни бактериологик қурол таъсиридан ҳимоя қилиш, қўшинларни оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя қилиш тизимининг бир қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қўшинларни бактериологик қуролдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари қўшинларни оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларга ўхшаб кетади. Шунга мос равишда чора-тадбирлар 3 та гурухга ажратилади ва қуйидагича ўтказилади:

1. Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилиши хавфи тахмин қилинаётган вақтда;
2. Бактериологик қурол қўлланилган вақтда;
3. Бактериологик қуролни қўллаш натижасида юзага келган оқибатларни бартараф қилиш чоғида.

Чора-тадбирларнинг мазмунига кўра қўшинларни бактериологик қуролдан ҳимоя қилиш чораларини оператив-тактик ва маҳсус турларга бўлиш мумкин. Маҳсус чора-тадбирлар комплекси таркибида тиббий чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Бактериологик қуролнинг ўзига хос хусусияти яна шу ҳолатда ҳам кўринадики, кўпгина оператив-тактик ва маҳсус тиббий бўлмаган чора-тадбирларни баҳолаш ҳам тиббий аралашувни талаб этади. Қўшинларни бактериологик қуролдан ҳимоя қилиш юзасидан тиббий чора-тадбирларнинг мазмуни қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш чора-тадбирларидан келиб чиқади.

Тиббий хизмат ходимлари ишини талаб қилувчи бактериологик қуролга қарши ўтказиладиган тиббий ва тиббий бўлмаган хизмат чора-тадбирларининг асосий гурухлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Биологик (бактериологик) кузатув (разведка)

2. Шахсий ва колектив ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш
3. Тартибли чегараловчи чора-тадбирлар
4. Эмлаш ва тезкор профилактика
5. Зарарсизлантириш
6. Даволаш-эвакуацион чора-тадбирлар

Бактериологик заарланиш ўчоқларида шахсий ва коллектив ҳимоя воситаларини қўллаш

Механик ҳимоя воситалари душман томонидан бактериологик курол қўлланилганлиги ҳақида хабар олиниши биланоқ ва носпецифик индикация маълумотларига асосан қўлланилади. Бунда ишлатилувчи шахсий ва коллектив ҳимоя воситалари умуман олганда оммавий қирғин куролларидан ҳимоя қилишга мўлжалланган.

Шахсий ҳимоя воситаларига нафас органлари ва ташқи қопламаларни ҳимоя қилувчи воситалар киради. Бактериологик куролнинг заарловчи таъсирининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кўпроқ шахсий ҳимоя воситаларининг нафас органларини ҳимояловчилари катта аҳамият касб этади. Улар икки хил, яъни фильтрловчи типда ва алохидаловчи типда бўлиши мумкин.

Нафас органларини оммавий ҳимоя қилувчи воситалари бўлиб фильтрловчи типдаги противогазлар ҳисобланади. Улар мавжуд барча бактериологик воситаларга қарши самарали жиҳоз ҳисобланади. Агарда противогазлар носоз бўлса, у ҳолда турли хилдаги респираторлардан ёки қўл остида мавжуд бўлган бошқа воситалардан (дастрўмол, шинел ёқалари ва бошқалардан) фойдаланиш мумкин. Дастрўмолларнинг 16 қават қилиб тахланганлари 94% патоген микроорганизмларни тутиб қолишлари исботланган, дока-пахтали ниқоб эса – 20% микробларни ушлаб қоларкан.

Шундай қилиб, қўл остидаги воситалар фақатгина заарланиш дозасини камайтиради, бироқ, бактериал воситаларнинг организмга киришини ҳар доим ҳам тўлиқ олдини ололмайди.

Тери қопламалари ва кийим-кечакларни ҳимоя қилиш учун кимёвий таъсирларга қарши индивидуал ҳимоя воситалари қўлланилади. Нафас органлари билан бир вақтда кўз ҳам противогаз маскаси ёрдамида ҳимоя қилинади.

Коллектив ҳимоя воситалари бўлиб турли хил герметик, яъни зич беркилувчи (ертўлалар) жойлар хизмат қиласди. Масалан: метрополитен станциялари ва б.к. Уларга қўйиладиган талаб шундай бўладики, тўлиқ изоляция ҳолатида ишлай олишлари ва фильтровчи ускуналар билан таъминланган бўлиши керак.

Изоляцион ва даволаш-диагностик чора-тадбирлар

Қўшинлар орасида изоляцион ва даволаш-диагностик чора-тадбирлар ўз олдига юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бўлинмалардан ажратиш ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш каби мақсадларни қўяди. Бунинг учун шахсий таркиб устидан доимий тиббий кузатув ўрнатилади. Юқумли касалликка шубҳа қилинган bemорлар, қисм тиббий пунктининг изоляторига жойлаштириладилар. Касалликнинг юқумлилик характеристи тасдиқланса, bemорларни юқумли касаликлар бўлимига ёки юқумли касалликлар госпиталига ётказилади. Қисмнинг изоляторида фақатгина асоратлари аниқланмаган касалликларни даволаш мумкин. Юқумли касаллик ҳолатлари рўй берганда тиббий хизмат бошлиғи бу ҳақда қисм қўмондони ва ўзидан юқори турувчи тиббий бошлиғига хабар беради.

Қисмда тиббий кузатув ишларини тиббий хизмат бошлиги ташкиллаштиради. Кузатув қисмдаги барча тиббий таркиб ходимлари томонидан ўтказилади: амбулатория қабулида, тиббий кўрик вақтларида ва ҳ.к.

Беморларни аниқлашнинг асосий усули бўлиб шикоят қилиб келган шахсий таркиб кишиларини сўраб-сурештириш ва клиник текширувдан ўтказиш ҳисобланади.

Бир қатор ҳарбий хизматчиларни тиббий қўриқдан ўтказишга тўғри келади (Мудофа вазирлиги Марказий ҳарбий тиббий бошқарма буйруги асосида). Клиник текширув ва лаборатория текширувларини ўтказиш учун госпиталлар ва санитария-эпидемиология муассасалари мутахассислари жалб қилинади.

Махсус тиббий текширувдан, қўйидаги ҳарбий хизматчилар ўтказиладилар, яъни, таътилдан ва хизмат сафаридан қайтганлар ҳамда ошхоналарда суткалик навбатчиликда турувчилар.

Қўшинлар стационар шароитда жойлаштирилган вақтларда қисмлар тиббий пунктларининг изоляторлари одатда 5-6 ўриндан иборат қилиб жиҳозланади ва икки хил гурӯҳ инфекцияларига мўлжалланади: ичак инфекциялари ва нафас йўллари инфекциялари гурухига.

Изоляторлар учун имконият даражасида алоҳида хоналар ажратилади, уларга алоҳида идиш-товоқлар ва ўрин-кўрпалар, дезинфекцияловчи моддалар, дезинфекция ўтказиш учун аппаратуралар ажратилади. Беморларга изоляторларда хизмат кўрсатиш учун махсус тайёргарликдан ўтган алоҳида ходимлар ажратилади.

Грипп касаллиги ва ўткир респиратор касалликлар авж олган даврда вақтинчалик изоляторлар ташкил қилиниши мумкин.

Даволаш-эвакуация чора-тадбирлари тушунчасининг мазмуни. Замонавий даволаш-эвакуация чора-тадбирлари тизими

Ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган (ёки уруш) вақтларда юқумли касалликлар билан оғриган bemорларга хизмат кўрсатишнинг шундай шакллари талаб қилинадики, у қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: биринчидан, bemорларга маҳсус ва малакали ёрдам кўрсатиш, иккинчи томондан – инфекцияни фронтдан фронт ортига ўтишининг олдини олиш ва тиббий эвакуация босқичларида касалхона ичи инфекциялари юқтирилишининг олдини олиш.

Даволаш-эвакуация чора-тадбирлар қўшинларнинг жангавор ҳаракатлари тиббий таъминотининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Даволаш-эвакуация чора-тадбирлари деганда, ярадорлар ва касалларга ўз вақтида илмий жиҳатдан асосланган тиббий хизмат кўрсатиш ва уларни даволаш ишларининг узлуксизлигини сақлаган ҳолда эвакуация қилиш тушунилади. Даволаш-эвакуация чора-тадбирларига ўз вақтида ярадор ва касалларни жанг майдонида қидириб топиш ва тўплаш, уларга узлуксизликни сақлаган ҳолда тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш, шунингдек, тез вақт ичida ярадор ва касалларни жангаворлик ва меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш учун тегишли бўлган эвакуация босқичларига тиббий эвакуация қилиш киради.

Ҳарбий тиббиёт тарихида қўшинларни даволаш-эвакуация таъминотини ташкил қилишнинг кўпдан-кўп турлари ва услублари бўлганлигидан далолат беради. Улар урушларда тиббий хизматнинг конкрет фаолияти ва шартларини акс эттирганлар. Ўтган замонлардан қўшинларни даволаш-эвакуация таъминлашни ташкил қилишда кўлланилган кўпдан-кўп турлари ва услублари таҳлил қилинганда иккита асосий тизимнинг мавжудлиги кўзга ташланади.

Биринчи тизим, ярадорлар ва касалларни жангавор ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларга яқин бўлган жойларда бевосита даволашга ҳаракат

қилинганилиги билан характерланади. Бу “ўз жойида даволаш” номи билан аталган, иккинчи тизим эса ярадорлар ва касалларни жангавор ҳаракатлар олиб борилаётган худудлардан имконият борича узоқ бўлган фронт ортига эвакуация қилишга ҳаракат қилинганилиги билан характерланган ва бу “эвакуация тизими” деб номланган.

Юқорида кўрсатилган ҳар бир тизимнинг яхши томони ҳам, камчилиги ҳам бўлган. “Ўз жойида даволаш” тизимини қўллаш тиббиёт илмининг талаблариға тўлиқ мос келган. У таъкидланганидек, ярадорлар ва касалларни даволашда тинчликни таъминлаш асосий терапевтик чора ҳисобланади, чунки кўп ҳолларда жароҳатланиш ва касалланишни даволашда яхши натижаларга олиб келган. Бунда ярадорлар ва касаллар узоқ масофаларга транспортировка қилишининг нокулай таъсиридан ҳоли бўлганлар. Ҳозирги вақтда бу тизим фуқаро соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан кенг қўлланилиб келинмоқда.

Илгари бўлиб ўтган урушларда ярадорлар ва касалларни эвакуация қилиш даволаш ишларини ўтказишда ажратилган ҳолда олиб борилган, яъни бир-бiriдан узилмас бўлган даволаш ва эвакуация жараёни сунъий равишида алоҳида қисмларга ажратиб ташланган. Улар орасидаги тиббий-увзий боғиқлик йўқолган. Тиббий пунктлар ва госпиталлар орасида ярадорлар ва беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам кетма-кет ва узвий равишида кўрсатилиши умуман бўлмаган.

Илгари бўлиб ўтган урушларда қўшинлар жангавор ҳаракатлар олиб бораётган худудларнинг яқинда жойлашган ва кўп сонли ярадорлар ҳамда касалларни қабул қилиш имкониятига эга бўлган, узоқ муддат ичida уларни даволаш учун керак бўлган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган маълум бир турдаги ҳарбий дала госпиталлари бўлмаган, замонавий урушларда ҳам бу ҳолат камдан кам учрайди. Чунки йирик ҳарбий дала госпиталларини душман таъсиридан яшириш жуда ҳам қийин. Замонавий урушларда қўшинларнинг жангавор ҳаракатларини юқори суръатда, узлуксиз кечаю-кундуз, кенг фронт

бўйлаб олиб борилиши ҳарбий дала госпиталларидан юқори даражада ҳаракатчан бўлишни талаб қиласди.

Кўшинлар ортидан йирик ҳарбий дала госпиталларини кўчириш жуда оғир жараён бўлиб ҳисобланади, негаки госпитални ёпиш ва йиғиштириш ҳамда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш кўп вақтни олади.

Шундай қилиб, бўлиб ўтган урушлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу тизимларни мустакил ташкилий шаклда ишлатиш камдан-кам ҳолларда учраган. Кўп ҳолларда ярадорлар ва касалларни кўшинлар жангавор ҳаракатлар олиб бораётган ҳудудларда ўз жойида даволаш ва фронт ортига эвакуация қилиш биргаликда олиб борилган. Лекин айрим ҳолатларда ўз жойида даволаш тизими устунроқ қўлланилган бўлса, бошқа вақтларда эвакуацион тизимдан устунроқ фойдаланилган.

Тиббий эвакуация босқичи ҳақида тушунча ва унга юклатилган вазифалар

Даволаш-эвакуацион чора-тадбирлари тизими биринчидан, ярадорлар ва касалларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволашни, иккинчидан, ярадорлар ва касалларни эвакуация қилишни ўз ичига олади. Ярадорлар ва касаллар жанг майдонидан фронт ортига қараб аниқ белгиланган масофалардан кетма-кет жойлаштирилган тиббий пунктларга, даволаш муассасалари олиб келинади. Бу тиббий пунктлар ва даволаш муассасалари – тиббий эвакуация босқичлари деб аталади.

Тиббий эвакуация босқичи дейилганда, ярадорлар ва касалларни қабул қилиш, саралаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни даволаш ва кейинги босқичга эвакуация қилишга муҳтож бўлганларни эвакуация қилишга тайёрлаш учун эвакуация йўлларида жойлаштирилган тиббий хизматнинг куч ва

воситалари (тиббий бўлинмалар, қисмлар ва даволаш муассасалари) тушунилади.


Замонавий шароитларда Ўзбекистон Куролли Кучларида асосий тиббий эвакуация босқичлари бўлиб: бригадалар тиббий пунктлари, алоҳида тиббий отрядлар ва ҳарбий дала госпиталлари ҳисобланади. Батальон тиббий пункти ҳам тиббий эвакуация босқичи бўлиши мумкин, агарда у жойида ёйилиб ишлаш учун жойлаштирилган бўлса, масалан, мудофа жангини олиб бориш даврида.

Тиббий эвакуация босқичлари даволаш-эвакуация чора-тадбирлар тизимида тутган ўрнига, фронт орти, жангавор ва тиббий вазиятларга боғлиқ ҳолда ишларни ташкил қилишда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Тиббий эвакуация босқичларини белгилайдиган шароитларнинг ҳар хил бўлишига қарамасдан, уларни ташкил қилиш асосида умумий принциплар ётади.

Тиббий эвакуация босқичлари қўшинларни тиббий таъминлаш тизимидаги тутган ўрнига қарамасдан, ҳар бир боскич учун умумий бўлган куйидаги асосий вазифаларни бажаришади:

- ярадорлар ва касалларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, тиббий саралаш ўтказиш;
- маҳсус ишлов бўлимида қўрсатмаларга асосан ярадорлар ва касалларга санитария ишлови ўтказиш, уларнинг кийим-боши ва аслаҳа-анжомларини дезинфекция, дезинсекция, дезактивация, дегазация қилиш;
- ярадорлар ва касалларга тиббий ёрдам қўрсатиш;
- алоҳида тиббий отряддан бошлаб, кейинги барча босқичларда ярадорлар ва касалларни стационар шароитда даволашга интилиш;
- кейинги тиббий эвакуация босқичларида даволаниши керак бўлган ярадорлар ва касалларни эвакуацияга тайёрлаш;
- юқумли касалликлар билан касалланганларни изоляция қилиш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун ҳар бир тиббий эвакуация босқичида тегишли функционал бўлимларни ташкил қилиш назарда тутилади. Тиббий эвакуация босқичининг тузилиши 5 –чизмада кўрсатилган.



5-чизма. Тиббий эвакуация босқичининг чизмаси.

Бригада тиббий пункти (алоҳида тиббий отряд) таркибида саралаш-эвакуация бўлими бўлади. Бу ерда ярадорлар ва касалларни қабул қилиш ва тиббий саралаш ўтказиш ҳамда кейинги тиббий эвакуация босқичларига эвакуация қилинадиганларни танлаш ишлари ўтказилади. Ҳарбий дала госпиталларида ярадорлар ва касалларни қабул қилиш, уларга тиббий саралаш ўтказиш учун қабул қилиш-саралаш бўлими ташкил қилинади. Ушбу бўлинмалар таркибида ярадорлар ва касалларга санитария ишловини ўтказиш, кийим-кечакларни ва аслаҳа-анжомларни дезинфекция, дезактивация ва дегазация қилиш учун функционал бўлим мавжуд. Масалан, бригада тиббий пункти таркибида махсус ишлов ўтказиш майдончаси, алоҳида тиббий отряд ва

ҳарбий дала госпиталлари таркибида маҳсус ишлов ўтказиш бўлимлари ташкил қилинади.

Тиббий эвакуация босқичларида эпидемияга қарши тартиб (режим) – бу чора-тадбирлар тизими бўлиб, олдига қўйилган мақсадлар қўйидагилар: инфекциянинг шу босқич чегараларидан ташқарига чиқиб кетишига йўл қўймаслик ва госпитал инфекцияларнинг тарқалиб кетишига имкон бермаслик. Бунинг учун энг аввало, жиддий эътибор билан ярадорлар ва беморларни тиббий саралашдан ўтказилади. Бундан мақсад юқумли касалликка гумон қилинаётганларни ва юқумли касаллик билан оғриган беморларни ўз вақтида аниқлашдир.

Жиддий эътибор бу ерда тиббий саралаш бўлимига қаратилади. Бу ерда юқумли касаллик билан оғриган беморларни ярадорлар ва касаллар орасидан аниқлаш учун беморларга тўлдирилган хужжатларни синчиклаб кўздан кечирилади, уларни кўрикдан ўтказилади ва сўраб-суриштирилади, бу ишлар ярадорлар ва касаллар учун тўлдирилган хужжатларни кўздан кечириш, уларни кўрикдан ўтказиш ва сўраб-суриштириш орқали аниқлаб олинади, бу ишлар bemорларни автомобиллардан туширмай туриб бажарилади, юқумли касалликлар аниқланганда автомобиль тўғри ҳарбий дала юқумли касалликлар госпитали (ХДЮКГ)га жўнатилади.

Тиббий эвакуация босқичлари йўлидаги эпидемияга қарши тўсиқ бўлиб ҳарбий дала саралаш госпитали (ХДСГ) ва эвакуацион бўлимлар ҳисобланади. ХДСГ-ларида юқумли касалликларни аниқлаш, госпитал базаларга эвакуацион кўрсатмаларсиз тушаётган ярадорлар ва касалларни саралаш жараёнларида амалга оширилади. Шунингдек, юқумли касалликлар билан оғриганларни аниқлаш госпитал базалардан ярадорлар ва беморларни темир йўл транспорти, сув ва ҳаво транспортлари орқали эвакуация қилиш чоғларида ҳам эвакопунктлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Қандай йўл ва қандай ҳолат билан аниқланишидан қатъий назар, барча аниқланган юқумли касаллик bemorлари изоляторларга изоляция қилинадилар ва ХДЮКГга госпитализация қилинадилар. Шу йўл билан госпитал базаларда юқумли касалликларнинг тарқалиб кетиши ва касалликларнинг эвакуация қилинаётган ярадорлар ва bemorлар билан мамлакат ичкари ҳудудларига олиб кирилишининг олди олинади.

Юқумли касалликлар билан оғриганларни аниқлаш ҳар бир ҳарбий госпиталларнинг қабул қилиш саралаш бўлимларида ҳам амалга оширилади. Саралаш постида санитар инструктор (тиббиёт ҳамшираси, маҳсус тайёрланган санитар) дозиметрия натижалари, тиббий хужжатлар билан танишиш, ярадорлар ва bemorларни сўраб-суриштириш, шунингдек, уларни олиб келганлардан сўраш (ҳайдовчилар ва б.к.), зарур ҳолатларда ярадорлар ва bemorларни кўриқдан ўтказиш орқали 3 та йўналишни белгилайди. Ярадорлар ва bemorлар юқумли касалликка шубҳа қилинганларида, уларни изоляторга жўнатилади. Ярадорлар ва bemorларда тананинг ташқи қопламлари, кийим-кечак ва оёқ кийимларининг радиоактив воситалар, заҳарли моддалар ва бактериал воситалар билан заарланишида улар санитария ишлови (обработка)дан ўтказиладилар. Колган барча кишилар саралаш постидан (СП) саралаш майдонлари ёки тўғридан-тўғри қабул қилиш – саралаш бўлимларига жўнатиладилар. Даволаш бўлимларига жўнатилишдан олдин улар санитария-пропускнида санитария-гигиеник ишловдан ўтказиладилар.

Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилган пайтларда, қўлланилганлиги факти аниқланиши биланоқ полк тиббиёт пункти ва алоҳида тиббий бригада тўлиқ ва қатъий эпидемияга қарши иш режимига ўтади.

Бактериологик қурол сифатида ишлатилган қўзғатувчиларнинг тури аниқлангунича алоҳида тиббий бригададан bemorлар эвакуация қилинмайди.

Қўлланилган қўзғатувчи тури аниқлангач эса бактериологик қуролдан зарар кўрганларга нисбатан даволаш-эвакуацион чора-тадбирлар тизими

аниқлаб олинади ва бунда албатта қўзғатувчи характери ҳамда мавжуд шартшароитлар ҳисобга олинади.

Ўта хавфли юқумли касалликлар қўзғатувчилари аниқланган вақтларда бактериологик қурол ўчоғида ўта хавфли дала юқумли касалликлар ХДЮКГлар ва бошқа маҳсуслаштирилган госпиталлар зарур бўладиган тиббий ёрдамни кўрсатиш учун яқинлаштириладилар. Аксинча, бундай қўзғатувчилар йўқ бўлганда эса ярадорлар ва касаллар госпитал базаларга алоҳида эвакуацион йўлланма билан эвакуация қилинадилар.

Бирламчи тиббий карточкалар рамийлаштирилаётган вақтда уларнинг бактериологик қурол ўчоғидан эканликлари ва уларга ўтказилган тиббий муолажалар ҳақида маҳсус белгилар қўйилади.

Тиббий эвакуация босқичига олиб бориладиган йўлларга кечаю-кундуз кўриниб турадиган белгилар қўйилади, керак бўлганда йўл ҳаракатини тартибга солувчи постлар ўрнатилади. Тиббий эвакуация босқичи жойлаштирилган район (жой) ҳақида юқори лавозимдаги тиббий хизмат бошлиғига ўз вақтида ҳабар берилади, шунингдек, қўл остидаги тиббий бўлимлар бошлиқларига ҳам ҳабар берилади.

Тиббий эвауация босқичлари ҳар доим, ҳар қандай шароитда, ҳаттоқи жуда мураккаб шароитларда ҳам узлуксиз ишлашга, тезда жойини ўзгартиришга ва шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида кўп сонли ярадорлар ва касалларни қабул қилишга доимо тайёр бўлиши керак.

**Эпидемияга қарши тўсиқларни ташкил қилиш,
уларнинг юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва
олдини олишдаги аҳамияти**

Эпидемияга қарши тўсиқлар – бу фронтдан фронт ортига эвакуация қилиш чоғида ва фронт ортидан фронтга кучларни келтириш йўлларида касаллик қўзгатувчиларининг у ёки бу томонга ўтиб қолишининг олдини олиш учун ўтказиладиган чора-тадбирлар тизимидан иборат.

Фронтга фронт ортидан юқумли касалликлар ўтиб қолишининг олдини олиш чақирув пунктларидан бошланади.

Ҳарбий қисмларнинг мамлакат ичида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш йўлида эпидемияга қарши тўсиқлар вазифаларини маҳсус тузилмалар бажаради. Бундай тузилмалардан асосийларига санитария назорат қилиш жойи (СКП), кузатув пункти ва ажратиб қўйиш жойлари киради.

Санитария назорат қилиш жойи йирик темир йўл станцияларида, фронт ортидаги тақсимлаш станцияларида ва материал техника билан таъминловчи аэрородромларда ташкил қилинади. Санитария назорат қилиш жойи ўтаётган эшелонлардан bemorlarни aniklab, уларнинг санитария-гиёна ҳолатини текширади ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга оширади.

Бундан ташқари, эшелонни кузатиб борувчи тиббиёт ходимлари ишини ҳам назорат қиласди, уларни дори-дармон, дезинфекция қилувчи воситалар билан таъминлайди.

Касаллик ўчоғида эпидемиологик текшириш қўйидагича олиб борилади:

1. Ҳарбий қисмдаги ва қисм жойлашган ҳудуддаги эпидемиологик ҳолатни аниқлаш.
2. Беморларни текшириш ва сўраб суриштириш
3. Касаллик ўчоғида жойлашган ҳарбий хизматчиларни сўраб суриштириш

4. Атроф мұхитни текшириш
5. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш, касаллик ўчоғи чегараларини аниқлаш ва бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Ветеринария-санитария чора-тадбирлари

Қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилувчи ветеринария-санитария чора-тадбирлари, шахсий таркибни, уй ҳайвонларини зарарловчи зооноз қўзғатувчиларни юқтириб олишларининг олдини олишга қаратилган. Бунга иккита йўналиш бўйича чора-тадбирлар ўтказиш билан эришилади:

1. Қўшинлар шахсий таркиби учун хавф туғдириши мумкин бўлган уй ҳайвонлари орасида эпизоотик барқарорликни сақлаб туриш;
2. Ҳайвонларнинг заарланган маҳсулотларидан тайёрланган озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларини қўшинлар таъминотида фойдаланишнинг олдини олиш, яъни қўшиннинг истеъмол қиласиган озиқ-овқатлари устидан назорат ўрнатиш.

Бирламчи йўналишдаги чора-тадбирларни ҳарбий-ветеринария хизмати амалга оширади. Чора-тадбирларни рационал тарзда ўтказиш учун, яъни қўшинлар орасида зооноз касаллакларни профилактика қилиш учун тиббий хизмат ходимлари ҳарбий-ветеринария хизматидаги ходимлар билан яқиндан алоқа ўрнатадилар. Тиббиёт ходимлари ветеринария хизматчиларини, қўшин орасида уй ҳайвонларидан юққанлиги натижасида юзага келган касалликлар ҳолатлари ҳақида хабардор қиласидар, ўз навбатида ҳарбий ветеринария ходимларидан қўшинлардаги мавжуд уй ҳайвонлари ёки қўшин жойлашган ердаги аҳоли пунктларидаги ҳайвонлар орасида учраётган касалликлар ва уларнинг характеристири ҳақида ахборот оладилар. Ҳарбий-ветеринария хизмати ҳайвонлар орасида соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга оширади,

тиббий хизмат эса эпизоотик ўчоқлардаги шахсий таркибининг касалликни юқтириб олишларининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва қўмондонликка тавсия этади.

Иккинчи йўналишдаги чора-тадбирлар ҳайвон маҳсулотлари устидан ветеринария-санитария назоратини ўрнатиш, ҳайвонларни дала шароити ва қассобхоналарда сўйилишини назорат қилиш, шунингдек, гўшт ва бошқа турдаги ҳайвон маҳсулотларининг сақланиши ва транспортировка қилиниши устидан санитария назорати ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳарбий дезинфекция, дезинсекция, дератизация, санитария ва маҳсус ишлов бериш

Ҳарбий дезинфекция – юкумли касаллик қўзғатувчиларини армия қисмлари ва қўшилмалари, ҳамда ҳарбий денгиз флоти ташки мухити объектларидан, шунингдек тиббий эвакуация босқичларида профилактика мақсадда (профилактик дезинфекция) ва эпидемик кўрсатмаларга асосан (жорий ҳамда якуний дезинфекция) йўқотишидир.

Кўшинлар орасида дезинфекция ишларини ташкил қилиш ва ўрнатишга қисмлар, қўшилмалар ва тиббий муассасалардаги тиббий хизмат бошлиqlари жавобгардирлар. Дезинфекция ишларининг ўтказилишини врач ёки фельдшерлар бошқарадилар.

Мавжуд шарт-шароитларни, қўзғатувчининг хусусиятларини ва юқиш механизmlарини ҳисобга олган ҳолда улар заарсизлантирилиши лозим бўлган объектларни белгилайдилар, ишлов бериш усули ва воситаларини, тартиб ва навбатларини аниқлайдилар, ижрочиларга аппаратура ва техникаларни қўллаш юзасидан кўрсатмалар берадилар, дезинфекция воситаларини қандай тайёрлаш ва ишлатишни ўргатадилар, техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш ўтказадилар ва ўтказилаётган чора-тадбирларнинг сифатини назорат киладилар.

Казарма ичидағи жойлар ва теварак атрофдаги ҳудудларни профилактика дезинфекция қилиш мунтазам равишида фаррошлар, рота бўйича навбатчилар ва ахён-ахёнда бутун шахсий таркиб томонидан ўтказилади.

Ошхона ва умумий овқатланиш залларида заарсизлантириш ишларини суткалик наряд ва ошпазлар амалга оширадилар, тиббий пунктда эса – тиббий пункт бўйича навбатчи бажаради.

Хоналарни ва ҳудудни йиғиштириш, дезинфекция ўтказиш ишларига тегишлича навбатчилар (рота бўйича, ошхона, ҳаммом ва б.) ва полк бўйича навбатчи ходимлар жавобгардирлар.

Профилактика дезинфекцияни қисмларда вақти-вақти билан штатдаги санитар инструктор-дезинфекторлар ҳам, улар йўқ жойларда эса санитар инструкторлар, санитарлар ва штатсиз дезинфекторлар ўтказадилар. Тиббий хизмат бошлиғига штатсиз дезинфекторларни танлаш ва уларни заарсизлантириш ишлари бўйича тайёрлаш вазифаси юклатилади.

Стационарларда жорий ва якуний дезинфекцияни ўтказишни штатдаги санитар-дезинфекторлар ёки маҳсус тайёргарликдан ўтган ҳамширалар амалга оширадилар, бўлинмалар ва ҳудудларда эса штатдаги ва штатда бўлмаган дезинфекторлар ўтказадилар.

Дезинфекция ўтказиш ишлари устидан услубий раҳбарлик санитария-эпидемиология муассасалари зиммасига юклатилади, улар, шунингдек, ўтказилган чора-тадбирларнинг сифатини, дезинфекцион техникалар, аппаратлар ва дезинфекцион воситаларни тўғри қўллаш ва сақланишини ҳам назорат қилиб борадилар.

Иш ҳажми жуда катта бўлган ҳолатларда санитария-эпидемиология муассасалари, қисм тиббий хизматига ёрдам тариқасида қўшимча кучлар ажратиб, уларни кучайтирадилар.

Ҳарбий дезинсекция – бу юқумли касаллик қўзғатувчиларини ташувчи ҳашарот ва паразитларни армия ва ҳарбий денгиз флоти қисмлари ва

кўшилмалари орасида йўқотиш, шунингдек, кўшин шахсий таркибини ҳимоя қилиш мақсадида тиббий ўчоқларни ҳам бартараф этиш чора-тадбирлариридир.

Бўғимоёқлиларни қириш юзасидан чора-тадбирларни қисм тиббий хизмати ва санитария-эпидемиология муассасалари мутахассислари ташкиллаштиради ва ўтказади.

Ҳарбий қисм шахсий таркиби чойшаблари ва кийим-кечаклари зарарсизлантирилади.

Ҳашаротлардан механик ҳимоя қилишни бўлинма командирлари тиббий қисм бошлиғи маълумотномасига асосан қисм қўмондони буйруғига кўра таъминлайдилар.

Ҳарбий дератизация – бу кўшин шахсий таркиби учун ҳавф туғдирувчи, бир қатор юқумли касаллик кўзғатувчиларининг манбаи бўлмиш кемиравчиларга қарши курашишдир. Кўшинлар орасида дератизацион чора-тадбирлар кемиравчиларнинг сони ва муайян эпизоотик ва эпидемик ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Ўтказилишига кўра дератизация профилактик ва якуний бўлиши мумкин. Ўтказилиш жойига кўра казармада, далада ва кемадаги дератизация тафовут қилинади.

Профилактик чора-тадбирларни ташкил қилиш қисм ва бўлинмалар командирларининг вазифаси ҳисобланади. Уларни амалга ошириш эса қисмнинг турли хизматлар функциясига киради.


Хонадон эксплуатация хизматидагилар кемиравчиларни хонадонларга киришларига имкон қолдирмайдилар. Озиқ-овқат хизматидагиларга эса озиқ-овқат омборларига, хоналарига кемиравчилар кишининг олдини олиш, маҳсулотларни кемиравчилардан асраш вазифаси юклатилади. Тиббий хизмат зарур чора-тадбирлар ўтказилиши устидан услубий раҳбарлик ўрнатади ва назорат қиласи.

Кўшинлар орасида эпидемик кўрсатмаларга асосан кемирувчиларни қириш чора-тадбирларини ташкиллаштириш учун қисм, қўшилма ва тиббий муассасалардаги тиббий хизмат бошлиқлари жавобгардирлар. Тегишли ишларни ва услубий раҳбарликни санитария-эпидемиология муассасалари мутахассислари амалга оширадилар. Бу ишларни амалга оширувчилар эса санитар инструктор-дезинфекторлар ҳисобланадилар, улар йўқ бўлган жойларда эса санитар ва штатсиз дератизаторлар бу ишларни бажарадилар.


Санитария ишлови бериш – қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш тизимида шахсий таркибни ҳаммомларда ювинишларини ва бир вақтнинг ўзида кийим-кечакларини дезинфекция, дезинсекция қилишни ёки кийимларни алмаштиришни кўзда тутади, зарур бўлса яшаш жойларида ҳам дезинфекция, дезинсекция ўтказади. Дала типидаги санитар пропускниклар палаткалар (УСТ-56 ва УСБ-56ларда) ичида ташкил қилинади ва дезинфекцияловчи – душ қурилмалари кўлланилади.

Санитария ишлови бериш, дезинфекция ва дезинсекция ўтказиш учун техник жиҳозлар


Ҳарбий тиббий хизмат тасарруфида бу ишлар учун турли хилдаги жиҳозлар мавжуд, масалан: автомакс, гидропульт, дезинфаль, қўлда пуркагич, автомобилларга ўрнатилган дезинфекцион душли қурилмалар – ДДА-53А, ДДА-66 ва ҳоказолар шулар жумласидандир (2-расм а, б, в, г, д ,е,ж).



А



Б




В


А- ДДА-53А;

Б- ДДА-2;

В- ДДА-66;



з



и

Д



Е



Ж

Г- ДДП-1;

Д- ДДП-2.

Е- ДА

Ж- ДДК-01

2-расм. Дезинфекцион душили қўрилмалар

Бактериологик қурол ўчоғида заарсизлантириш ишлари

Бактериологик қурол ўчоғида заарсизлантириш ишлари кўп томонлама эпидемик ўчоқларда ўтказилувчи дезинфекциядан фарқ қиласди. Бактериологик қурол ўчоғида жуда катта худудларнинг (унда жойлашган қўшинлар шахсий таркиби, ҳарбий буюмлар ва жиҳозлар, сув манбалари, ҳайвонлар ва бўғимоёқлилар билан бирга) зааррланиши рўй беради. Баъзан кутилмаган даражада обьектлар ва жойларнинг барча мавжуд микроорганизмлар билан, шу қатори ўта хавфли юқумли касалликлар қўзғатувчилари ва спора ҳосил қилувчи микроорганизмлар билан зааррланиши рўй беради. Зааррланишнинг қишиш вақтида рўй бериши, бундан ташқари, қўшинларнинг жангавор ҳаракатлари авж олган даврда зааррланиш бўлиши, шунингдек, ташқи муҳитга нисбатан сунъий равишда чидамлилиги орттирилган қўзғатувчиларнинг қўлланилиши ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Буларнинг бари заарсизлантириш ишларини бошқачароқ тарзда ташкил этишни, бунинг учун эса бутун шахсий таркибни, турли хизмат ва турли хил қўшинларни ҳам бу ишларга сафарбар қилинишини, юқори иш унумига эга бўлган техникалар, самарали дезинфекцион воситалар ва дезинфекция усулларини қўлланилишни талаб этади.

Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилганидан кейинги асоратларни бартараф қилиш учун қўшинларни маҳсус ишлов бериш, шунингдек, жойларни ва ҳимоя анжомларини дезинфекция ва дезинсекция қилиш лозим.

Қўшинларни маҳсус ишлов беришдан ўтказиш – шахсий таркибга санитария тозалов ишлари ўтказиш ва қурол-яроқларни, жангавор техника ва транспортларни, кийим-кечаклар, оёқ кийимлари, аслаҳалар ва шахсий ҳимоя воситаларини дезинфекция қилишни кўзда тутади. У 2 босқичда амалга оширилади. Душман томонидан бактериологик қурол қўлланилган вақтда

қисман махсус ишлов бериш, кейинроқ эса тўлиқ махсус ишлов бериш ўтказилади.

Қисман махсус ишлов бериш – бўлинмаларда ўтказилади, у ҳарбий хизматчиларни қисман санитария ишловидан ўтказиш ва қурол-аслаҳалар, техникалар, шахсий қуролларни қисман дезинфекция қилишни ўз ичига олади. Бунинг учун кўл келадиган воситалардан фойдаланилади. Қисман санитария ишлови бериш бўлинмалар командирлари буйруқларига асосан ўз-ўзига ва ўзаро ёрдам тариқасида ўтказилади. Бундай ишлов бериш нималарда ифодаланади? Бунда асосан тананинг очиқ юзаларини, яъни тери қопламларини юқумли касаллик қўзғатувчиларидан тозалаш, шунингдек, кийилган шахсий ҳимоя воситалари юзасидаги, кийим-кечаклар, аслаҳа-анжомлар ва пойабзаллардаги қўзғатувчилардан халос бўлиш тушунилади. Қурол аслаҳалар ва техникага қисман санитария ишлови беришда ва қисман дезинфекция ўтказишида механик тозалаш ўтказиш, имкони бўлса дезинфекцион воситалар билан заарсизлантиришни ўтказиш тавсия этилади. Тўлиқ махсус ишлов бериш қўшинлар жангавор топширикларни бажариб бўлгач ўтказилади.

Тўлиқ махсус ишлов бериш – ўз ичига қўшинларга санитария ишлови бериш ҳамда қурол-аслаҳалар, жангавор техника, транспорт, кийим-кечаклар, пойабзаллар, анжом-аслаҳалар ва шахсий ҳимоя воситаларини заарсизлантиришни олади.

Ҳарбий тиббий хизматнинг вазифаси – беморлар ва ярадорларга тўлиқ санитария ишлови берилишини ташкиллаштириш, санитария транспортларини тўлиқ дезинфекция қилиниши, шунингдек, дезинфекция самарадорлигининг лаборатория назорати, ичимлик сувларини заарсизлантириш ва тозалаш ишлари устидан назорат қилиш каби тадбирларни ташкиллаштиришдан иборат.

Тиббий хизмат мутахассислари, дезинсекция ва дезинфекциянинг барча масалалари бўйича маслаҳатлар беришади ва услубий раҳбарлик қилишади.

Бактериологик қурол ўчоқларини заарсизлантириш учун табий эпидемик ўчоқларда қўлланиувчи воситалар ва усувлар билан бир қаторда, махсус техник ва кимёвий воситалар, шунингдек, дезинфекцияловчи хусусиятга эга бўлган дегазация қилувчи воситалар ҳам қўлланилади.

Қўшинларни бактерияларга ва эпидемияга қарши ҳимоя қилиш тизимида иммунопрофилактиканинг ўрни.

Қўшинлар орасида иммунопрофилактика – вакцинация ёки эмлаш усувлари ёрдамида ҳарбий хизматчилар орасида сунъий иммунитет ҳосил қилиш орқали шахсий таркибни юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш чораларидир.

Эмлаш ишлари режали равишда ва эпидемик кўрсатмаларга асосан ўтказилади. Режали равишда эмлаш бутун шахсий таркибга янги келганларни қабул қилиш ва хизмат давридаги ревакцинация чоғида ўтказилади. Режали эмлаш рўйхати мамлакатдаги эпидемик вазият ва ҳарбий ҳолат пайтидаги ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, мавжуд эмлаш воситаларига қараб белгиланади.

Эпидемик кўрсатмаларга кўра эмлаш қўшинлар орасига юқумли касалликлар олиб кирилиши хавфи туғилганда ёки шахсий таркиб орасида юқумли касалликлар юзага келган ҳолларда ўтказилади. Бундай ҳолатларда эмлаш ишлари юқиши хавфи юкори бўлган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Шахсий таркибга эпидемиологик кўрсатмаларга асосан эмлаш ўтказиш учун мамлакатда ишлаб чиқарилувчи барча турдаги вакциналар қўлланилади, бунда албатта хавф туғдираётган инфекция тури ҳам ҳисобга олинади.

Эмлаш ишлари вакциналарга қўйилган талаблар ва кўрсатмалар асосида ўтказилади.

Охирги йилларда оммавий эмлаш усуллари ишлаб чиқилди. Буларга игнасиз инъекторлар ишлатиш, аэрозол ва энтерал усуллари киради.

Игнасиз инъекторларнинг бир неча хил турлари мавжуд (3-4 расм). Бундай асбоб ёрдамида эмлаш ўтказиш усули суюқликнинг катта босим остида чиқарилиши ва тери орқали тегишли тўқималарга кириши хусусиятига асосланган.



А- универсаль игнасиз инъектор

йифиқхолатда



Б- универсаль игнасиз инъектор БИ-

ёйиқхолатда.

3-расм игнасиз инъекторлар



4 - расм. Универсаль иғнасиз инъектор БИ-30 билан эмлаш ўтказиши

Аэрозол усулида эмлаш – нафас олиш вақтида нафас органлари шиллик қаватлари орқали организмга антигенларни киритишга асосланган. Ҳозирги вақтда икки хил турдаги аэрозол вакциналар ишлаб чиқилган: қуруқ полидисперсли ва суюқ монодисперсли. Вакцинация сеанси (кишиларнинг аэрозол хонада бўлиши) 5-10 дақиқа давом этади. Усунинг самарадорлиги бир соатда 500-800 кишини ташкил қиласди.

Энтерал (офиз орқали) юбориш усули вакциналарни киритилганда ошқозон-ичак тракти орқали антигенларнинг сўрилишига асосланган. Унинг унумдорлиги соатига 800-1200 кишини ташкил қиласди.

Режали равища эмлаш ва эпидемиологик кўрсатмаларга асосан эмлаш ўтказиш муддатлари маҳсус буйруқлар асосида белгиланади.

Қисмларда эмлаш ишлари ҳарбий қисм бўйича тиббий хизмат бошлиги томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида чиқарилган бўйруққа асосан ўтказилади.

Эмлашни врачлар ёки уларнинг назорати остида тажрибали фельдшерлар ва ҳамширалар амалга оширадилар. Эмлаш натижалари уларни ўтказиш вақти билан,, препарат номи, дозаси ва организмнинг унга нисбатан реакцияси тиббий китобчага (картага) ёзиб қўйилади. Бундан ташқари, эмланганларнинг рўйхати тузилади ва бу рўйхат ҳисобот учун асосий хужжат ҳисобланади.

Қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш тизимида тезкор профилактика

Қўшинлар орасида шошилинч профилактика антибиотиклар, иммун зардблар, бир қатор дори-дармонлар ва бошқа воситаларни шахсий таркиб орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш учун қўллаш чоралариdir. Жангавор ҳолатлар ҳукм сураётган вақтларда шошилинч профилактика ўта муҳим аҳамият касб этади, айниқса, жангавор топшириқни бажариш учун шахсий таркибининг соғлигини сақлаш зарур бўлса. Шошилинч профилактика қўшинларни бактериологик таъсирдан ҳимоя қилишда тиббий чоратадбирларнинг энг муҳим элементларидан бири бўлиб хизмат қиласи. Бактериологик курол қўлланилганлиги ҳақидаги факт аниқланганида умумий шошилинч профилактика ўтказилади, бунда шахсий аптечкада мавжуд бўлган препаратлардан фойдаланилади. Махсус индикация натижаларига асосланган ҳолда махсус шошилинч профилактика воситалари қўлланилади.


Эпидемия ўчоқларида шошилинч профилактика ўтказиш ҳақидаги қарорни тиббий хизматнинг юқори турувчи бошлиги чиқаради. Шахсий таркибга перорал ичиш учун ёки парентерал киритиш учун препаратларни беришни қисм тиббий хизмати таркибидагилар тиббий хизмат бошлиги назоратида амалга оширадилар.

Лаборатория текширувлари


Дала шароитида лаборатория текшируларини ўтказиш учун автолабораториялар ва санитария-эпидемиология муассасаларининг тахламлари (укладка) қўлланилади. Алоҳида тиббий бригаданинг санитария-эпидемияга қарши взводи тасарруфида қўшин тиббий лабораторияси мавжуд (**5-расм**), санитария-эпидемиология муассасаларида эса дала тиббий лабораторияси (ДТЛ) виварийси билан мавжуд бўлади (**6-расм**).

Кўшинлар орасида лаборатория текширишларини ташкил қилишда куйида кўрсатилган учта вариантлардан биттаси қўлланилади:


1. Материал қисм тиббий хизмати ходимлари томонидан олинади ва санитария-эпидемиология муассасалари лабораторияларига етказиб берилади;
2. Материал лаборатория мутахассислари томонидан қисмга киришда олинади ва муассаса лабораториясига олиб борилиб текширилади;
3. Лабораториянинг ўзи қисмга олиб борилади ва материал олиниши ташкиллаштирилади ҳамда ўша жойнинг ўзидаги текширилади.



5-расм -Ҳарбий тиббий лабараториянинг умумий кўринини.



a



б

6-расм. Даля ҳарбий тиббий лабараторияси (ДХТЛ) нинг умумий кўриниши (а), виварийси билан (б).

Қўшинлар орасида санитария-тарғибот ишлари

Қисмда санитария-тарғибот ишларини тиббий хизмат бошлиги ташкиллаштиради, ўтказишида эса барча тиббий хизмат ходимлари иштирок этишади. Вазиятга қараб санитария-тарғибот ишларининг турли усул ва шакллари кўлланилади: сухбатлар, маъruzалар, газеталарда мақолалар ва бошқалар. Алоҳида масалалар бўйича эса вазиятга қараб санитария-тарғибот ишлари ўтказилиши тавсия этилади (озик-овқат ва сув таъминоти ишчилари, табиий ўчоқларда хизмат ўтаётган ва ҳайвонларни парвариш қилаётган шахслар ва бошқалар учун).

ҚўШИНЛАРНИ БАКТЕРИОЛОГИК ҚУРОЛДАН ВА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШ.

Умумий қоидалар

Қўшинларни бактериологик қуролдан ва эпидемияга қарши ҳимоя қилишни бошқариш тушунчаси кенг маънода қаралганда, худди тиббий хизматни бошқаришдаги каби, икки нарсани кўзда тутади:

1. Қўшинларни бактериологик қуролдан ва эпидемияга қарши ҳимоя қилишни ташкиллаштириш;
2. Қўшинларни бактериологик қуролдан ва эпидемияга қарши ҳимоя қилиш куч ва воситаларига илмий жиҳатдан асосланган усулларни бирлаштирган ҳолда раҳбарлик қилиш, кўзланган мақсадга эришиш учун аниқ бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар қилиш.

Тиббий хизматни бошқариш дейилганда, бошлиқ (командир)лар ва тиббий хизмат бошқарув органларини аниқ бир мақсадга йўналтирилган

равища тиббий қисм ва бўлинмаларнинг доимий тарзда жангаворлик ҳолатини ушлаб туриши, жангавор ҳаракатларни тиббий таъминланиши учун тайёргарлик олиб борилиши ва улар олдига қўйилган вазифаларини бажариш устидан раҳбарлик қилиб бориш тушунилади.

Тиббий хизматни амалий фаолиятида, жангавор шароитлар вақтида, “тиббий хизматни бошқариш” термини остида, одатда аниқ юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда қўшинларни тиббий таъминлашни мақсадга мувофиқ равища, ўз вақтида ва аниқ ўтказиш учун қўл остидаги кучлар ва воситалари устидан раҳбарлик қилиш тушунилади.

Тиббий хизмат кучлари – дейилганида, шахсий таркиб (санитарлар, санитария бўйича йўриқчилар, фельдшерлар, шифокорлар ва бошқалар) тушунилади;

Воситалари – дейилганида, санитар-транспорт воситалар, тиббий мол-мулклар ва бошқалар тушунилади.

Ҳар бир бошқарув тизимида, шу жумладан, умуман тиббий хизматни олганда, унинг алоҳида таркибий қисмларида (бригада тиббий хизмати, ҳарбий округ ва бошқалар), тиббий қисмларда ва даволаш муассасаларида бошқарув органлари ва бошқарув обьектлари мавжуд.


Бошқарув органи термини остида тиббий хизмат бошлиқлари, даволаш муассасаларининг бошлиқлари (командирлари) тушунилади.

Бошқарув обьектлари термини остида эса қўшинларни тиббий таъминлашни бевосита амалга оширувчи тиббий хизмат бўлимлари, қисмлари ва даволаш муассасалари, жамоалар ёки алоҳида кишилар тушунилади.

Бошқарув тизимининг муваффақиятли ишлаши учун бошқариш органи билан бошқарув обьектлари орасида доимий алоқа бўлиши керак. Бошқаришни амалга ошириш вақтида ёпиқ бошқарув контури пайдо бўлади. Унинг асосий элементлари бўлиб: бошқариш органи – тегишли маълумотларни (қўмондонликдан, юқори лавозимдаги тиббий хизмат бошлиғидан, қўл остидаги

куч ва воситаларнинг ҳолати тўғрисида маълумотлар ҳамда қўйилган вазифалари қандай шароитларда бажарилиши ва бошқаларни) қабул қилиб олади, уни ўрганиб ўзлаштиради, тегишли қарорни қабул қиласди, қўл остидагиларга вазифалар қўяди, керак бўлган ёрдамни кўрсатади ва назорат қилиб боради.

Бошқариш алоқасининг каналлари вазифаларни ўз вақтида ва аниқ ҳолда бошқарув обьектларига етказиб беришни таъминлайди; бошқарув обьектлари – улар олдига қўйилган вазифаларни бажаради; қайтарувчи алоқа каналлари – берилган фармойишларнинг бажарилиши ва қўл остидаги обьектларнинг ҳолати тўғрисида ахборотларни қабул қилиб олишни таъминлайди (6-чизма).



6-Чизма. Тиббий хизматни бошқарии схемаси.

Бир қанча омиллар таъсирида тиббий хизматни бошқариш тизими ривожланиб, такомиллашиб боради. Буларга қуидагилар киради: ҳарбий фан ва қуролли кучларнинг ривожланиш даражаси; ҳарбий тиббиётнинг ривожланиш даражаси; тиббий хизматнинг техник жиҳатдан жиҳозланиш даражаси; ҳарбий-тиббий ташкилотларининг мураккаблик даражаси; ҳарбий-тиббий кадрларнинг тайёргарлик сифати киради. Санаб ўтилган омиллар кейинги ўн йилликларда ривожланишининг янги босқичига ўтиб, тиббий хизматни бошқариш тизимиға таъсир қилиш даражасини янада ошириб бормоқда.

Қўшинларни бактериологик қуролдан ва эпидемияга қарши ҳимоя қилишга тайёрлаш ва уни бошқариш ҳақида гап кетганда, бошқарувнинг учта даври ҳақида айтиб ўтиш жоиздир: ахборот тўплаш, мантиқий фикрлаш ва ташкилий даврлар.

Бошқарувнинг ахборот тўплаш даври жараёни маълумотларни тўплашни кўзда тутади, бу маълумотлар кейинчалик логик-мулоҳазалар чиқариш учун муҳимдир. Қўшинларни бактериологик қуролдан ва эпидемияга қарши ҳимоя қилиш тизимининг ахборот тўплаш базаси ўз ичига топшириқ командаси (юқори лавозимли бошқарув органлари буйруқлари) ва маълумотлар тайёрлаш ҳолатини қамраб олади.

Ахборот тўплаш ҳолатига қуидагилар киради:

1. Шахсий таркиб ва улар жойлашган ҳудуддаги аҳоли орасидаги юқумли касалликларнинг даражаси, таркиби ва динамикаси, шунингдек, мумкин бўлган ҳавфли омиллар ҳақида маълумот;
2. Чора-тадбирларнинг потенциал самарадорлиги ҳақида маълумот;
3. Эпидемияга қарши воситаларнинг мавжудлиги, кадрларнинг тайёргарлиги ва бошқалар тўғрисида маълумот.

Бошқаришнинг мантиқий фикрлаш даври босқичида эпидемиологик ташҳисот усуллари қўлланилади вабу усуллар энг камида учта саволга жавоб бериш учун мўлжалланган:

1. Кўшинларни бактериологик қуролдан ва эпидемияга қарши ҳимоялашнинг қандай муаммолари энг долзарб ҳисобланади?
2. Бу муаммолар қаерда, қачон юзага келади ва қачон ўз таъсирини намоён эта бошлайди (“хавфли гурухлар” ва “хавфли вакт”)?
3. Қандай шароитлар бу муаммоларни юзага келтиради, яъни “хавфли омиллар”?

Юқорида таъқидланганидек, бошқарув – бу раҳбарликнинг мақсадга йўналтирилган фаолиятидир. Кўшинларни эпидемияга қарши ҳимоялаш тизимининг мақсадлари асосида вазиятни баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш натижалари асосида вариантлари ўрганилади ва буларнинг барчаси асосида кўшинларнинг бактериологик ва эпидемияга қарши ҳимоя қилиш чоратадбирларининг ҳажмини ва рўйхатини аниқловчи якуний қарор қабул қилинади, бажарилиш вақтлари ва ижочилар белгиланади.

Қабул қилинган қарорларни расмийлаштириш, ижочиларга уни етказиш, услугубий ва назорат ишлари биргаликда бошқарилишнинг ташкилий даври мазмунини ташкил қиласди. Қабул қилинган қарорларни расмийлаштиришнинг энг типик варианти бу – режадир. Шунинг учун ҳам режалаштириш, кўшинларни бактериологик қуролдан ва эпидемияга қарши ҳимоя қилишни бошқариш тизимининг энг асосий звеноси сифатида, катта аҳамиятга эга.

Муқобил (стационар) жойлаштирилиш шароитларида қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоялашни режалаштириш

Қисмлар (қўшилмалар) кўчмайдиган қилиб жойлаштирилган шароитларда эпидемияга қарши ишлар бўлимлари бир ой ва бир йилга режалаштирилади,

шунингдек, алоҳида чора-тадбирларни таъминлаш (хусусий режалар) режалаштирилади. Улар қисм (қўшилма) тиббий таъминоти умумий режасига бир бўлим сифатида киритилади.

Йиллик режани тузиш учун бошланғич материаллар бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: эпидемиологик ташҳисот натижалари; қўшиннинг (қўшилманинг) жангавор ва сиёсий тайёргарлиги режаси; хўжалик фаолияти режаси; қисм (қўшилма) қўмондони ва юқори лавозимли тиббий бошқарманинг буйруқлари; текширув комиссиялари актлари; жорий йиллик режанинг бажарилганлик хақидаги маълумотлар.

Йиллик режага ишларнинг шундай бўлимлари киритилиши керакки, бу юқумли касалликларни камайтиришда етакчи рол ўйнасин.

Мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, қўйидаги даврлардаги чора-тадбирлар режалаштирилади: янги чақирилаётган ҳарбий хизматчиларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш даврида; бўлинма (қисм)ларни ўқув марказлари, дала машқлари, хўжалик ишлари ва бошқаларда; солдат ва сержантларни заҳирага бўшатишга тайёргарлик бўйича чора-тадбирлар, алоҳида объектларни текширишда ва ҳоказоларда. Тиббий таъминотнинг йиллик режасида эпидемияга қарши кураш бўлими таркибига яна қўшимча чора-тадбирлар бажарилишининг назорати ҳам киради, уларни бўлим командирлари ва турдош хизмат бошлиқлари (квартира – эксплуатация, озиқ-овқат, кийим-кечак, ветеринария хизмати) режалаштиришади.

Зарур ҳолатларда қисм тиббий хизмати бошлиғи турли чора-тадбирларни режалаштиришнинг ташаббускори бўлади. Режада эмлашларни ўтказиш вақти, такрорий лаборатория текширувлари ва турли барча шароитларда зарур бўлган ҳамда вазиятдан келиб чиққан бошқа тадбирлар ҳам ўз аксини топади. Энг муҳими, бу чора-тадбирлар эпидемиологик жиҳатдан асосланган бўлиши, яъни потенциал самарадор бўлиши ва эпидемиологик таҳлил натижаларидан келиб чиққан бўлиши керак.

Худди шу принциплар асосида қисм (қўшилма) тиббий хизматининг эпидемияга қарши ойлик иш режаси бўлими ҳам ишлаб чиқилади. Уни тузиш учун бошланғич материаллар бўлиб қуидагилар ҳисобланади: пайдо бўлган юқумли касаллик ўчоқларини эпидемиологик текшириш натижалари; ўтган ойлардаги юқумли касалликларнинг эпидемиологик таҳлили; келгуси ойга мўлжалланган жангавор ва сиёсий тайёргарлик вазифалари, шунингдек, хўжалик фаолияти вазифалари; қисм (қўшилма) тиббий таъминоти йиллик режасининг эпидемияга қарши кураш бўлими юзасидан чора-тадбирлар; ўтган ойдаги режанинг бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; текширув натижалари; юқори мансабли бошлиқлар буйруқлари. Ойлик режада, йиллик режада кўзда тутилган ишлар бўлимлари ҳам ўз аксини топади, бажарувчилар аниқланади, бажариш вақтлари белгиланади.

Эпидемияга қарши ишлар бўлимлари тиббий хизматининг хусусий режаларида ҳам ўз аксини топади, бу режалар жангавор ва сиёсий тайёргарликнинг алоҳида босқичларини таъминлаш учун, даврий, мавсумий характерга эга бўлган алоҳида чора-тадбирларни таъминлаш, шунингдек, йиллик режада кўзда тутилган ва бажарилиши давомида тушунтиришни талаб қилувчи бир қатор ишларни амалга ошириш учун ишлаб чиқилади. Яна шундай хусусий (ички) режаларга янги келаётган чақирилувчи ҳарбий хизматчиларни қабул қилиш юзасидан, захирага бўшатиш, қўшинларни ўқув машғулотларига чиқиши, дала машғулотларига чиқиши, қишки ва ёзги даврлардаги машғулотлари юзасидан режаларни ҳам киритиш мумкин. Хусусий режаларга яна эпидемияга қарши курашга қаратилган режаларни ҳам киритиш мумкин. Улар зарурият туғилганда эпидемик ўчоқларни тугатиш юзасидан ишлаб чиқилади. Бундай режаларни тузиш учун бошланғич материал бўлиб эпидемиологик текширув натижалари хизмат қиласи. Қисм (қўшилма) тиббий хизмат бошлиғи, шунингдек, ўта хавфли юқумли касалликларнинг қисмга кириб келишининг олдини олиш ва қисмда пайдо бўлиб қолиши ҳолатларида

қилинадиган ишлар режасига ҳам эга бўлиши керак. Режа бажарилишини назорат қилиш ижрочиларнинг ўзлари ҳамда уларнинг бошликлари томонидан амалга оширилади.

Қўшинлар орасида эпидемиологик назорат

Ҳозирги вақтда қўшинлар орасида эпидемияга қарши кураш ишларини ташкиллаштиришнинг асосий шакли бўлиб эпидемиологик назорат ҳисобланади. Уни тиббий хизмат бошликлари ва маҳсус бошқарув органларининг қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш ва муваффақиятли амалга ошириш борасидаги мақсадга йўналтирилган фаолиятлари деб баҳолаш мумкин. Эпидемик назорат қўшинлар шахсий таркиби ва улар жойлашган худуд аҳолиси орасидаги эпидемик жараён ривожланиши тенденцияси ва ҳолатини динамик баҳолаш йўли билан ўтказилади. Бундай баҳолаш қўйидагиларга ўз вақтида таъсир эта олиши лозим, яъни: қўшинлар орасига юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш ва шахсий таркиб орасида юқумли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, борди-ю пайдо бўлса, зудлик билан эпидемик ўчоқни бартараф этиш, юқумли касалликларнинг умумий даражасини камайтириш ва инфекциянинг қўшин орасидан ташқарига чиқиб кетишининг олдини олиш кабиларга.

Эпидемиологик назорат қўшинлар орасида эпидемияга қарши тизимнинг барча даражадаги бошқарув органлари мансабдор шахслари томонидан ўтказилади. Эпидемик вазиятни динамик баҳолаш қўшинларни эпидемияга қарши ҳимоялаш юзасидан бошқарув бўйича қарорлар қабул қилиш ва уларни ташкиллаштиришни таъминлайди. Худди шунинг учун ҳам эпидемиологик назоратга фақатгина эпидемиологик ташхисот функция сифатидагина эмас, балки қўшинлар орасидаги барча эпидемияга қарши ишларнинг ташкилий шакли сифатида каралади. Ишларни ташкиллаштиришнинг бундай шаклида

ҳарбий эпидемиологиянинг назарий, услугий ва ташкилий принциплари жамланган ҳолда акс эттирилади.

Эпидемиологик назоратнинг услугий асоси ҳар доим ретроспектив эпидемиологик таҳлил ҳисобланади. Унинг натижалари асосида эпидемик жараён ривожланиши тенденцияси ва ҳолати баҳоланади, шунингдек, эпидемиологик прогноз берилади. Юқорида ретроспектив эпидемиологик таҳлилнинг вариантлари ҳақида тўхталиб ўтилган эди. Шунга мос равища эпидемиологик назоратнинг вариантлари ҳақида гапириш мумкин.

Эпидемиологик назоратнинг барча вариантларида унинг иккинчи босқичи (РЭТдан кейин) бошқарув юзасидан қарорлар қабул қилиш ва эпидемик вазиятни баҳолаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирларни режалаштириш ва бажариш ҳисобланади.

Эпидемиологик назоратнинг учинчи босқичи **оператив эпидемиологик таҳлил** ҳисобланади. Бунда эпидемиологик вазиятга тезкор баҳо берилади ва эпидемик жараёнга ўз вақтида таъсир кўрсатиш учун оператив равища бошқарув қарорлари қабул қилинади ва уларни бажаришга киришилади.

МУЖДАРИЖА:

| | |
|---|-----------|
| Кириш..... | 5 |
| АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР..... | 8 |
| Ҳарбий эпидемиологиянинг шаклланиши ва ривожланиши..... | 11 |
| Уруш ва табиий оғатлар вақтида инфекцион касалликлар этиологик таркибининг ўзига хос хусусиятлари..... | 16 |
| Қўшинга инфекциянинг олиб кирилиш йўллари, фавқулотда вазиятлар ва уруш вақтида эпидемик жараённинг ривожланиши ҳамда намоён бўлишига таъсир қилувчи омиллар..... | 22 |
| Инфекцион касалликнинг кириб келиши ва пайдо бўлишига қарши чоратадбирлар | 27 |
| Тиббий эвакуация боскичларида (ТЭБ) эпидемияга қарши (профилактик) тадбирлар..... | 30 |
| Эпидемияга қарши таъминот..... | 49 |
| Санитар эпидемиологик қисмларнинг асосий вазифалари ва ишлаш принциплари..... | 64 |
| Ҳарбий-дала госпиталлари..... | 66 |
| Қўшинда санитария-эпидемияга қарши (профилактик) тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш..... | 70 |
| Биологик қуроллар. Биологик қуролдан ҳимоя қилиш асослари. Биологик-бактериологик разведка. | 73 |
| БҚ зараловчи таъсир хусусиялари..... | 78 |
| БАКТЕРИОЛОГИК (БИОЛОГИК) ВА ЭПИДЕМИК ВАЗИЯТНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ..... | 85 |
| Қўшинлар орасида ва улар жойлашган ҳудуддаги эпидемик вазиятни баҳолаш усуллари..... | 85 |

| | |
|---|-----|
| Юқумли касалликларни нозологик шакллари бўйича тузилишини (структурасини) ва даражасини таҳлил қилиш..... | 87 |
| Санитария-эпидемиологик разведка..... | 100 |
| Кўшинлар ва улар жойлашган (ҳаракат олиб борадиган) ҳудудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини баҳолаш мезонлари..... | 105 |
| БАКТЕРИОЛОГИК РАЗВЕДКА | 109 |
| ҚўШИНЛАРНИ ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ВА БАКТЕРИОЛОГИК (ҚУРОЛЛАР ТАЪСИРИДАН) ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ (ҳарбий эпидемиологиянинг ташкилий асослари)..... | 113 |
| ҚўШИНЛАРДА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ АСОСЛАРИ..... | 125 |
| Бактериологик заарланиш ўчоқларида шахсий ва коллектив ҳимоя воситаларини қўллаш..... | 129 |
| Даволаш-эвакуация чора-тадбирлари тушунчасининг мазмuni. Замонавий даво- лаш-эвакуация чора-тадбирлари тизими..... | 132 |
| Тиббий эвакуация босқичи ҳақида тушунча ва унга юклатилган вазифалар.... | 134 |
| Эпидемияга қарши тўсиқларни ташкил қилиш, уларнинг юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва олдини олишдаги аҳамияти..... | 140 |
| Ветеринария-санитария чора-тадбирлари..... | 141 |
| Ҳарбий дезинфекция, дезинсекция ва дератизация, санитария ишлов бериш.. | 142 |
| Кўшинларни бактерияларга ва эпидемияга қарши ҳимоя қилиш тизимида иммуноопрофилактиканинг ўрни..... | 150 |
| Кўшинларни эпидемияга қарши ҳимоя қилиш тизимида тезкор профилактика..... | 153 |
| Лаборатория текширувлари..... | 154 |
| ҚўШИНЛАРНИ БАКТЕРИОЛОГИК ҚУРОЛДАН ВА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШ | 156 |

| | |
|---|-----|
| Күшинлар орасида эпидемиологик назорат..... | 163 |
| ИЛОВА..... | |

